**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ “ГУМАНИТАР ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ АССИСТЕНТИ**

***КОМОЛОВА ФАРИДА ҚОДИРЖОНОВНА*нинг**

# ЭТИКА, ЭСТЕТИКА, МАНТИҚ ФАНИДАН

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**АНДИЖОН – 2013**

# ЭТИКА, ЭСТЕТИКА
# КИРИШ

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар – Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини эълон қилиши, ўтмиш тарихимизнинг, миллий анъана ва қадриятларнинг тикланиши муносабати билан ижтимоий фанлар, жумладан, “Этика” ва “Эстетика” фанлари олдида янги вазифалар пайдо бўлди. «Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим» деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли рисоласида. Бу фикрлар “Этика” ва “Эстетика” фанлари учун ҳам методологик аҳамият касб этади. Мафкура соҳасида, гўзаллик қонуниятларини тушуниш ва тушунтириш соҳасида изланишлар давом этмоқда.

Мазкур ўқув қўлланмаси юридик институт талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда “Этика” ва “Эстетика” фанларининг айрим муаммолари ёритилган. Унда “Этика” ва “Эстетика” нинг тадқиқот объекти, вазифалари, жамият ҳаётида тутган ўрни таҳлил этилади. Ахлоқий ва эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари кўрсатиб ўтилади. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳияти, унда ихтиёр эркинлигининг аҳамияти, ахлоқнинг таркибий тузилиши масалалари таҳлил этилади. Этика фани категориялари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар моҳияти очиб берилади. Бўлажак ҳуқуқшунослар учун муҳим бўлган ахлоқий маданият ва шахс ахлоқий тарбиясига кенг ўрин берилади. Қўлланманинг ўзига хос томони – унда юридик этика ва унинг асосий муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Воқеликка эстетик муносабатнинг моҳият-мазмуни, асосий йўналишлари очиб берилади. Шунингдек, эстетик онг, унинг тузилиши, эстетик онг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Эстетик онг ва эстетик фаолият тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади. Ўқув қўлланмасида эстетик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади. Эстетика фани категориялари: гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик, фожиалилик ва кулгилилик категориялари мазмуни очиб берилади. Шунингдек, санъат муаммосига ўзига хос тарзда ёндошилади. Санъатнинг вужудга келиши, ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги, санъат турлари кўрсатиб берилади.

Мазкур ўқув қўлланмасида маъруза матнлари, адабиётлар рўйхати, таянч тушунчалар ва тестлар тавсия этилади.

# БИРИНЧИ ҚИСМ
# ЭТИКА
## 1-мавзу. “Этика” фанининг предмети, вазифалари ва тарихи.
### Р Е Ж А

1. “Этика” фанининг предмети ва хусусиятлари.
2. Ахлоқнинг келиб чиқиши.
3. Ахлоқ тарихи (Қадимги дунё, Ўрта асрлар ва янги давр ахлоқи)
4. Ижтимоий фанлар тизимида “Этика”нинг тутган ўрни.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель ўз даврида мавжуд фанларни таърифларкан, уларни учта гуруҳга ажратади: назарий фанларга фалсафа, математика, физикани; ижодий фанларга санъат, бадиий ҳунармандчиликни; амалий фанларга эса этика ва сиёсатни киритади. Шу тариқа Этика фалсафа доирасидан ажралиб чиқади ва мустақил фан сифатида шакллана бошлайди. Ҳозирги вақтда «Этика» ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган фандир.

«Этика» (ахлоқшунослик)–ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги фандир. У бошқа ижтимоий фанлар сингари ўз қонунлари ва категорияларига эга бўлиб, улар орқали ўз хулосаларини баён қилади. «Ахлоқ» сўзи аслида арабча сўз бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти деб кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва хуқуқий фаолиятида, оиласида ва кундалик турмушида юзага келадиган ўзига хос муносабатлари шаклига айтилади.

Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, якка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади.

Хусусан «одоб», «хулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади.

А. Шер «Ахлоқшунослик» китобида кўрсатишича, «Одоб-инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ахлоқ эса–жамият, замон инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир».

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида инсоният жамияти вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахслар ўртасидаги эҳтиёж ва манфаатларга хизмат қилувчи алоқа тарзида вужудга келиб, ўзининг тарихий тараққиётида:

- инсоннинг табиий хислатларини ўзгартирувчи, яратувчи фаолияти шаклида умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми;
- жамиятда яшовчи ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омил асосларидан бири;
- кишиларнинг ички туйғуларини, ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларини англаб етиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш йўлларидан энг афзали;
- оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси;
- адолатли жамият қуриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, бахтли яшаш ғояси сифатида мунтазам равишда ривожланиб келган ва ривожланади.

Ахлоқнинг негизини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкий муносабатлар, меҳнат тақсимоти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда, уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварликни ташкил қилади. Шубҳасизки, ана шу негизлар асосида Ўзбекистон халқларининг янгича мазмундаги маънавий-ахлоқий дунёси шаклланади ва қарор топади. Бу эса, ўз навбатида халқимиз ахлоқининг негизини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ахлоқнинг жамият хаётида тутган ўрни у бажарадиган функциялар билан белгиланади.

Регулятив функцияси – ахлоқнинг асосий функцияси ҳисобланади. Регулятив функция шахс, хизмат жамоаси, давлат ва жамоат институтлари фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий нормалар асосида бошқариб туришни англатади. Шу мақсадда бир қанча воситаларга таянади: ахлоқий принциплар, жамоатчилик фикри, ахлоқий авторитет, анъаналар, урф-одатлар ва ҳоказо. Ахлоқ нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамиятнинг ҳам ҳулқ-атворини бошқаради.

Аксиологик функцияси (баҳолаш) – юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ахлоқий хатти-ҳаракат у ёки бу қадриятлар системаси орқали баҳоланади. «Ахлоқий-ахлоқсиз», «яхши-ёмон» нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, мотивлар, қарашлар, шахсий сифатлар баҳоланади. Ахлоқ инсон томонидан қадриятларни ўзлаштириш, уларни ривожлантиришни ҳам назорат қилади.

Информацион (билиш) функцияси- ахлоқий билимлар ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, ахлоқий принциплар, нормалар, кодекслар ижтимоий-ахлоқий қадриятлар ҳақидаги информация манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга одатий ва экстремал вазиятларда, конфликтли ва танг ҳолатларда ахлоқий танлов масаласига эътибор қаратилади. Демак, ахлоқ оламни, инсонни, унинг моҳиятини, ҳаётининг маъносини англашга ёрдам беради.

Тарбиявий функцияси–ҳар қандай тарбия тизими – бу энг аввало ахлоқий тарбия тизими ҳисобланади. Ахлоқий тарбия ахлоқий норма, одат, анъана, умумий хулқ-атвор намуналарини аниқ ташкилий тизим ҳолига келтиради, ахлоқий билимларни ахлоқий ишонч-эътиқодга айлантиради, конкрет вазиятларда ахлоқий билим ва ишонч-эътиқодни қўллашда ижодий ёндашувга ўргатади. Демак, ахлоқ нафақат норма ва қоидаларга риоя қилишни, балки ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади.

Шу ерда, ахлоқнинг алоҳида функцияларини ажратиш шартли характерга эга эканлигини қайд қилиш лозим. Чунки реал ҳаётда улар бир-бири билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Ахлоқ бир вақтнинг ўзида бошқаради, тарбиялайди, йўналтиради ва ҳоказо.

“Этика”нинг бошқа ижтимоий-фалсафий фанлардан фарқи шундаки, у аксиологик хусусиятга эга. Яъни, ахлоқий билимлар инсоний муносабатлар ва ижтимоий воқелик ҳодисаларини баҳолаш асосида вужудга келади. Бу баҳолашнинг асосий мезони кишиларнинг «нима яхши-ю нима ёмонлиги» ҳақидаги тасаввурлари ҳисобланади. Бундай баҳолаш ҳам жамиятга, ҳам алоҳида шахсга хосдир. Шу тариқа ахлоқий қадриятлардан ижтимоий ва индивидуал тизимлар вужудга келади. Бу тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсонда турлича намоён бўлади. Шахс фаолиятида ижтимоий қадриятлар тизими устун бўлса, у ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади, унинг дунёқарашида жамоатчилик тамойили устун бўлади. Аксинча бўлса, инсон ўзининг шахсий манфаатларини устун қўяди, дунёқарашида индивидуализм принципи устун бўлади.

Аслида ахлоқий идеаллар, тамойиллар ва нормалар кишиларнинг адолат, инсонийлик, эзгулик, ёвузлик, ижтимоий фаровонлик ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиққан. Бу тасаввурларга мос келувчи хатти-ҳаракатлар ахлоқий деб, зид келадиган хатти-ҳаракатлар ахлоқсизлик деб эълон қилинган.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар фикрича жамият ва шахс манфаатларига мос келадиган, инсонлар учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатлар ахлоқийдир. Албатта, бу тасаввурлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариб борган, турли синфлар, ижтимоий гуруҳларда турлича бўлган.

Хусусан ҳозирги вақтда хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб аҳлокида уч турдаги ахлоқий норма ва тамойиллар амал қилади:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқининг асосий мазмунини умуминсоний ахлоқий нормалар ташкил қилади. Лекин уларнинг

баъзилари, масалан; жасурлик, бурчга содиқлик, адолатпарварлик асосий аҳамиятга эга бўлади.

2) бу ерда яна фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига хос ахлоқий норма ва принциплар амал қилади. Масалан, маълумотларнинг сир сақланиши, бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ва шу кабилар.

3) Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг фақат у ёки бу хизматига тааллуқли бўлган ахлоқий норма ва принциплардир. Мисол тариқасида фуқаролар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган оператив хатти-ҳаракатлар қоидалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига конфиденциал ёрдам берган фуқароларнинг сирини сақлаш ва ҳоказо. Бу қоидалар шакл жиҳатидан умуминсоний қоидалардан фарқ қилиши мумкин, лекин ўзининг ахлоқий мазмунини сақлаб қолади.

Хулоса қилиб айтсак бўладики, ахлоқ ижтимоий-тарихий характерга эга. Шу билан бирга у касбий хусусиятга ҳам эга.

Жамият маънавий ҳаётининг бир-бири билан боғлиқ бўлган икки соҳаси-ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи ҳозирги кунда айниқса долзарб ҳисобланади.

Шахснинг маънавий дунёси, онги ва маданияти шаклланишида ахлоқ ва ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Чунки улар ижтимоий муносабатлар тизими тараққиётига таъсир кўрсатадиган, шу орқали шахс онгини ривожлантирадиган муҳим ижтимоий бошқарувчи ҳисобланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ - инсон муносабатининг ўзаро алоқадорликда бўлган муҳим элементларидир. Уларнинг табиати жамиятдаги конкрет тарихий шароит, социал-синфий структурага боғлиқ бўлади. Демократик фуқаролик жамиятида ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги қуйидаги қонуният туфайли объективлашади – умумхалқ ҳуқуқининг ахлоқий потенциали, қонунчиликнинг ахлоқий асослари ўсиб боради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахлоқ - инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Шундай қилиб, ҳуқуқ – нафақат сиёсий-юридик, балки ижтимоий-ахлоқий ходиса. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти инсонпарварлик, адолат, виждон ва бурч, ор-номус, эркинлик ва масъулият каби ахлоқий ходисаларсиз ривожлана олмайди.

Ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига қадим даврлардан мутафаккирлар ўз эътиборини қаратганлар. Суқрот, Афлотун, Арасту ҳуқуқий мафкурани ишлаб чиқар экан, Этикани қонунчилик билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Рим юристлари: «ҳуқуқ урф-одатлар маъқуллаган нарсаларни тавсия қилади» деган постулатни илгари сурганлар.

Янги даврда ахлоқ ва ҳуқуқ узвий боғлиқликда олиб қаралган, ҳатто Гельвеций: ««Этика» ва «Қонуншунослик»ни мен битта фан деб тушунаман»,- деб ёзади.

Немис классик фалсафаси намояндалари ҳам ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига ўз эътиборларини қаратишган. Кант ҳуқуқ ахлоққа бўйсунади деб ҳисоблаган. Гегель фикрича, ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо қилади, фарқи шундаки, ахлоқ ташқаридан бўладиган мажбурийликка йўл қўймайди.

Аслида, ҳуқуқ инсон хатти-ҳаракатини бошқариш шакли сифатида тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Ҳуқуқ ўз тараққиётининг турли босқичларида ахлоқ билан деярли уйғун бўлган. Фақат вакт ўтиши билан ёзма ва шаклланган қонунчиликка айланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ ўз ичига ахлоқийликни қамраб олади.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг муносабати қуйидагиларга намоён бўлади:

1) бирлиги ва ўхшашлигида;
2) фарқли томонларида;
3) ўзаро таъсирида.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ижтимоий онг шакллари сифатида умумий ижтимоий функцияни бажаради; инсоннинг жамиятдаги фаолиятини бошқаради, норматив хусусиятга эга ва фуқаролар бу норма ва принципларга амал қиладилар. Бу норма ва принциплар умумий характерга эга ва жамиятнинг барча аъзоларига таалluқлидир.

**Ахлоқ ва ҳуқуқнинг умумий томонлари**

Ижтимоий онг шакли

↓

Умуминсоний қадриятларнинг ахлоқ ва ҳуқуқ учун умумий бўлган асосида ривожланади.

↓

Ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар соҳаларининг мос келиши.

↓

Ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатларнинг умумий мақсад, вазифалари ва талаблари.

↓

Инсоннинг жамиятдаги хулқ-атворини бошқаради.

↓

Ижтимоий хулқ-атворни бошқарувчи нормалар мажмуидир.

↓

Ахлоқ ва ҳуқуқ норма ва принципларига риоя қилишнинг мажбурийлиги.

Шу билан биргаликда ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча фарқли томонларга ҳам эга. Бу фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

**Ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқлари**

| **Ахлоқ** | **Ҳуқуқ** |
|---|---|
| Нормалар ёзма характерга эга эмас, урф-одат ва анъаналарда белгиланади. | Нормалар аниқ формал характерга эга расмий ҳужжатларда белгилаб берилади. |
| ↓ | ↓ |
| Нормалар объектив равишда келиб чиқади. | Нормалар давлат томонидан ўрнатилади. |
| ↓ | ↓ |
| Амал қилишини таъминлаш механизми-жамоатчилик фикри | Амал қилишини таъминлаш механизми-давлат органларининг санкцияси. |
| ↓ | ↓ |
| Ихтиёр эркинлиги мавжуд. | Ихтиёр эркинлиги норматив ҳужжатлар билан қатъий чегараланади. |

Ахлоқ ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар ҳисобланади:

1) Ахлоқ ва ҳуқуқ, барча фуқароларнинг манфаатлари, интилишлари ва иродасини ифодалайди;

2) Шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиради;

3) Миллий ва мулкий ҳолатидан қатъи назар ҳар бир фуқарога тенг талабни қўяди;

4) Ахлоқдаги тенглик принципи кишиларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқли эканига мос келади;

5) Ҳулқ атворни баҳолаш учун бир хил мезонларни илгари суради: адолатпарварлик, инсоннинг табиий ҳуқуқларини фуқаролик ва сиёсий эркинлигини ҳурмат қилиш:

6) Ахлоқ ишонтириш методига асосланади, бу метод ҳуқуқда ҳам асосий метод ҳисобланади;

Демак ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисига таъсир кўрсатадиган ходисадир.

«Этика» фани юқорида баён қилинган муаммолар билан шуғулланар экан, тараққий этиб боради. Этика ҳозирги вақтда бир қанча соҳаларга бўлиниб, ҳар бир соҳаси муайян муаммолар билан шуғулланади.

1) Умумий этика назарияси-ахлоқ, унинг табиати, моҳияти, хусусияти, таркибий қисмлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганади.

2) Тарихий этика ахлоқнинг келиб чиқишини, унинг тарихий тараққиёт қонунларини, ҳар хил ахлоқий назарияларнинг тарихдаги ўрнини, ривожланиш босқичларини ўрганади.

3) Норматив қадриятлар этикаси аниқ ахлоқ нормаларини, ахлоқий мажбурийлик талабларини, ахлоқий мерос сифатида шаклланиб авлоддан авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

4) Касб этикаси- ҳар бир касб-ҳунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади.

5) Ахлоқий тарбия назарияси-ахлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга тадбиқ этишнинг восита ва услубларини ўрганади.

“Этика”нинг таркибий қисмлари (соҳалари) узвий боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тақозо этади ва тўлдириб туради.

“Этика” бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. “Этика”нинг “Эстетика” билан муносабати айниқса ўзига хос. Чунки инсон бирор бир фаолиятни амалга оширар экан, муайян нуқтаи назар, яхшилик ёки ёмонлик (ахлоқ) ва гўзаллик ёки хунуклик (нафосат) нуқтаи назаридан иш кўради. Яъни ички гўзаллик ва ташқи гўзаллик уйғунлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга, санъат эстетиканинг асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида ахлоқий – тарбиявий жиҳатдан муҳим бўлган ғоялар илгари сурилади ва санъаткор бадиий образлар орқали ахлоқий идеалларни яратади.

“Этика”, шунингдек, “Педагогика” фани билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Комил инсонни шакллантириш, таълим бериш жараёнларини тарбиявий жараёнларсиз, «Одобнома» дарсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли “Этика” “Педагогика”нинг асоси ҳисобланади. Этика «Психология» фани билан алоқадор. “Психология” у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор сабабларининг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, «Этика» эса «Психология» тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради деб кўрсатиб ўтилади А. Шернинг «Ахлоқшунослик» китобида.

“Этика” билан “Социология” инсон фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган ахлоқни ўрганади. “Социология” инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. “Этика” эса муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабларини ўрганади.

“Этика”нинг “Политология” билан муносабати ҳам ўзига хос. «Сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар курашини тақозо этади. Шахсий

интилишлар билан давлат (жамият) манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади» деб таъкидлайди А.Шер. Сиёсат қанчалик ахлоқийлик касб этса, шунчалик оқилона бўлади.

XX аср ўрталарига келиб “Этика”нинг “Экология” билан алоқадорлиги кучайди. Чунки вужудга келган экологик танглик вазияти инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Эндиликда глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш инсоннинг табиатга нисбатан ижтимоий-ахлоқий муносабатига боғлиқ бўлиб қолди. Ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти табиатнинг ўзи эмас, балки инсоннинг табиатга бўлган муносабати бўлиши керак.

Кўриб турганимиздек, “Этика”нинг жамият тараққиётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг “Этика” янгиланаётган жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллайди. “Этика” олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик вазифаси ва комил инсон тарбиясини назарий асослаш вазифаси турибди. Бу вазифани фақатгина ахлоққа янгича ёндашувлар асосида амалга оширса бўлади.

**Таянч тушунчалар:** Этика, ахлоқ, одоб, ҳулқ-атвор, назарий этика, норматив этика, амалий этика, юридик этика, комил инсон, регулятив функция, аксиологик функция, информацион функция, тарбиявий функция, ахлоқ ва ҳуқуқ.

## 2-Мавзу: Этиканинг асосий категориялари ва тамойиллари.

**Р Е Ж А**

1. Ахлоқнинг асосий тушунчалари ва категориялари.
2. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар.
3. Оила , жамият ва давлатнинг ахлоқий асослари.
4. Шахснинг ахлоқий тарбияси.

Кўп асрлар давомида, антик даврлардан бошлабоқ мутафаккирлар ахлоқ ҳақида жуда кўп асарлар ёздилар. Улар ахлоқнинг моҳиятини тушунишга, тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Ўтган узоқ тарихий тараққиёт даврида ахлоқ қуйидагича талқин қилиб келинди:

-кундалик ҳаёт ақлий тажрибаси;

-индивиднинг ўз хулқ-атворидан қониқиши;

-бурчга садоқат рамзи;

-ижтимоий стабиллик ва тартибни сақлаш воситаси;

-ижтимоий фойдани талаб қилувчи ижтимоий ҳодиса;

-жамиятда адолатни қарор топтирувчи восита;

-инсонларнинг ўзаро ҳамжихатлигини таъминловчи восита;

-виждон овозига бўйсундирувчи восита;

-инсон ҳаётининг олий маъносини англаш йўли.

Ҳар бир инсон ўзининг бутун умри давомида ўзининг қадриятлар тизимини, ўзининг хулқ-атвор, ёмонлик ва яхшилик, бахт, адолат ва бошқа ахлоқий категориялар хақидаги тасаввурларини такомиллаштириб боради.

Инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гохо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат турғун туриш хусусиятларига эгадир. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар хаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зеро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан хеч қачон четда турмайди.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ, эркин ихтиёри на фақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар,балки наботот, ҳайвонат олами, бутун дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосий воситаси ахлоқдир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо кишида масъулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни

сезмаган киши хохлаган ишга қўл уриши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устиворлигини тан олади, холос.

Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий танлов – ҳар бир хатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишнинг ибтидо нуқтаси. Умуман инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида танловнинг аҳамияти беқиёс.

Дастлабки ахлоқий қонун-коидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилган. Илк ахлоқий қоида «ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма” мазмунида дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги ўзбекчаси «пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса ўзгага ур”, “ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил” каби мақолларда акс этган. “Ахлоқнинг олтин қоидаси” деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий ахлоқий талаблардандир. Зеро хун олиш талаби кейинроқ пайдо бўлган ва инсоннинг асл моҳиятига тўғри келмайдиган қоидалардан. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар муқаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Ана шу, инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган қонун-қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилдан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари аҳлокий тараққиётдан далолатдир.

**Ахлоқнинг таркибий тузилиши мураккаб бўлиб, қуйидаги элементлардан иборат:**

-ахлоқий амалиёт-ахлоқнинг муҳим ва белгиловчи компоненти бўлиб, инсоннинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Фақат инсон хулқ-атворининг хатти-ҳаракатларда намоён бўлиш орқалигина унинг ахлоқийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Инсоннинг фаолияти, инсон томонидан ахлоқ нормалари ва принципларининг амалиётга татбиқ қилиши унинг ахлоқий тарбияси, ахлоқий маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фаолиятда аниқ бир мақсадни кўзлаб, тегишли воситалар, усуллар орқали ҳаракат қилинади ва маълум натижаларга эришилади. Ҳар қандай мақсад албатта ахлоқий мазмунга эга бўлади. Бу мақсадлар маълум воситалар ахлоқий мазмунига кўра, қўлланилиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган воситаларга ажратилиши мумкин.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳуқуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади. Этикада «мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин» – деган фикр инкор этилади. **Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жиноят**

**жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра рухсат этилган бўлиши, ахлоқий бўлиши зарур.**

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қилади: **процессуал нормалар** терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилинишини кўрсатади. **Криминалистика** ишлаб чиқадиган тавсиялар жиноятни тез ва тўлиқ очиш ва айбдорларни топишга ёрдам беради. **Ахлоқий нормалар** ахлоқ нуқтаи назаридан тергов қилишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир. Терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ.

Баъзи бир омилларнинг терговчи фаолиятига хос махсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириши билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четга чиқишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Рус олими А.Ратинов ўз вақтида, терговни «кураш жараёни», деб қарашни таклиф этганди. Унинг тавсияларига мувофиқ, «руҳий қопқонлар» қўйиш, жиноят иштирокчилари ўртасида конфликт келтириб чиқариш кабилар тергов методлари сифатида таклиф этилади. Биз фақат уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик зарурлигини, уларнинг баъзилари «ёлғон чегарасида», «провокация чегарасида» эканлигини таъкидлашимиз зарур бўлади. М.С.Строгович фикрича, терговчи терговга объектив ёндашиши, айбланувчи айбини оғирлаштирувчи, уни оқловчи, айбини юмшатувчи ҳолатларни ҳам тўлиқ ўрганиши лозим. Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб борувчи шахснинг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципиаллик, объективлик ва холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик, хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳисобга олиш – терговчи фаолиятига қўйиладиган мухим ахлоқий талаблар ҳисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан – хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки маиший безори бўладими, жабрланувчи бўладими ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошкор қилмаслиги, шунингдек, қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин, қўрқитиш, қўполлик, ёлғон ишлатмаслиги зарур.

Ахлоқий муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг кўриниши сифатида инсонлар томонидан ахлоқий (ахлоқсиз) хатти-ҳаракатларни содир этиш жараёнида вужудга келади. Ахлоқий муносабатларнинг объектив ва субъектив томони мавжуд. Субъектив томони - бу инсоннинг қизиқишлари, ҳиссиётлари. Объектив томони эса - инсон учун императив характерга эга бўлган нормалар, идеаллар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа ижтимоий факторлар ҳисобланади.

Кишилар ахлоқий муносабатга киришар эканлар, ўз зиммаларига муайян ахлоқий мажбуриятларни оладилар ва муайян ахлоқий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ахлоқий муносабатларнинг шаклланган тизими мавжудлиги ижтимоий гуруҳ (хизмат жамоаси)да мўътадил ахлоқий руҳий иқлимни белгилайди. Хизмат жамоаларидаги ахлоқий муносабатлар 3 даражага бўлинади:

1) бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;

2) ҳамкасблар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;

3) фуқаролар билан бўладиган ахлоқий муносабатлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш таркибига кирган ҳар бир идорада бу муносабатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари бевосита уларнинг ҳуқуқий муносабатларида намоён бўлади. Бу бирлик ахлоқ ва ҳуқуқнинг, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро манфаатлар нисбатини тўғри белгилаши ахлоқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг тенглик принципи ўртасида уйғунликни таъминлаган ҳолда, барчага нисбатан бир хил талаблар қўйилишида, ҳар бир фуқаронинг хулқ-атворини баҳолашда асосий мезон - адолат принципининг талаблари асосида ёндашишида; ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиянинг ишонтириш усулидан кенг фойдаланилишида яққол кўринади.

Шу билан бирга ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжуддир.

1) юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан, ахлоқий муносабатлар эса жамоатчилик томонидан эътироф этилади ва ўрнатилади;

2) ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг мажбурлов томонидан қўриқланади, ахлоқий муносабатлар эса ҳар бир инсоннинг ички эътиқоди, иймони ҳамда жамоатчилик таъсир кучи томонидан муҳофаза қилинади.

3) Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топса, ахлоқий муносабатлар эса «ёзилмаган қонунлар» шаклида бўлади.

4) Ҳуқуқий муносабатлар қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар орқали бошқарилади, ахлоқий муносабатлар эса умуминсоний қадриятлар асосида тартибга солинади.

5) Ҳуқуқий муносабатларни бузганлик учун давлат мажбурлов чоралари кўрилса, ахлоқий муносабатларни бузганлик учун жамоат таъсири кўрсатилади.

Ахлоқий муносабатлар ва ҳуқуқий муносабатлар узвий бирликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Бу бирлик ахлоқий муносабатлар талабининг ҳуқуқда ўз аксини топганлигида ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг ахлоқий мазмун касб этишида намоён бўлади деб таъкидлайди Н.Э. Муҳаммадиев «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» китобида (Т, 1998 й 20-21 бетлар).

Ахлоқий онг - ўз ичига ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларга таъсир кўрсатувчи билимлар, қарашлар, ҳиссиётлар, норма, принципларни қамраб олади. Шу билан бирга уят, виждон азоби, ўз хатти-ҳаракатидан ачиниш ёки қониқиш, ҳақлигини англаш каби ахлоқий ҳиссиётларни уйғотувчи ахлоқий ўз-ўзини англаш ва ахлоқий ўз-ўзини баҳолашни қамраб олади.

Ахлоқий онг аксиологик хусусиятга эга, чунки ҳар бир ҳодисага муайян ахлоқий норма, принцип, анъана, қадрият, идеаллар нуқтаи назаридан ёндашади.

Ахлоқий онг ижтимоий тараққиёт жараёнида кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ва ижтимоий муносабатларини бошқариш эҳтиёжи туфайли келиб чиқади.

Ахлоқий онг воқеликни инъикос эттирар экан, бошқа ижтимоий онг шакллари сингари ҳақиқий ёки аксинча бўлиши мумкин. Унинг ҳам ҳақиқатлиги мезони ижтимоий практика ҳисобланади. Шу билан бирга ахлоқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

1) Ахлоқий онг бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан кишиларнинг кундалик ҳаётидаги хулқ-атворига фаолроқ таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар, принциплар, идеаллар инсон фаолиятига бевосита сингиб кетган бўлиб, хатти-ҳаракатга ундовчи мотивлар ҳисобланади.

2) Фандан фарқли равишда, ахлоқий онг инсонга кундалик онг, ижтимоий руҳият даражасида таъсир кўрсатади. Фақат юқори даражада ахлоқий онг илмий билим хусусиятларига эга бўлади, ахлоқий қарашлар ва идеаллар назарий билимларга айланади.

3) Ахлоқий онг, ахлоқий билимлар мажбурий характерга эга (императив характерга эга).

Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан иборат:

-индивидуал ахлоқий онг,

-ижтимоий ахлоқий онг,

Индивидуал ахлоқий онг таркибига шахснинг ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳазаси киради, ижтимоий ахлоқий онг таркибига жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этиладиган ахлоқий кодекслар, категориялар, нормалар, принциплар, ғоялар ва ҳоказолар киради.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради.

Масалан, ахлоқ билан дин алоқадорлиги масаласида шуни айтиш мумкинки, моҳиятан дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний – шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўгитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқ.Чунончи,инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади. Дин инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси сифатида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир хил.

Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар ўша минтақа халқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий қоидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумий хусусиятга эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга, муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўгитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга тааллуқли бўлади.

Ахлоқ билан санъатнинг ўзаро алоқалари ҳам жуда қадимий. Ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддият эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этади, инсонпарварлик, ҳақиқатгўйлик, тўғрилик, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, бахтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси ҳар бир бадиий асарда илгари сурилади.

Умуман олганда, ахлоқсиз бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас, барча санъат асарлари учун ахлоқийлик умумий замин аҳамиятига эга.

Бундан ташқари санъат ахлоқшунослик тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Чунончи, бадиий адабиётнинг, кино санъати, тасвирий санъат ва театр санъатининг, айниқса, бу борада аҳамияти беқиёс. Бу санъат турлари ёшларда ахлоқий идеални шакллантиришда катта хизмат қилади. Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳам муҳим.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси ўзига хосдир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чақиради.

Лекин айрим назариялар ҳам борки, уларни ахлоқсиз деб аташ ўринли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, машҳур “Мальтус назарияси”. Инглиз иқтисодиёт назариётчиси Мальтус(1766-1834)илгари сурган ғояга кўра, аҳоли геометрик прогрессияга, истеъмол маҳсулотлари арифметик прогрессияга мувофиқ ривожланади. Аҳоли ўсиб бориб, ер юзида қашшоқлик, озиқ-овқат етишмовчилиги вужудга келади. Шу боис урушлар олиб бориш табиий ҳол сифатида ўзини оқлайди. Мальтус бу ўринда урушни тарғиб қилиш билан ахлоқсизликнинг энг юксак кўринишини намоён этмоқда.

Маълумки, барча фанлар, хусусан, табиий фанлар ҳар бири ўз соҳасида ҳақиқатнинг аён бўлишига хизмат қилади. Ахлоқнинг пировард натижаси эса инсонни ҳақиқатга олиб бориш, уни комил мавжудот қилиб тарбиялашдир. Ана шу нуқтада ахлоқ ва фан билвосита муносабатга киришади. Айни пайтда илм-фанда эришилган оламшумул ютуқлар инсоният жамияти олдига янги-янги ахлоқий вазифалар ва муаммоларни қўяди. Чунончи, сўнги пайтларда фан-техника тараққиётининг юксак даражаси ва экологик бухронларнинг юзага чиқиши сабабли экологик ахлоқшунослик сингари ахлоқ оламининг янги йўналишлари вужудга келди; ноосферадан ёки бошқача айтганда техносферадан этосферага – ахлоқий муҳитга ўтиш зарурати инсоният жамияти ахлоқий маданияти олдидаги энг долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда. Шу боис техникавий фанлар тараққиётининг навбатдаги босқичлари фақат ахлоқ талабларига мос, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий назорат остида амалга ошмоғи лозим.

Ахлоқ мазкур ижтимоий ҳодисалар марказида туради. У нафақат марказий ижтимоий ҳодиса, балки бошқа ижтимоий ҳодисаларни ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Уни четлаб ўтишга интилиш ҳар қандай мафкурани таназзулга олиб боради, жамиятни том маънодаги маънавиятдан маҳрум этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислом Каримовнинг: “Аслини олганда, ахлоқ- маънавиятнинг ўзаги”, деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз учун табиий хулоса бўлиб жаранглайди. Дарҳақиқат, ахлоқ маънавият тизимидаги энг таъсирчан, энг бақувват ҳалқа, усиз одамзот маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас.

**Таянч тушунчалар:** Ахлоқнинг олтин қоидаси, ахлоқий рационализм, эвдемонизм, гедонизм, ахлоқий интеллектуализм, ахлоқий сентиментализм, ахлоқий абсолютизм, ахлоқий релятивизм.

Ҳар бир фаннинг ўз категориялари бўлгани каби “Этика” фанининг ҳам категориялари мавжуд. “Этика” фани категориялари деб жамият ахлоқий ҳаётидаги умумий муҳим томонларни, хусусиятлар ва муносабатларни инсон томонидан ўзлаштириш усулларини акс эттирувчи тушунчаларга айтилади.

“Этика” категориялари ўзига хос хусусиятларга эга: улар фақат ахлоқшунослик соҳасида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам қўлланилади. Амалиётда ахлоқий фаолиятдан ташқари бўлган нарсанинг ўзи йўқ. «Этика” категориялари бир вақтнинг ўзида бошқа фанлар:сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий фанларнинг ҳам категориялари ҳисобланади. “Этика” категориялари - шунингдек, кишилар хатти-харакатлари, ҳулқ-атворларини жамият талаблари нуқтаи-назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън, ор-номус, иймон, муҳаббат, нафрат, ҳаётнинг маъноси, бахт категориялари “Этика”нинг асосий категориялари ҳисобланади.

Шунингдек, кишилар хатти-ҳаракатлари, ҳулқ-атворларини жамият талаблари нуқтаи назаридан маъқуллаш ёки қоралаш, яъни ахлоқий баҳолаш хусусиятига эгадир.

Яхшилик, ёмонлик, виждон, бурч, адолат, шаън ва ор-номус, иймон, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаётнинг маъноси, бахт категориялари этиканинг категориялари ҳисобланади.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» категориялари ижтимоий тараққиёт давомида мазмунан ўзгариб ва такомиллашиб боради. Шу маънода «яхшилик» ва «ёмонлик»ни илк ибтидоий тушуниш билан ҳозирги ижтимоий тараққиёт босқичларидаги тушуниш бир-биридан фарқ қилади.

Ижтимоий тараққиётнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги «яхшилик» деб қаралган ҳодиса, бошқа бир босқичда «ёвузлик», ёки «ёмонлик», деб баҳоланиши мумкин. Масалан, қулдорлик тузуми даврида «қул»ни уриш, сўкиш ҳатто ўлдириб юбориш мумкин эди. Бу нарса мавжуд ахлоқий онгга ҳеч ҳам зид келмас эди. Ҳозирчи? Ҳозирги замон ахлоқий онгида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳар қандай тажовуз ахлоқсизлик ёки «ёвузлик», деб баҳоланади. Бу шундан далолат берадики, ахлоқий категориялар доимо мазмун жиҳатидан ўзгариб туради. Ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳаттоки «яхшилик»-ни «ёмонлик»га, «эзгулик»ни эса «ёвузлик»га айлантириб юбориши мумкин.

Яхшилик деб теварак-атрофда содир бўлаётган ҳамма воқеа, ҳодиса ва вужудга келаётган нарсаларнинг инсонни эъзозлайдиган, унинг манфаат ва эҳтиёжларини қондирадиган, ахлоқий идеалларига мос келадиган, одамгарчиликнинг ўсишини ҳар томонлама таъминлайдиган, пировардида бахтли ҳаёт кечиришга хизмат қиладиган барча ижобий томонларнинг йиғиндисига айтилади.

Яхшилик бошқа этика категорияларидан ўзининг қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1) яхшилик – инсон фаолиятининг сабаби ва натижасига кўра текшириладиган ҳамма муайян ахлоқий нормалар тизими нуқтаи назаридан ижобий баҳолашга имкон берадиган ижобий ахлоқий мазмундир,

2) яхшилик – ахлоқий идеалга мувофиқ келадиган реал мавжуд ахлоқий муносабатларнинг ижобий мазмунидир,

3) яхшилик – муайян, аниқ тарихий ахлоқ шаклининг барча ижобий норма ва принциплари йиғиндисини ўзида жамлаган умумий идеалдир,

4) хатти-ҳаракатнинг сабабига айланувчи ахлоқий мақсаддир,

5) яхшилик – инсоний хусусият, фазилатдир ва ҳ.к.

Яхшилик категорияси ўзининг кўпқирралиги, кенг қамровлиги, ахлоқий муносабатларнинг универсаллиги, яъни кишилар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам у меҳнат соҳасида – жамият манфаатлари йўлида қилинган ҳам ижодий меҳнат, сиёсат ва ҳуқуқ соҳасида – инсонпарварлик, адолатпарварлик ва бошқа шаклларда намоён бўлади.

Ёмонлик деб жамиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи, кишиларнинг ахлоқий идеалларига, улар эъзозлайдиган қадриятларга зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда ахлоқий тараққиётнинг қарор топишига ва инсонийликнинг ўсишига зид келадиган хатти-ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган тушунчалар йиғиндисига айтилади.

«Яхшилик» ва «ёмонлик» ўзаро алоқадор ва айни вақтда бир-бирини инкор этувчи категориялардир. Яхшилик ва ёмонлик тўғрисида ҳадисларда шундай дейилган:

«Яхшиларингиз ҳушхулқ бўлиб, кишиларга ён берувчи, яъни атрофида яхши ҳаёт кечиришга имкон берувчи кишилардир. Ёмонларингиз маҳмадона, дилозор, кишилар роҳатини бузувчи кишилардир».

«Яхшиларингиз қарзни адо этувчи кишилардир. Яхшиларингиз ўз аҳлига, оила аъзоларига яхши бўлганларингиздир. Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир».

«Кимга яхшилик қилай, - деб сўраган одамга уч марта онангга деб, тўртинчисида отангга деб айтганлар, яъни яхшиликни онангга, онангга, онангга, сўнгра отангга қил дедилар».

«Адолат» категорияси фақат этика категориясигина бўлиб қолмай, бир вақтнинг ўзида ҳуқуқий категория ҳамдир.

«Адолат» категориясининг ички мазмунини, унинг асосий ижтимоий мезонларига эътибор бериш бўлғуси ҳуқуқшунослар учун бениҳоят муҳимдир.

«Адолат» категориясининг бошқа ахлоқий категориялардан фарқи шундаки, у айниқса ҳуқушунослик билан чамбарчас боғлиқдир, маълум даражада у ахлоқшунослик ва ҳуқуқшуносликни боғловчи кўприк, асос ролини

ўтайди. Бироқ у авваламбор ахлоқий категориядир. Ҳуқуқшунослик фани мазкур ахлоқий категорияни қонунлар асосида олади, уни кишилар муносабатида қарор топшини таъминлашга хизмат қилади. Бу ҳақда И.Каримов «Адолат қонун устиворлигида» номли маърузасида батафсил тўхталади. Ҳуқуқ фанининг адолатни қарор топиши учун саъи-ҳаракати у ҳуқуқий категория деган хулосага ҳам олиб келади. Аслида эса адолат авваламбор ахлоқий категориядир. Мазкур категория мисолида этика ва ҳуқуқ фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

«Адолат» ўз мазмунига кўра шахс эркинликлари ва мажбуриятлари ўртасидаги мутаносибликни (уйғунликни) оьъектив холис баҳолашнинг ижтимоий мезонидир. «Ор-номус»ва «шаън» категориялари ҳам ўз ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. Ор-номус ва шаън категориялари ҳам ўз ижтимоий аҳамиятига кўра юксак ахлоқий фазилатларни акс эттиради. «Ор-номус» ва «шаън» ҳақидаги дастлабки тасаввурлар ибтидоий-жамоа тузумининг охирларида шаклланган бўлиб, инсон ахлоқий камолотининг олий бир кўриниши сифатида жамоа аъзолари олдидаги шахсий қадр-қиммат, ижтимоий обрўйини баҳолаш, англаш орқали намоён бўлади. Этика фани тарихида «ор-номус» ва «шаън» категорияларига биринчи бор Қадимги Рим стоицизм фалсафасида катта эътибор берилди. Рим стоицизм фалсафаси вакилларидан, айниқса, Луций Анней Сенека, Марк Аврелий ва Эпиктет «ор-номус» ва «шаън» категорияларини мунтазам тадқиқ қилишди. Улар ҳатто киши ўлимини ор-номусдан ва шаъннинг оёқ-ости қилинишидан афзал кўришган.

Масалан, Эпиктет: «Инсон туғилса ёки ўлса, ўз пулларидан, уй-жойидан маҳрум бўлса –бу аянчли эмас, чунки буларнинг ҳаммаси инсонга хос эмасдир. Агар инсон ўзининг ҳақиқий мулкини – ўз инсоний қадр-қимматинги йўқотса, бу ачинарли ва аянчлидир», - деган эди.

Ор-номус ва шаън категориялари Марказий Осиё мутафаккирлари ахлоқий таълимотларида ҳам учрайди. Инсон қадр-қиммати, ор-номуси ва шаъни Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Беруний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Ахрор, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқа ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг ижодий меросида алоҳида ўрин тутади. Гарбда эса «ор-номус» ва «шаън» категорияси Уйғониш даври мутафаккирлари Н.Коперник, Жордано Бруно, Лоренцо Валла, Эразм Роттердамский, Галилео Галилей ва бошқа мутафаккирлар ижодидан кенг ўрин олган. Айниқса, Ўрта асрларда рицарлик ор-номус ва шаъни, у ёки бу унвонга мансублик (лорд, граф ва ҳоказолар) алоҳида маънавий фазилатлар бўлишлигини, шахсий ва оилавий қадр-қимматини, ор-номус ва шаънни чексиз ҳурмат қилиш ва қадрлашни ахлоқий қоида ва принцип даражасига кўтарди. Ор-номус ва шаън категорияларининг инсон ҳаётида устиворлиги Пушкин, Лермонтов, Дантес, Байрон ижоди ва ҳаётида дуэль – яккама-якка олишув қиёфасида ҳам бўлади.

Амалий машғулотда ор-номус ва шаън ҳақида гапирганда миллий истиқлол мафкурасида мазкур категорияларга алоҳида эътибор беришини таъкидлаш лозим. Миллий ғурур, миллий қадр-қиммат айнан шундай асослардир. Давлатимиз шаъни ва ор-номуси – ўзбек ҳалқи тарихий қадр-қимматининг ҳаётимизда қарор топшининг маънавий гаровидир. Миллий ор-номус, шаън ва қадр-қимматни ҳимоя қилмасдан туриб миллий мустақилликни мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Ор-номус ва шаън ҳар бир кишида шаклланган бўлиши ижтимоий равнақ ва маънавий покликнинг гаровидир. Шахсий ор-номус ва шаънни камол топтирилса жамиятимизда жиноятчилик, бузуқчилик, гиёҳвандлик каби ахлоқсизликлар камаяди.

Навбатдаги ахлоқий категория – виждон категориясидир. Виждон ор-номус каби олий ахлоқий фазилатдир. Виждон ўз табиатига кўра ижтимоий-тарихий фазилат бўлиб, кишининг фуқоролик етуклиги ва ижтимоий масъулияти асосида шаклланади. «Виждон амри», «виждон азоби», «виждон овози» каби тушунчалар кишининг турли хатти-ҳаракатлари ва ҳулқини ижтимоий фойда ёки зарар нуқтаи-назаридан баҳолашни ифодалайди.

Виждон кишида туғма хусусият бўлмасдан, уни индивидуал-шахсий камолоти, шахсий ҳаётий тақдири асосида шаклланади. Виждон шу сабабли турли кишиларда турли даражада шаклланган бўлади.

Виждон ўз табиатига кўра икки томондан- ақлий ва ҳиссий томонлардан иборат бўлади. Виждон ижтимоий ақл, ижтимоий қоидаларига риоя қилиш даражасини ифода этар экан, у инсонда турлича ҳис-туйғуларни уйғотади.

Бу туйғулар гоҳида қониқиш, таскин топиш ёки аксинча уялиш, қийналиш, азобланиш шаклида намоён бўлади.

Қадимги Римда виждон ижтимоий моҳиятини назарда тутиб «виждон – бу мингта гувоҳдир», - деб ҳам таъкидлашган. Виждон шу маънода кишининг ижтимоий масъулиятини индивидуал-шахсий ифода этилишидир. Виждон айнан шу томонлари билан ўзининг норматив томонларини яққолроқ кўрсатади.

Виждонлилик – бу ижтиомий бурчни англаш ва шунга мос хатти-ҳаракатлар қилишдир.

Виждонлилик – бу масъулият ҳиссининг шахс фаолиятида устиворлигидир. Виждонлилик – инсон қарорларида, ҳаракат йўналишларини танлашида одамийликнинг, инсонпарварликнинг, меҳр-оқибатнинг устиворлигидир.

Бурч категорияси ҳам виждон категорияси каби кишиларда турли даражада камол топган бўлади. Бурч кўпроқ шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. У кишида қай даражада масъулият, уят, ор-номус ва шаън ҳисси тараққий эканлиги билан боғлиқдир.

Бурч инсон тараққиётининг юксак ижтимоий поғоналарида тарихан камол топгандир. Бурч – ижтимоий ва шахсий маънавий қарздорликни, ижтимоий ҳаётга индивидуал тарзда мансублик ва қарамликнинг ифодасидир. Бурч асосан

икки кўриниш ёки поғонада намоён бўлади. Биринчиси – ижтимоий-тарихий бурч. У миллий равнақ, миллий маданият, ватан олдидаги масъулият шаклида кўринади.

Шахсий индивидуал бурч – иккинчиси бир кўриниш бўлиб, у ота-она олдидаги бурч, қариндош-уруғ олдидаги бурч, ака-ука, опа-сингил олдидаги бурч, дўстлар олдидаги бурч, шунингдек шахснинг умр йўлдоши олдидаги бурч шаклида намоён бўлади.

Бурчнинг у ёки бу кўриниши шахснинг умумий маданияти савияси, ахлоқи, виждонлиги ва тарбиясига боғлиқ.

Бурчнинг олий кўриниши – ижтимоий бурчга шахсий-индивидуал бурч ривожи орқали эришилади.

Бурчнинг касбкор билан боғлиқ кўринишини ҳам алоҳида кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Бахт категорияси ҳам асосий ахлоқий категориялардан бири ҳисобланади. Бахт ҳақидаги илк тушунча ва тасаввурлар ижтимоий тараққиётнинг бирмунча кейинги даврларида (қулдорлик тузуми) шаклланган.

Бахтни диний-мистик ва дунёвий тушунишлар мавжуд. Диний тушунишга биноан ҳақиқий бахт – бу худо марҳаматига эга бўлиш, жамиятга тушиш, деб тушунилган.

Бахтни дунёвий тушуниш кишиларнинг реал турмушларида фаровонликка, осойишталикка, саодатга, рўшноликга эришишга қаратилган индивидуал-шахсий тасаввурларига асослангандир.

Бахт тушунчаси абстракт ахлоқий тушунча бўлса-да, у конкрет ҳодисаларда ифода бўлишликни тақозо этади. Бахт деганда, айримлар чексиз мол-мулкга, моддий бойликларга эга бўлишни тушунишса, айримлар эса бирон-бир катта лавозимга эга бўлишни тушуниши мумкин. Бахт тушунчаси шунинг учун шахсий-конкретликни талаб қилади. Яъни у ёки бу шахснинг маънавий ва маданий савиясига функционал равишда боғлиқдир. Шу маънода ким учундир бахт – бу сиҳат-саломатлик бўлса, ким учундир бахт – бу садоқатли дўстларга, севимли касбга эга бўлишдир.

Инсоф категорияси методологик жиҳатидан фалсафий «меъёр» категорияси билан боғлиқдир. Инсоф категорияси ижтимоий баҳо асосида шаклланиб кишини қатор маънавий хислатлари – ҳалоллик, эзгулик, виждон, ростгўйлик, меҳр-оқибат, одамгарчиликни ўзида мужассам этади.

Инсоф категорияси ҳар қандай ахлоқий система ва маданиятда бўлавермайди. Инсоф категорияси ўзбек миллий ахлоқига хос бўлган категориядир.

Унинг роли ижтимоий ҳаётда бениҳоят каттадир. У ёки бу хатти-ҳаракатда ижтимоий кўламдан, меъёрдан четга чиқиш-ноинсофлик, демак ахлоқсизлик ҳисобланади. Бу азалий ахлоқий категория миллий истиқлолимиз шабадаси туфайли ҳаётимизда яна тикланмоқда.

Инсоф категорияси ўз мазмунига ва кишилар ҳаётида бажарадиган вазифаларига кўра инсоф, шаън, ор-номус билан узвий алоқада туради. Иймон мазкур категориялар асосида инсон маънавий дунёқарашининг негизи-эътиқодни шакллантиради. Иймон кишида ҳаётий кўникмалар, таассуротлар, тажриба ва тарбия асосида вужудга келади ва эътиқод даражасига кўтарилади. Эътиқод кишини у ёки бу ҳодисага нисбатан бўлган ҳаётий мавқеини (позициясини) ифодалайди. Иймон собиқ марксача-ленинча этикада диний-мистик категория тарзида баҳоланар, унинг жамият ҳаётидаги роли камситилар эди. Натижада иймонсизлик ҳаётий нормага айланиб қолган эди. Хоинлик, сотқинлик, чақимчилик, адоват, ҳасад, қабиҳлик, ёлғончилик, бебурдлик, ёвузлик ва ҳоказо ҳодисалар иймонсизлик намунасидир. Бундай маънавий тубан ахлоқий хислатлар аксарият совет фуқоролари онгида шаклланиб қолган эди. Бунинг оқибатида Ватанимизнинг иймонли ва инсофли, виждонли ва ор-номусли ўғил-қизлари қувгинга ва қатағонга дучор бўлишган эди. Иймон миллий онг, миллий маданият ва миллий маънавиятнинг кўзгусидир.

Мустақиллик мафкурасининг ўзагини бошқа юксак ахлоқий категориялар билан бир қаторда иймон категорияси ҳам ташкил этади. Амалий машғулотда мазкур категория мисолида конкрет ҳаётий фактларга шарҳлар тавсия этилади.

Севги категорияси инсон ахлоқий камолотининг энг олий ва эзгу кўринишидир. Севги ўз мазмунига кўра ҳиссий ва ақлий томонларнинг ўзаро диалектик бирлигидан иборатдир. Севги ҳақидаги тасаввур инсоннинг табиатдан тарихий ажралиб чиқиши ва ижтимоий махлуқот қиёфасига кириши билан боғлиқдир. Кишилик жамияти учун хос бўлган юксак туйғу – севги ижтимоий тараққиётнинг маҳсулидир. У икки – биологик ва маънавий бирлашиш эҳтиёжи ўзаро бирлигининг маънавий ифодасидир.

Севги, севиш ва севилиш ҳисси инсоннинг маънавий қувватидир. Севги эзгулик, мурувват, сахийлик, жасурлик, ботирлик, садоқат, бурч, ишонч ва бахт категориялари билан боғлиқдир. Севги ахлоқий-маънавий ҳодиса сифатида индивидуал-бетакрор бўлади. Севиш ва сева олиш қобилияти ҳар бир кишида ўзига хос, қайтарилмас характерга эга. Бироқ ижтимоий-маънавий тараққиёт севги ҳақида олий андоза - севгининг образли қиёфасини яратади.

Бу «идеал» тушунчаси орқали ифодаланади. Маънавий тараққиёт ўз даврининг идеали тарзида Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Ромео ва Жульетта, Тоҳир ва Зуҳра, Отабек ва Кумуш образларини кейинги авлодлар учун яратди. Улар чин севгининг намунаси ҳисобланади.

«Севги» категориясини «ишқ» ва «муҳаббат» категорияларидан фарқ қилмоқ лозим. «Севги » ва «ишқ» категориялари моҳиятан бир-бирига яқин категориялардир. Бироқ улар умумийроқ бўлган ахлоқий категория «муҳаббат» категориясининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Масалан, севги, ишқ конкрет бир шахсга нисбатан яқинликни, эҳтиёжни ифодаласа, «муҳаббат» категорияси кенгроқ бўлган ҳодисаларни ҳам ифода этади. Масалан, «она Ватанга муҳаббат», «севимли касбга нисбатан муҳаббат», «онага ва отага муҳаббат,

меҳр-оқибат, саховат, ҳамдардлик, ҳамнафаслик, манфаатдорлик, боғлиқлик» каби тушунчаларни ҳам ўз ичига олади.

Ахлоқий категориялар тизимида «ҳалол» ва «ҳаром» категориялари алоҳида ўрин тутади. Ўзбек миллий ахлоқида мазкур ахлоқий категориялар маънавиятимизнинг устуни ҳисобланади. Ўтмиш аждодларимизнинг маънавий ҳаётида мазкур категориялар устиворлик қилган. «Ҳалол» ва «ҳаром» категориялари диний – мистик табиатга эга, мусулмон ахлоқининггина тушунчалари деган ақида уйдирма эканлиги бугунги маънавий покланиш, ахлоқий уйғониш даврида тобора сезилиб қолмоқда.

Умуминсоний ахлоқ принциплари муайян ижтимоий муносабатларга мувофиқ, моддий ва маънавий ҳаёт жараёнида кишилар ижтимоий турмушининг, ахлоқий муносабатларининг талабларини бирмунча умумлашган ҳолда акс эттирадиган ахлоқий онг шакллари сифатида вужудга келган қонун-қоидалар ҳисобланади.

Умуминсоний ахлоқ тамойиллари деб инсоннинг маънавий моҳиятига, бурчига, ҳаётнинг мазмунига ва кишилар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг табиатига тааллуқли бўлган умумий талабларни акс эттирадиган, инсонлар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатиб берадиган ва муайян хулқ-атвор нормаларига асос бўлиб хизмат қиладиган қонун-қоидаларга айтилади. Умуминсоний ахлоқ тамойилларига қуйидагилар киради: инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ишонч, ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, адолатлилик, одамийлик, қонунийлик ва ҳ.к.

Инсонпарварлик тамойили – одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини хурмат қилиш, бахт-саодати, ҳар томонлама камол топиши ҳамда ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароитла яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи туйғулар, қарашлар мажмуидир.

Инсонпарварлик ахлоқий тамойил сифатида кишиларнинг хулқини бир-бирига хурмат ва ғамхўрлик, инсоннинг куч-қудратига ишонч руҳида тартибга солиб борадиган хатти-ҳаракатларни билдиради.

Инсонпарварлик тамойили ўзининг ҳуқуқий ифодасини «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” (1992 йил 8 декабрь) каби ҳужжатларда топган.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қимматида ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган. Бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарларча руҳда муносабатда бўлишлари керак”(1-модда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”(24-модда).

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг маънавий негизларидан бирини инсонпарварлик ташкил этади. “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик

унинг табиатига ётдир”, - деб ёзган эди И.А.Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” асарида. Инсонпарварлик ўзбек халқининг барча ҳаёт жабҳаларига кириб кетган бўлиб, унинг қонун-қоидалари ахлоқий ҳуқуқий муносабатларни қамраб олган ҳолда уларни тартибга солиб турувчи, бошқарувчи восита ҳисобланади.

Ҳозирги кунда инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг долзарб масалалардандир. Бу айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идораларнинг фаолиятини тубдан қайта қуришни инсонийлаштиришни тақозо этмоқда. Бу иш 2 хил йўналишда олиб борилиши керак: 1) Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг бутун фаолиятини инсонийлаштириш, 2) ҳар бир ходимнинг фаолиятини инсонийлаштириш. Инсонийлаштириш – инсонпарварликнинг амалдаги ифодасидир.

Ватанпарварлик тамойили – «Ватанни севмоқ иймондандир”, - деган эдилар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Ватанни севиш ватанпарварликнинг негизини ташкил этади. И.А.Каримов: «.... Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан ўз оиласининг, авлод-аждодларининг номус-орига, чуқур эҳтиромига, инсоннинг шахсий виждонига, бурчга ва ўз сўзига содиқликка бориб тақалади.” «Ватан туйғуси: “Ватан хисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганлигини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади” дейилади. Ватан туйғуси – аждодларимизнинг Ватан дея, унинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилганликларини, жабр-ситам, зулм-истибдодга учраганликларини ёд этиш, мустақил, озод ва обод Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Ахлоқ нормалари деб бир хилдаги иш-амалларга жорий қиладиган умумий буйруқлар ва тақиқлар орқали кишилар хатти-ҳаракатини тартибга солувчи ахлоқ-одоб талабларининг шаклига айтилади. Ахлоқ нормалари икки хил кўринишда бўлади:

ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисми шаклида мавжуд бўлади,

ахлоқий онг шаклларида мавжуд бўлади.

Ахлоқ нормаларининг биринчи шакли кўпчилик кишиларнинг бир хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ва кейинчалик барча учун бажарилиши шарт қоидалар тусини олган нормалардир. Иккинчи хил кўринишдаги ахлоқий норма инсон онгида ўз аксини топган муайян қоида сифатида намоён бўлади (масалан, «ўлдирма”, “ўғирлама” ва ҳ.к.). Яъни буйруқ мойиллик хусусияти кўзга ташланади.

Демак ахлоқ тамойиллари – умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий нормалар уларни муайянлаштиришга хизмат қилади, яъни ахлоқий тамойилларга риоя қилиш учун қандай ахлоқий хислатлар зарурлигини, бунда киши иродаси қай тарзда намоён бўлиши кераклигини кўрсатади.

Ахлоқ нормалари нафақат элементар ахлоқий онг, балки шу билан бирга, кишиларни ҳаракатга ундовчи мотив ҳамдир. Улар маънавий ва амалий

ходисаларнинг синтези сифатида нима қилиш мумкину, нима мумкин эмаслигини, у ёки бу шароитда қандай ҳаракат қилиш окрагу, нимадан ўзимизнинг тийишимиз лозимлигини кўрсатган ҳолда хулқимизни йўлга солади, яъни мумкин ва номумкинлик меъёрини белгилаб беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касб ахлоқий нормаларига қуйидагилар киради: хушмуомалалик ва одоблилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очиқ кўнгиллик ва дангаллик, сахийлик ва муруватлилик, ўзаро ҳурмат, самимийлик, сиполик ва ҳ.к.

Хушмуомалалик – ўзга кишиларга бўлган ички ҳурматнинг ташқи кўриниши. Унинг 10 та белгиси бор: инсоф, ақл, илм, олийжаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлилик.

Хушмуомалалик –кўнгилдаги ардоқли фикрларни, энг ноёб хис-туйғуларни, энг эзгу ниятларни одамлар билан баҳам кўриш, осойишталик, вазминлик, хотиржамлик билан иш тутиш демакдир.

Одоблилик – яхши тарбий кўрганликнинг намоён бўлиши, ўзини тута билиш, ҳукм чиқаришда шошилмаслик, кишиларнинг орқасидан ғийбат қилмаслик, ўзгалар фикрини тинглай билиш, ширинсўзлик.

Ҳалоллик – ҳар бир инсоннинг ўз кучи билан меҳнат қилиши, шунинг эвазига топган мол-мулки, обрўси, жамиятда тутган ўрни, хулқининг тўғрилиги. Ростгўйлик халолликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳақиқатни гапириш, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини тўғри баҳолаш, яхшини яхши, ёмонни ёмон деб очиқчасига айтишдир.

Ҳаёлилик – бу уялиш, хижолат тортиш, ўзини ҳар хил ножўя хатти-ҳаракатлардан тия олиш демакдир.

"Ҳаё имондандир. Ҳаёли, одоьли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлади"(хадислардан).

"Вафосизда хаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳаёсиз инсон – имонсиздир, имонсиз эса инсон эмасдир"(Навоий).

"Инсонда доимо турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдир Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир"(Ибн Сино).

Сабр –қаноат – ҳаёт қийинчиликларини чидам билан енгишдир.

Камтарлик – кишининг ўзини табиий ҳолда, қандай бўлса шундайлигича ҳамма билан тенг тутишдир.

"Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар" (Л.Толстой).

"Камтарликнинг етишмаслиги, ақлнинг етишмаслигидандир" (А.Поп).

"Ҳамма нарсада, ҳатто камтарликда ҳам меъёрни билиш керак" (А.Франц).

**Таянч тушунчалар:** Этика категориялари, яхшилик, ёмонлик, адолат, бурч, виждон, шаън, ор-номус, бахт, инсоф, ҳалол, ҳаром.

Фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини фуқароларнинг ахлоқий маданияти белгилайди. Ахлоқий маданият шахснинг жамият ахлоқий тажрибаларини эгаллаш ва бу тажрибалардан бошқа одамлар билан бўлган муносабатларда фойдаланиши, ўз ўзини мунтазам такомиллаштириб бориши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Қисқаси, у шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси ҳисобланади.Зеро, ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг қатор унсурларини ўз ичига олган тузилмадир. У шахснинг ўзгалар билан муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири муомала одоби ҳисобланади. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан биридир. Инсон зоти бир – бири билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзаро тажриба олмасдан, бир - бирига таъсир ўтказмасдан росмана яшаши мумкин эмас. Муомала одам учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз руҳан қийналади, кайфияти тушиб боради. Бу борада буюк инглиз ёзувчиси Даниэль Дефо қаламига мансуб машҳур “Робинзон Крузонинг саргузаштлари” асарини эслашнинг ўзи кифоя: Жумабойни топиб олган Робинзоннинг қувониб кетишига ҳам сабаб шунда.

Муомала одоби бошқа кишилар қадр- қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий меъёр талабларини бажаришини талаб қилади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳатларни намоён этиши, кўзга кўрсатиши билан ажралиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ воситасида рўй беради. Сўзлаш ва тинглай билиш, суҳбатлашиш маданияти муомаланинг муҳим жиҳатларини ташкил этади. Шу боис муомала одоби ўзини, энг аввало, ширинсуҳанлик, камсуқумлик, босиқлик, хушфеъллилик сингари ахлоқий меъёрларда намоён қилади.

Муомала одобининг яна бир кўзгуси бу инсоний қараш, нигоҳ. Маълумки, одамнинг инсоний қарашида, юз ифодасида қўл ҳаракатларида унинг қай сабаблардандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган ҳиссиёти, талаблари ўз аксини топади. Чунончи, сухбатдошининг гапини охиригача эшитмай қўл силтаб кетиши муомаладаги маданиятсизликни англатади. Баъзан бир қараб қўйишнинг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади.

Муомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатиши бир бирига таъсири, тарбия ва ўз ўзини тарбия воситаси сифатида диққатга сазовор. Шу боис ёшларимизда муомала одобини шакллантириш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардандир. Бунда ота-онанинг, маҳалла-куйнинг таъсири катта. Ундан фойдалана билиш керак. Зеро ахлоқий комилликка эришиш муомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий маданият яққол кўзга ташланадиган муносабат кўринишидан бири бу этикетдир.У кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатларда ўзни тутиш қонуни қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала одобида инсон ўз муносабатларига ижодий ёндашса, яъни бир

ҳолатда бир неча муомала қилиш имкониятига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун фақат бир хил қоидалаштириб қўйилган хатти- харакатни тақозо этади.

«Этикетнинг қамрови кенг, у, маълум маънода, халқаро миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳоказо. Этикетга риоя қилишнинг мумтоз намунасини биз тез–тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимиз И. Каримовга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларини эсланг. Унда фақат бир хил ҳолат – халқаро миқёсда ўрнатилган қоида хукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларнинг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда танаввул қилиш пайти, пичоқни ўнг қўлда ушлаш замонавий мехмондорчилик этикетининг қатъий қоидаларидан бири саналади, уни бузиш атрофдагиларда ҳайрат ва истеҳзо уйғотади. Шу боис этикетни одам тусига айлантирилган, катталаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин» - деб кўрсатиб ўтади А.Шер ўзининг «Ахлоқшунослик» китобида.

Этикет – такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишини кўзини қувонтирадиган муомала одоби дейиш ҳам мумкин. Лекин, айни пайтда у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади: этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз хохиш-ихтиёрига қарши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шахсни муайян тартиб, қоидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиқликка, мулойимликка ва сабр тоқатга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсон вояга етиб, бир касбнинг бошини тутиб, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасблар билан даврада рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тоифадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг кичик шаклларидан бири, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксаклигидир. Шу боис касбий одобга бафуржароқ тўхталиш жоиз.

Ҳар бир жамиятда муайян гурухлар борки, эгаллаган касблари уларни бошқа жамиятдошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий соғломлиги, ҳуқуқий ҳимояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ўшандай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч масъулиятини қай даражада ҳис этишларига, ҳалолликка ва виждон юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага маълум.

Чунончи, табобат ходимини олайлик, у ҳар бир операция кунида бир неча кишини ҳаётга қайтаради; юзлаб одамлар унинг ёрдамига муҳтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Бордию, шахсий манфаати йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қилсачи, яъни уни қасддан ҳалок этсачи? Ким уни шундай

қилмаслигига кафолат беради? Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда қилиши ва шунинг ҳисобига ўзининг маълум бир муаммоларини ҳал қилиб олиши ҳам мумкин. То ҳақиқат юзага чиққунича, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адои тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис бошқалар қўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва ўз касбини суистеъмол қилиши сингари иллатларга йўл қўймаслик учун, шунингдек, улар ахлоқий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмуи яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олади. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади.

“Этика” фани соҳалари орасида касб этикаси алоҳида ўрин тутади. Касб этикаси ҳар бир касб-ҳунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга тадбиқ этади. Ҳар бир касб-ҳунарга хос ўзининг ахлоқий нормалари мавжуд. Лекин барча касблар орасидан шундайларини ажратиб кўрсатиш мумкинки, улар бажарадиган функцияларнинг ахлоқий томонларига алоҳида аҳамият талаб этилади. Касб этикаси фаолият объекти инсон бўлган соҳалар учун жуда муҳимдир. Ўз спецификасига кўра инсонлар билан доимий алоқада бўладиган соҳаларда шу соҳа мутахасисларининг “ахлоқий кодекслари” мавжуд. Масалан педагог этикаси, врач этикаси, юридик этика ва ҳоказолар.

Муайян касб ахлоқий кодексларининг мавжудлиги ижтимоий тараққиётнинг, жамиятни инсонийлашишининг кўрсаткичидир.

Демак, касб этикаси муайян касб соҳаси вакилларининг махсус ахлоқий кодекси, шунингдек, ахлоқнинг турли фаолият турларида намоён бўлиши спецификасини ўрганувчи фан соҳасидир.

Юридик этика юристлар фаолияти спецификаси билан, уларнинг ахлоқий ва социал мавқеи билан белгиланади. Юридик соҳа вакилларининг касб этикаси мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш борасида инсонпарварлик, қонунийлик, адолат, жамоатчилик асосида ахлоқий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан тавсифланади.

1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси одил судлов органларига қўйиладиган қатор принципиал талабларни ўз ичига олади. Уни Умуминсоний ҳуқуқий қадриятлар қаторига қўшсак бўлади. Шу билан бирга Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўзида ахлоқий талаблар, қадриятлар, ахлоқий категорияларни мужассам этган. Унда инсонпарварлик, адолатпарварлик, инсон қадр-қиммати принципларига эътибор қаратилади. Юридик этика бу принципларга таянади.

Судья, прокурор ва терговчи хатти-ҳаракатлари ва қарорлари фуқароларнинг туб ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлиб, ахлоқ принцип нормаларига мос келиши, давлат ҳокимияти ва унинг вакиллари авторитетини

ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Судья, прокурор, терговчи фаолияти давлат номидан амалга оширилади. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ҳукмлар давлат номидан чиқарилади. Прокурор қонунларнинг амал қилишини назорат қилади ва давлат айбловини қувватлайди ва ҳ.к. Давлат мажбуриятини бажариш ҳокимият вакилларидан ўз бурчини ҳис этишни талаб этади. Бошқа одамларнинг тақдирини хал қилувчи шахслар ўзларининг қарорлари, хатти-ҳаракатлари учун масъулият ҳис этиши лозим.

Юрист адолатни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан талаб этар экан, қонунга асосланиши керак. Қонунийлик ва адолатнинг бирлигини таъкидлаган ҳолда Давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган ҳар қандай қарор қонуний ва адолатли бўлиши керак, фақат адолатли қарор қонуний бўлиши мумкин, адолатсизлик ноқонуний бўлади. Қонунни четлаб ўтиш, сохталаштириб талқин эиш ахлоқсизликдир. Бу нафақат ҳуқуқий нормаларга, балки юрист касб эикаси нормаларига зиддир, қонунни билиб туриб, атай бузишнинг ўзигина эмас, билими етишмаслиги, ички интизоми йўқлиги ва ҳурматсизлиги натижасида, қонунни четлаб ўтиш ахлоқсизликдир.

Президент И.Каримов «Адолат—қонун устуворлигида» номли маърузасида шундай уқтириб ўтади: “Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фукароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмокда. Шундайлар хам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади”.

Демак, юрист касб этикаси ҳуқуқий ва ахлоқий принцип, нормаларининг ўзаро алокадорлиги, ҳуқуқий ва ахлоқий онгнинг боғлиқлиги асосида шаклланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари касб этикаси бир қанча соҳаларга бўлиниб ўрганилади:

1. Прокуратура идоралари ходимлари этикаси;
2 . Ички ишлар идоралари ходимлари этикаси;
3 .Миллий хавфсизлик идоралари ходимлари этикаси;
4. Суд идоралари ходимлари этикаси;
5. Адвокатлар этикаси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 15-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади» дейилади. Жамиятимиз инсонпарварлик йўлидан борар экан, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайдиган суд ҳокимиятига эришиш шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-моддасида «Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти қонун

чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» -дейилган.

Бунинг учун аввало судьялар мустақил ишлайдиган билим ва малакага эга бўлишлари зарур. Суд карорларининг ҳурмат қилиниши унинг изчиллиги, мантиқийлиги, интелектуал салоҳияти, адолатлилиги, қонунийлигига боғлиқ. Агар суд қатъий ахлоқий кодекс билан тартибга солинмаса, жамият судьяни ахлоқий принцип ва қоидаларига риоя қилишига ишонмаса, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Қонун устуворлигини ўрнатишга интилаётган барча мамлакатларда судлар фаолиятига путур етказишнинг тезкор усули бу - судловнинг мансабдор шахслари томонидан ахлоқ талабларининг бузилишидир.

Агар суд ҳокимияти ўз мустақиллигини муҳофаза қилган ҳолда, суд ҳокимиятининг юксак стандартларини ўрнатиш ва сақлашни истаса, қуйидаги учта тамойилга риоя қилиши лозим деб кўрсатиб ўтади америкалик ҳуқуқшунос Энтони М.Кеннеди.

1. Судьялар ҳамиша ўз вазифасини ижро этаётганда, шунингдек шахсий ва ижтимоий муносабатларда юксак ахлоқий нормалар асосида ўз шахсий мажбуриятларини бажариши лозим.

2. Суд ҳокимиятининг ўзи судьялар учун ёзма батафсил ахлоқ кодексини қабул қилиши ва ошкор этиши лозим, токи у судьялар учун ўз хизмат бурчларини бажаришларида йўлланма бўлиб хизмат қилсин.

3. Судьялар томонидан ғайриҳуқуқий ва ғайриахлоқий хулқ-атвор намоён қилинганлиги ҳақида айбловлар олиниши, текширилиши, тегишли чора кўрилишининг механизмлари ва процедуралари мавжуд бўлиши керак.

Прокуратура идоралари ходимлари этикаси масаласига келсак Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини ” таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистан Республикаси Конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат» дейилади. Бу вазифалар албатта прокуратура ходимлари томонидан ахлоқ қоидалари ва принципларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Дастлабки терговда терговчи хизмат бурчига кўра бир қанча одамлар билан ахлоқий муносабатга киришади; гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси билан, даъвогар ва жавобгар билан, эксперт, мутахассис билан, гувоҳлар ва ҳоказолар билан ахлоқий муносабатларга киришади.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жиноят жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳуқуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади.

Этикада “мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин” – деган фикрлар инкор этилади. Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жиноят жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра руҳсат этилган бўлиши ахлоқий бўлиши зарур.

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қилади: процессуал нормалар терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилиши лозимлигини кўрсатади. Криминалистика ишлаб чиқадиган тавсиялар жиноятни тез ва тўлиқ очиш ва айбдорларни топишга ёрдам беради.

Ахлоқий нормалар ахлоқ нуқтаи назаридан тергов қилишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир; терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ. Баъзи бир олимларнинг терговчи фаолиятига хос махсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириш билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четга чиқишга асло йўл қўйиб бўлмайди: қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Рус олими А.Ратинов ўз вақтида, терговни “кураш жараёни”, деб қарашни таклиф этганди. Унинг тавсияларига мувофиқ «руҳий қопқонлар» қўйиши, жиноят иштирокчилари ўртасида конфликт келтириб чиқариш кабилар тергов методлари сифатида таклиф этилади. Биз фақат уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик зарурлигини, уларнинг баъзилари «ёлғон чегарасида, «провокация чегарасида» эканлигини таъкидлашимиз зарур бўлади, М.С.Строгович фикрича, терговчи терговга обьектив ёндашиши, айбланувчи айбини оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бирга оқловчи, айбини юмшатувчи ҳолатларни ҳам тўлиқ ўрганиши лозим. Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб борувчи шахснинг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципиаллик, холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик, хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини хисобга олиш — терговчи фаолиятига қўйиладиган муҳим ахлоқий талаблар хисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан -хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки маиший безори бўладими, жабрланувчи бўладими, ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошкор қилмаслиги,

шунингдек қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин қўрқитиш, қўполлик ишлатмаслиги зарур.

Прокурор жамият манфаатларини ҳимоя қилади, давлат номидан сўзлайди, шу билан бирга судланувчининг қонуний манфаатларини, қадрини ҳимоя қилиши лозим бўлади. Прокурор «ўзининг масъулиятли бурчини бажарар экан, жамиятга хизмат қилади. Бу хизмат, қачонки унга қатьий ахлоқийлик сингдирилса, жамият ва инсон қадри қанчалик ҳимоя қилинса, шунчалик самарали бўлади.

Прокурорнинг ҳуқуқий ва ахлоқий мажбурияти объектив ва холис бўлишни талаб этади. Ўз нутқида айбланувчига нисбатан қўполлик қилиши, устидан кулиши, ташқи кўриниши, миллати, жисмоний камчиликларига тил теккизиши ҳолларига йўл қўймаслиги лозим бўлади.

Прокурор айбланувчини тавсифлар экан, унга нисбатан айбсизлик презумпцияси мавжудлигини ёдда тутиш талаб этилади.

Судьяларга, агар айбланувчини оқласа ёки енгилроқ жазо белгиласа, оқибатлари ёмон бўлиши мумкинлигини айтиб, тазйиқ ўтказиши ҳам ахлоқий нормаларга тўғри келмайди,

Барча айтганларимизга асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қўйиладиган ахлоқий талабларни санаб ўтсак бўлади:

- инсонга нисбатан энг олий кадрият деб қараш, халкаро ва давлат ҳуқуқий нормалари ва умуминсоний ахлоқ принципларига мос равишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш;

- ўз касбининг ва юқори профессионализмнинг ижтимоий аҳамиятини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходими сифатида узининг жамият ва давлат олдидаги масъулиятини тушуниш талаб этилади, чунки улар фаолиятидан ижтимоий хавфсизлик, одамларнинг ҳаёти, соғлиги ҳуқуқий муҳофазаланганлиги белгилайди;

- ижтимоий адолат, фуқаролик бурчи, касбий ва ахлоқий бурч принципларига қатъий амал қилган ҳолда қонунда белгиланган ҳуқуқлардан оқилона ва инсонпарварлик йўлида фойдаланиш;

-қарор қабул қилишда принципиаллик, жасурлик, жиноятчилик билан курашда қатъийлик, холислик;

- хизматда ва турмушда шахсий хулқ-атворнинг тозалиги, ҳалоллик, касбий шаъни ҳақида қайғуриш;

-онгли интизом, ташаббускорлик, профессионал бирдамлик, ўзаро ёрдам, довюраклик, мураккаб вазиятларда хатти-ҳаракатларга ахлоқий-руҳий тайёргарлик, экстремал вазиятларда тўғри хулоса чиқариш;

-касб этикаси, этикет ва такт соҳаларида билими ва касбий малакасини такомиллаштариб бориш; умумий маданиятни ошириш, интеллектуал савиясини кенгайтириш, хизмат фаолиятида зарур бўлган халқаро ва миллий тажрибани ўзлаштириш

Демак, юридик этика фан сифатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг инсонпарварлик асосларини очиб бериш ва тарғиб қилиш билан бирга, қонунчилик ривожланиши ва қонунларни тўғри қўлланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Таянч тушунчалар:** ахлоқий маданият, муомала одоби, этикет, касб одоби, юридик этика, процессуал нормалар, ахлоқий нормалар.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### 1-мавзу. Эстетика фани предмети, вазифалари ва тарихи.

1. Эстетика фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари
2. Эстетика тарихи
3. Туркистон маърифатчи жадидларининг эстетик қарашлари.
4. Эстетик онг ва эстетик фаолият.

Эстетика сўзи юнонча «эстезис» сўзидан олинган бўлиб, «сезиш», «ҳис қилиш қобилияти» маъносини билдиради. Бу фан – инсоннинг воқеликка эстетик муносабатлари ва инсоният бадиий ривожининг умумий қонун-қоидалари ҳақидаги фан. Узоқ вақт бу фан «Гўзаллик фалсафаси» деб таърифлаб келинган. Лекин ҳозирги даврда „Эстетика" фанини бундай таърифлаб бўлмайди, чунки «гўзаллик»нинг ўзи „Эстетика"га тегишли тушунчалардан бирига айланиб қолди.

Биринчи марта эстетика сўзини фаннинг номи сифатида олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714-1762) “Поэтика” асарининг баъзи бир масалалари тўғрисида фалсафий мулоҳазалар” китобида ишлатган (1735 йил).

Лекин бу билан Баумгартенни „Эстетика" фанининг асосчиси деб бўлмайди, чунки эстетика назариялари қадим замонлардаёқ „Фалсафа” фани доирасида ўрганилган.

Дастлабки эстетик таълимотлар қулдорлик жамияти даврида – Шарқ мамлакатлари (Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон)да вужудга келиб, қадимги Юнонистонда, айниқса, Афлотун, Арасту, Суқрот асарларида, қадимги Римда Лукреций Кар, Гораций ва бошқаларнинг тадқиқотларида ривожлантирилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан мустақил фан сифатида шакллана бошлади.

„Эстетика" сўзи кўпинча нарса ва ҳодисаларнинг ранг-туси ва шаклидаги мукаммаллик, мутаносиблик, латофат маънолари мажмуи сифатида ҳам қўлланилади. Мазкур тушунча кишиларнинг яхши феъл-атвори, муомаласи, нутқи, дид билан кийинишини англатади ёки табиатдаги гўзалликни ҳам билдиради.

Эстетика сўзи баъзан «нафосат» тушунчаси билан баравар ишлатилади.

Санъатда ҳам эстетика бир қанча маъноларда қўлланилади. Воқеликдаги табиатан нозик нарсалар ва ҳодисалар инъикоси – бадиий адабиётда назм, тасвирий санъатда – манзара, миниатюра ва бошқалар фикримизга ёрқин далилдир. Иккинчидан, санъатда нима инъикос эттирилишидан қатъи назар, ниҳоятда нозик ифода усуллари қўлланилиши, ифода усулининг бағоят нафислиги – нозик рақс ва бошқалар диққатга сазовордир. “Эстетика” атамаси ўрнини бевосита ва билвосита “Нафосат” атамаси боса олади. Кўпчилик

“эстетика” атамасига ўрганган и учун “нафосат” атамасини чуқур ҳис қилолмайди.

Эстетика фан сифатида воқеликнинг гўзаллик асосида инъикос этишини, инсон амалий фаолиятининг ҳамма соҳаларида гўзаллик ва хунуклик туйғуларини, айниқса, бадиий ижоднинг умумий қонунларини ўрганади. Биз воқеликдаги гўзаллик ва хунукликни турлича тушунамиз. Эстетик қарашларимиз, тасаввурларимиз, баҳоларимиз нисбий бўлиб, уларни холис баҳолаш эстетиканинг вазифасидир.

Мазкур фаннинг асосий тушунчаси – гўзаллик зоҳирий ва боти-ний маънога эга, воқеа-ҳодиса, буюм зоҳиран гўзал, ботинан хунук бўлса, бу ерда том маънодаги гўзаллик деб бўлмайди. Шу боис донишмандлар ташқи ва ички гўзаллик мутаносиблигига алоҳида аҳамият берганлар.

Гўзалликка интилиш табиий эҳтиёждир. Бу эҳтиёж тарбия во-ситасида намоён бўлади. Гўзаллик қуршовида яшаган инсон билан хунуклик муҳитида ўсган одам ўртасида катта фарқ бор. Гўзаллик тарбияси инсонни маънавий жиҳатдан камолотга етаклайди, эстетик ҳис-туйғуни тараққий эттиради. Эстетик ҳис-туйғу инсонни қуршаб турган муҳитдаги гўзаллик ва хунукликни, улуғворлик ва тубанликни, фожиавийлик ва кулгилиликни идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

Эстетик эҳтиёж эзгуликка, гўзалликка интилишдир. Бу эҳтиёж меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатлардаги гўзалликни тақозо этади.

Эстетика ўз моҳиятига кўра, дин, фан, ахлоқ, ҳуқуқ тамойилларидан фарқ қилувчи ўзига хос қонунлар асосида ривожланиб, унда ўтмиш маданий мероси, ҳозирги кун тарбияси, келажак башоратлари уйғунлашган ҳолда намоён бўлади, фан воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини воқеликка мувофиқ келадиган тушунчалар ва қоидалар орқали очиб берса, эстетика воқеа-ҳодисаларни хаёл, тўқима образлар воситасида ифодалайди. Улардаги тимсоллар ҳам ўз тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Масалан, мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, театр ва бошқа санъат турларида воқеа-ҳодисалар бевосита тасвирла-нади. Мусиқа, рақс, меъморчиликда санъаткорнинг воқеа-ҳодисалар ва нарсалардан туғилган ғоявий-ҳиссий ҳолати ифодаланади. Бу жиҳатдан эстетика санъатга яқин туради.

Эстетика фани фалсафий билимлар мажмуида ўзига хос алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, у бир томондан инсоннинг атроф-муҳитга, воқеликка эстетик муносабати доирасидаги оламни ўзгартириш жараёнидаги фаолиятини намоён этади.

Иккинчидан, санъатга алоҳида аҳамият беради. Чунки айни шу ерда инсоннинг нафосат оламини ўзлаштириши энг юқори даражага кўтарилади.

Эстетика фанининг икки томони мутаносиблиги ниҳоят даражада мураккаб тизимга эга бўлиб, уни соддалаштириб, қолипга солишга уринишлар кўп ҳолларда кулгили вазиятларга олиб келади. Унинг бир томонини бўрттириб, иккинчи томонини унга бўйсундириб қўйиш ҳам эстетика фани моҳиятини

бузилишига олиб келади. Масалан, атроф-муҳитни гўзаллик мезони билан баҳоланишини бўрттириб юбориш эстетикани фақат гўзаллик фалсафий қолипига зўрлаб сиғдиришга, инсон бадиий фаолияти соҳасини эса фақат санъат фалсафаси даражасига тушириб юборишга сабаб бўлади.

Эстетиканинг фан, кейинчалик эса ўқув дарси сифатида шаклланиш жараёнларида уни бир қатор мустақил билим соҳаларига бўлиб юборишлар, яъни эстетикани «эстетик қадриятлар назарияси», «эстетик идрок этиш назарияси» ва «умумий санъат назарияси» соҳаларига ажратиб ўрганиш ҳамда ўқитиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган эди. Инсоннинг эстетик фаолияти бадиий фаолияти билан, аксинча унинг бадиий фаолияти эстетик фаолияти билан баб-баравар деган ақида тарихий тараққиёт тажрибасида ўзини оқламади. Аслида бу икки нисбий мустақил мақомга эга бўлган инсон фаолияти соҳалари ўзаро шу қадар чирмашиб кетганки, уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсоннинг эстетик фаоллиги жараёнида табиат ва жамият қад-риятлари муносабатлари тизимидаги эстетик хусусиятлар (гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиалилик ва кулгилилик) қонуниятлари намоён бўлади. Инсоннинг эстетик фаолияти сифати ва даражаси эса эстетик қадриятлар билан эстетик баҳолаш қобилияти, эстетик идрок этиш билан эстетик амалиёт ўрталаридаги узвий алоқадорлик маданиятнинг барча соҳаларидаги бадиий ва эстетик ўзаро боғлиқ мезонлари билан ўлчанади.

Эстетиканинг иккинчи таркибий қисми бўлган санъатни яхлит бирликда мушоҳада этиб ўрганиш, унинг фаолияти бошқа турлари қаторида тизими ва амал қилиш хусусиятларини англаб, бадиий ижод, унинг самараси бўлган санъат асарлари билан уларни одамлар идрок қилишининг узвий боғлиқлигини илғаб олиш, бадиий фаолият аниқ шаклларини яратувчи қонунларини ўрганиш фаолият бадиий тараққиёти қонунларини санъат равнақининг истиқболларини кўра билиш қобилиятининг вужудга келиши жараёнларини тадқиқ этиш эстетика фанининг энг муҳим мавзуси ҳисобланади.

Эстетика фани ҳеч вақт фақат атроф-воқеликни эстетик ва бадиий идрок этиш қонуниятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, у тадқиқ ва таҳлил ишларини истиқбол мақсад-манфаатларига йўналтириб турган. Эстетиканинг истиқболга мўлжалланганлиги шу билан изоҳланадики, у воқеликни нафосат нуқтаи назаридан баҳолашда, бадиий мезон ўлчовларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиб, амалий фаолиятга татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Инсоннинг эстетик тафаккури шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб борган сари унинг ижтимоий-руҳий, мафкуравий-ғоявий, сиёсий-маънавий интилишлари ҳам тобора тиниқлашиб боради. Чунки эстетик тафаккур инсоннинг мақсад-манфаатларини эстетик-бадиий воситаларда назарий асослаб беради, эстетик маданият ва бадиий амалиёт асосларини ўрганиш, таҳлил қилиш билан бойитади, эстетик назарияларнинг фалсафий асосларини очиб беради, воқеликни эстетик инъикос этиш жараёнларини кўрсатиб беради.

Шундай қилиб: эстетика фани ва ўқув дарси воқеликни эстетик мушоҳада қилиш ва бадиий ижод жараёнларининг узвий мутаносиблигини намоён қилади ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика – бу нафосат олами, санъат ва бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезиш, идрок қилиш воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетика мавзуи билан бевосита алоқадор бўлган «эстетик муносабатлар», "борлиқни эстетик ўзлаштириш", "эстетик билиш", "эстетик тафаккур", "эстетик фаолият" каби ўзаро яқин, маънодош бир қатор тушунчалар бор. Улар орасидаги "борлиқни эстетик ўзлаштириш" тушунчаси қолган «эстетик муносабат», «эстетик билиш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият» тушунчаларини ҳам қамраб олади. Шу боис эстетика фани инсоният томонидан борлиқни эстетик ўзлаштириш моҳияти ва қонуниятларини ўрганади, десак тўғрироқ бўлади. Борлиқни эстетик ўзлаштириш эса санъатнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу боис эстетика фани санъатнинг асосий услубий-методологик замини бўлиб хизмат қилади.

Эстетиканинг борлиқни эстетик ўзлаштириш моҳияти ва қонуниятлари ҳақидаги фан сифатидаги ўзига хос бир қатор фазилатлари ҳам бор. Эстетика фани инсон теварак-атрофидаги моддий ва маънавий бойликларининг барчасини қамраб олишга, инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги нафосат оламини санъат барча турлари воситасида чуқур ўрганишга даъват этади. Санъат эса эстетик бойликларни яратиш манбаидир. Санъатни илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш баробарида эса эстетик фаолиятнинг барча кўринишларига илмий жиҳатдан ёндошиш учун замин яратилади. Шу боис санъат ва бадиий ижоднинг табиати ва моҳиятини ўрганиш, қонуниятларини ўзлаштириш гўзаллик нафосат (эстетика)нинг барча сифат даражаларини ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди. Бу жабҳаларга санъатнинг умумий назарияси, эстетика фанининг хусусий-услубий асосларига оид тадқиқотлар, моддий бойликлар яратиш эстетикаси, муҳандислик-лойиҳачилик фаолияти, илмий-тадқиқот ишлари соҳасида эстетик жиҳатлар, табиат эстетикаси, инсоний муносабатлар эстетикаси, кундалик турмуш ва одоб эстетикаси каби бир қанча соҳаларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир жаҳон эстетика фанида бу жабҳаларнинг ҳар бири эстетика таркибига кирувчи мустақил махсус ўқув курслари даражасига кўтарилган. Эстетика фани эса бу махсус ўқув курсларнинг услубий-методологик асосини ташкил этади.

Эстетика фани фалсафий билимлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди. У, энг аввало, фалсафий бўлиб, унинг назарий ва услубий асосларини фалсафий тафаккур назарияси ва тарихи ташкил қилади. Масалан, воқеликни эстетик ва бадиий ўзлаштириш жараёнларини ўрганишда холислик, тарихий ёндошиш, билиш жараёнида амалий тажрибанинг аҳамияти каби услубий асосни қўллаш ижобий самараларга олиб келиши мумкин.

Билиш назарияси воситасида санъатнинг билиш табиати, воқеликнинг бадиий-рамзий ифодалаш билан илмий тадқиқ этиш ўртасидаги ўзаро

алоқадорлик ва ўзаро фарқлар, воқеликни бадиий воситалар орқали тасвирлашнинг ижодий табиати, санъат асарларидаги шартлилик ва бадиий ҳақиқат каби эстетика фанининг жуда кўп назарий ҳамда услубий асослари муаммоларини ечиш, уларга жавоб излаб топиш мумкин.

Билиш назариясининг бошқа ақидалари – ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги, маънавий ҳаёт хилма-хил шаклларининг ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиши, иқтисодий замин билан ижтимоий онг турли шакллари ўртасидаги билвосита алоқадорлик ва боғлиқлик каби масалалар ҳам эстетик онг, бадиий ижод ва санъат табиати ҳамда ху-сусиятларини илмий тушунишга ёрдам беради.

Айни маҳалда эстетика фани мустақил билим соҳасини ташкил этган ҳолда у фалсафанинг равнақ топиб боришига ҳам ўзининг ҳиссасини қўшади. Масалан, билиш назариясининг янада ривожланиб, мазмунан бойиб боришида бадиий билиш ҳам муҳим ўрни тутади. Билиш назарияси, бадиий маданият қадриятлари, воқеликка эстетик му-носабат, эстетик тушунчалар, айниқса, ижтимоий онг, унинг нисбий мустақиллиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам кўп жиҳатдан санъат билан боғлиқдир.

Эстетика фани психология фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Буни эстетик тафаккур тараққиётининг барча босқичларида кузатамиз. Бу яқинликнинг асоси шундаки, воқеликка эстетик муносабатнинг барча томонлари эстетик дид ёки эстетик ҳис-туйғу, бадиий ижод ёки бадиий идрок қилиш жараёнларининг ҳаммаси руҳият мезони билан ўлчанади. Чунки эстетика муайян даражада инсоннинг руҳий, ҳис-туйғу ҳолатини ифодалайди.

Психология фани эстетик муносабатнинг барча томонларини, жумладан, бадиий ижод ва идрок жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Айни маҳалда эстетика фани инсон руҳий ҳаётининг энг мураккаб ва нозик томонларини қамраб олади. Эстетиканинг таркибий қисмларини психология фанининг эришган ютуқ-лари ва хулосаларидан кенг фойдаланмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда психология фанининг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, у ҳеч вақт эстетика фанининг ўрнини боса олмайди. Зеро, ўтмишда ва ҳозирда воқеликка эстетик муносабатнинг бутун бир соҳасига психология ақидаларини бош мезон қилиб олиб, эстетикани мустақил фан сифатида четга суриб қўйишга мойиллик сезилади.

Эстетика фанининг ҳозирги даврга хос хусусиятларидан бири шуки, бу соҳага кибернетика, семиотика (белгилар тизимларини қиё-сий ўрганиш билан шуғулланувчи билим соҳаси) ва математика каби фанларнинг усул ва воситалари ҳам изчил кириб ўрнашаяпти.

Эстетика санъат ва бадиий фаолият турли шакл кўринишларини ўрганадиган билим соҳалари учун услубий асос бўлиб хизмат қилар экан, айни маҳалда у адабиётшунослик, мусиқашунослик, театршунослик, ахлоқшунослик каби фанлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида ривожланиб боради. Бу

ҳамкорлик энг аввало мазкур фанларнинг ҳам санъат умумий назариясига амал қилишида кўринади. Масалан, санъ-атнинг хусусий назарияси адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа ижод соҳаларининг хусусиятларини тадқиқ этса, санъатнинг умумий назарияси санъатнинг барча турлари, бадиий ижод барча соҳалари амал қиладиган қонуниятларнинг умумий белгиларини ўрганади. Лекин санъатнинг умумий белгилари соф ҳолда мавжуд бўлмаслиги, улар айрим санъат турлари хусусиятлари орқали ифодаланишини инобатга олиб айтиш мумкинки, эстетика ўзининг умумий хулосаларини ишлаб чиқишда санъатшуносликнинг алоҳида-алоҳида билим соҳалари эришган илмий маълумотларга таянади.

Эстетика санъатшунослик билим соҳалари учун бошланғич на-зарий ва услубий асос бўлиб хизмат қилади. Эстетикасиз санъатшуно-слик бўла олмайди, яъни у айрим воқеа-ҳодисалар шарҳи билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолади. Шуни эътиборга олиш керакки, Эстетика хусусий санъатшуносликнинг умумий қонуниятлари, энг ав-вало, нафосат табиати ва эстетик тимсол қонуниятларини ўзида намоён қилади.

Эстетиканинг амалиёт учун аҳамияти нимада? У воқеликка қандай таъсир ўтказади? Эстетика ижтимоий бунёдкорлик жабҳасида қай тарзда иштирок этади? Бу саволларга жавоб бериш ҳам эстетика фани мавзусидир. Эстетик назария санъат ва бадиий ижод жараёнига, бадиий маданиятнинг барча соҳаларига амалий жиҳатдан кучли таъсир ўтказади.

Илгариги даврларда Европадаги эстетика назарияларида белгилаб қўйилган эстетик меъёр билан унинг бурч-вазифаларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш одат тусини олган эди. Масалан, классицизм тарафдорлари эстетик бурчни барча ижодкорлар амал қиладиган ақидаларда кўрардилар. Позитивизм тарафдорлари эса эстетика фани доирасини бадиий жараёнларни тушунтириш ва шарҳлаш билан белгилардилар. Ҳозирги замон эстетика назариячилари бундай бир ёқлама ёндашишни қабул қилмаган ҳолда «Эстетика фанининг асосий бурчи ва вазифаси санъатнинг вужудга келиши, ривожланиши ва амал қилиш қонуниятларини таҳлил қилишдир», деган хулосани илгари сурадилар. Муаммо шундаки, мазкур қонунлар моҳияти ва табиати очиб берилгандан сўнг ва назарий хулосалар баён этилгандан сўнг олдиндан белгиланган меъёр қолипига айланиб, санъатнинг жозиба ва сеҳр кучини йўқотиб қўйиш хавфи туғилади.

Эстетика амалиёти адабий-бадиий танқидда яққол намоён бўлади. Бадиий танқид билан эстетик назария ўртасида азалий узвий боғлиқлик мавжуддир. Бу боғлиқликни «танқид – бу ҳаракатдаги эстетикадир» деган ибора мазмунида ҳам кўрамиз. Мунаққид санъат асарларини баҳолаш ва шарҳлашда холис эстетик ақидаларга суянади ва бу билан эстетиканинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкам-лайди.

Адабий-бадиий танқид – бу эстетика фани билан санъат амалиё-ти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик рамзидир. Эстетик назария санъаткор

дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Бадиий фаолият қонунларини билиш, санъат табиатини тушуниш, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини англаш ҳақиқий истеъдод ўрнини қоплай олмайди. Аммо бу икки қанотнинг яхлит намоён бўлиши истеъдоднинг эстетик назария билан қуролланиши, уларнинг қўшилиб амал қилиши натижасида ижтимоий ҳаёт муҳтож бўлган ва кутиб ётган эстетик мўъжизалар яратилади, албатта.

Эстетика фани санъатдан баҳраманд бўлувчилар – томошабин, китобхон, тингловчи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Улар санъат ҳақида қанча кўп билсалар, санъат моҳияти ва бурч-вазифалари ҳақида қанчалик чуқур ва ҳаққоний тасаввурларга эга бўлсалар, уларда санъат билан доимий мулоқотда бўлишга интилиш кайфияти шунчалик кучли бўлади. Эстетика фани санъат ҳақида фақат билимлар берибгина қолмай, санъатга қизиққанларда бадиий ижодга нисбатан ҳурмат уйғотади, бадиий ижод инсон фаолиятининг энг мураккаб тури, энг кўп ақлий ва жисмоний куч талаб қиладиган соҳа эканлигидан бохабар қилади.

Эстетик назария санъаткорлар, ижодкорлар билан бир қаторда бу соҳани бошқарадиган ходимлар учун ҳам зарурдир. Санъатга раҳбарлик қилишда содир бўлган ўзбошимчалик, бебошлик, ҳокими мутлақлик кўп жиҳатдан унинг ўзига хос қонунларини билмаслик оқибатидир.

Эстетик назарияга суяниб иш кўриш – бадиий жараёнларга самарали таъсир ўтказиш ва санъатнинг эркин ривожланишини таъминлаш гаровидир. Қотиб қолган ақидалардан халос этилган ва ҳаёт чиғириғидан ўтган эстетик назария санъатга маъмурий-буйруқбозлик усули орқали раҳбарлик қилишга амалда қарама-қарши тура олади.

Эстетик назария жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кириб боради ва уларни маънавий бойитади, ижтимоий- маънавий ишлаб чиқаришнинг муҳим омили сифатида ёшларнинг, хусусан бўлажак ҳуқуқшуносларнинг эстетик маданиятини шакллантиради. Айни маҳалда у жамият эстетик онгининг таркибий қисмига айланади, жамият умумий тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Шундай қилиб, эстетика фанининг предмети ва вазифаларини кўриб чиққанимиздан сўнг мазкур хулосаларга келишимиз мумкин: эстетика фанининг жамият ҳаётида тутган ўрни қуйидаги вазифалари билан белгиланади:

1. тасвирий вазифаси;
2. норматив вазифаси;
3. ижодий вазифаси;
4. маълумот бериш (билиш) вазифаси;
5. дидактик (тарбиявий) вазифаси;
6. дунёқараш вазифаси.

Шундай қилиб, эстетика фани ва ўқув дарси воқеликни эстетик мушоҳада қилиш ва бадиий ижод жараёнлари узвий мутаносиблигини намоён қилади ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика – бу нафосат олами, санъати ва

бадиий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-туйғу, сезги-идрок воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

**Таянч тушунчалар:**

Эстетика, «Гўзаллик фалсафаси», эстетик эҳтиёж, нафосат, санъат, эстетика амалиёти, эстетика вазифалари.

## 2-мавзу: Эстетиканинг асосий категориялари. Жамият тараққиётида санъатнинг роли.

## Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари

**Р Е Ж А**

1.Эстетика категориялари хақида

2.Гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, кулгилилик ва фажеавийлик.

3. Жамият тараққиётада санъатнинг ўрни.

4. Қадимги Шарқ мамлакатлари ва Қадимги Юнонистонда эстетик қарашлар ва ва ғояларнинг шаклланиши ва ривожланиши.

5. Ғарб мамлакатларида эстетик қарашларнинг ривожланиб бориши.

Дастлабки эстетик қарашлар, ғоялар, таълимотлар фалсафа фани бағрида вужудга келади ва ривожланади. Фалсафий таълимотлар эстетик қарашларнинг у ёки бу кўринишда бўлишига ўз таъсирини кўрсатди.

Эстетик ғоялар қадимги Шарқ мамлакатларида вужудга келди. Бу мамлакатлар халқларидан қолган маънавий-маданий мерос шундай хулосага келишимизга асос бўлади. Масалан, Урхун-Енисей битиклари, Хоразм алифбоси, қимматбаҳо маъданлардан ишланган санъат асарлари, меъморий обидалар бу мамлакатларда бадиий маданият юксак тараққий этганини кўрсатади.

Мисрда фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган осори атиқалар, Амударё хазинаси, Доро I тасвири солинган олтин таналар, скифлар олтин буюмлари, Бобил минораси, қадимги Хоразм бадиий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари саройлари, ибодатхоналар деворларидаги тасвирий санъат асарлари бунинг яққол исботидир.

Эстетик қарашлар бизнинг ватанимизда ҳам қадим замонлардаёқ пайдо бўлган. Зардуштийликдаги эстетик қарашлар Ахура Маздага хизмат қилувчи худолар ва уларнинг бажарадиган вазифалари орқали ифодаланган Қуёш ва ёруғлик худоси Митра еру кўкда кезиб, зулмат худоси Ахриман билан курашувчи улуғвор ва баҳодир йигит сифатида тасвирланса, ободончилик ва фаровонлик худоси Анахит нафис либос кийган гўзал аёл қиёфасида намоён бўлади.

Мамлакатимиз гербида ўз аксини топган афсонавий қуш Ҳумо – бахт, толе ва давлат рамзи. У боши, танаси ва қанотлари олтин, кумушдан бўлган гўзал қуш бўлиб, кимга соя солса, ўшанга бахт келтиради. Қадимги шаркда гўзаллик эзгулик билан, юксак даража-даги ахлоқийлик билан боғлаб мушоҳада этилган.

Қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлар заминида Европа мамлакатлари бадиий маданияти таркиб топди. Қадимги Юнонистон мутафаккирлари Шарқ бадиий маданияти меросига таянган ҳолда эстетик

ғоялар ва қарашларни ишлаб чиқдилар. Қадимги юнон файласуфи **Пифагор (э.а. 6-5 асрлар)** ва унинг шогирдлари ўзларининг рақамлар ҳақидаги қарашларини нафосат оламига ҳам тадбиқ этдилар. Уларнинг нафосат асослари, яъни “хилма-хил овозли томонларнинг келишуви” умумбашарий ҳамоҳанг-лик эканлиги ҳақидаги қараш ва ғоялари муҳим ўрин тутади.

**Гераклит (э.а. 540-480)** нафосат хоссалари моддий дунёнинг ўзидан келиб чиққан, нафосат ҳамоҳангликни англатади, ҳамоҳанглик эса қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил этади, деб кўрсатади ва нафосатнинг нисбийлиги ғоясини илгари суради.

**Демокрит (э.а. 460-370)** гўзалликни бўлакларнинг тўғри мутаносиблиги, мослиги (симметрия)да деб билади ва меъёр тушунчаси билан боғлади. Санъат – бу воқеликка тақлид қилишдир, деб ҳисоблайди, у.

**Сукрот (э.а. 470-399)** фикрича, гўзаллик коинотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилган, гўзаллик ва эзгулик бир-биридан ажралмасдир.

**Афлотун (э.а. 427-347)** фикрича, нафосат манбаини “ғоялар” ташкил этади, унинг ёритиб турувчилик кучи гўзалликни кашф этади. Гўзалликнинг моҳиятини ҳис-туйғу билан эмас, фақат ақл-идрок билан англаш мумкин. Афлотун санъатни нарсалардан кўчирилган нусха, нарсаларнинг ўзи эса ғояларнинг хира нусхасидир, деб таърифлайди. Афлотун санъатнинг одамларга нисбатан таъсир кучини салбий, бузғунчи хусусиятга эга, деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ўзи келажакда орзу қилган давлат ҳақидаги қарашларида мусиқадан бошқа санъат турларини тилга олмайди.

**Арасту (э.а. 384-322)** фикрича, нафосат асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қилади. У санъатни воқеликка тақлид қилиш воситаси сифатида баҳолаб, санъатнинг инсон руҳига ўтказадиган таъсир кучига алоҳида эътибор беради. Санъатнинг ахлоқий қудратини, олижаноб фазилатлар яратиш кучини улуғлайди. Арасту инсон руҳини ваҳима, даҳшат, раҳм-шавқат орқали поклантириш (“катарсис”) таълимотини илгари суради. Шунингдек, Арасту воқелик ва санъат, инсон ва санъат, инсон ва бадиий ижод масалаларига махсус тўхталган.

Эстетик қарашлар Қадимги Римда ҳам шаклланиб ривожланган. Тит **Лукреций Кар (э.а. 99-55)** “Нарсалар табиати ҳақида” асарида санъат “зарурият” (эҳтиёж)дан табиий келиб чиққанлигини таъкидлаб, унинг маърифатчилик аҳамиятини кўрсатиб беради.

Қадимги Шарқ ҳамда Қадимги Юнонистон ва Рим мутафаккир-ларининг эстетик ғоялари, қарашлари, таълимотлари фан тарихида муҳим ўрин тутади. Бу таълимотлар ўзидан кейин вужудга келган турли-туман эстетик мактабларга замин вазифасини бажарди.

Ўрта асрларда Ғарб мамлакатларида санъат, умуман бадиий амалиёт ва назария масалаларида турли хил қарашлар, муаммолар юзага келди. Бу давр эстетикасида учта ҳудудни ажратиб кўрсатса бўлади. Биринчиси – Византия,

иккинчиси – Ғарбий Европа, учинчиси – шарқий ҳудуд – Қадимги Русь. Византияда эстетик қарашлар христиан маданиятида бадиий тасвирларнинг роли ҳақидаги баҳс-мунозараларида шаклланиб борган.

Ғарбий Европа мамлакатларида бу даврда санъат асарларида бадиий ижоднинг реал дунёга эътибори кучайишини кўриш мумкин. Қадимги Русь бадиий онгида эркинлик, оддийлик намоён бўлади. Инсоннинг дунёга эътиборининг кучайиши, гўзалликни ҳиссий идрок этишдан завқланиши Уйғониш даврининг янги маданий парадигмаси вужудга келиши учун асос бўлди. Ғарб Уйғониш даврида эстетик қарашлар янгича ижтимоий муносабатларнинг таъсири остида ривожлана борди. Инсонпарварлик ғоялари тарқалиб боргани сари, илм-фан, адабиёт ва санъат муваффақиятларга эришиб боргани сари эстетик қарашлар ва ғоялар ҳам ривожланиб борди. Бу давр эстетикасининг муҳим хусусияти – унинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилганлиги ва бадиий амалиёт билан боғлиқ эканлиги.

Уйғониш даври мутафаккирлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Дюрер, Сервантес, Шекспир эстетик тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Улар шу билан бирга буюк санъат асарлари яратдилар. Буюк мусаввир Леонардо да Винчи дунёни билишда санъатнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади. У ўзининг эстетик қарашлари баён этилган рисолаларидан бирида кўрсатиб ўтишича, санъат нарсаларнинг ўзига хос сифатларини, уларнинг гўзаллигини излаб топади ва оммалаштиради. Санъат воқеликнинг инъикоси, ижодий қайта такрорлаш жараёнидир.

Классицизм эстетикаси ҳам эстетик тафаккур тараққиётида ўз ўрнига эга бўлди. Буалонинг “Назм санъати” рисоласи классицизм эстетикаси моҳиятини очиб беради. Унга кўра барча ижодкорлар классицизм ишлаб чиққан ақида қоидаларига бўйсуниши шарт бўлган. Ижодкорнинг эркинлиги чекланган. Классицизм эстетикаси бадиий ижод билан шуғулланувчиларни қоидалар билан белгилаб қўйилган қолипдан чиқмасликка, олдиндан танлаб қўйилган ва мавҳумлаш-тирилган мавзу чегарасидан ўтмасликка маҳкум этади. Классицизм вакиллари юксак санъат аслида такомил ва гўзал бўлган, ижобий эстетик қийматга эга бўлган ҳодисаларни ўз асарларида акс эттириши керак деб ҳисоблайдилар. Классицизм услубида жуда кўп асарлар яратилган бўлиб, улар жаҳон санъати намуналаридандир. Лекин санъат тараққиётини фақат чиройли ва юксак мавзу томон йўналти-риш унинг кўламини чеклаб қўйди.

Эстетик фикрлар кейинчалик немис классик фалсафасида ри-вожлантирилди. Айниқса, И.Кант ва Гегель ўз фалсафий системалари доирасида, эстетик муносабат, дид, улуғворлик, гўзаллик масалалари-да бирмунча қимматли фикрларни илгари сурдилар.

Масалан, Кант фикрига кўра, дид биргина одамга хос бўлган туғма қобилиятдир, у шу қадар якка ҳодисадирки, уни инкор этиб бўлмайди. Кант, шунингдек, улуғворлик назариясини ривожлантирди. У улуғворлик ва гўзалликнинг барча ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб берди. Гегель

санъатга юқори баҳо беради. Санъат, унинг фикрича, гўзалликнинг асл маконидир. Гегель улуғворликни ҳам санъат асарла-ри заминида таҳлил этади. Гегель фикрича, мутлақ руҳ – гўзалликнинг намоён бўлишидир.

IX-XII асрларда Ўрта Осиёда Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби буюк олимлар, шоирлар, мусиқашунослар, файласуфлар яшаб ижод этдилар. Улар табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалалар билан бир қаторда тилшунослик, шеърият, нотиқлик санъати, мусиқа назариясига оид ҳам асарлар ёздилар.

Форобий "Бахт-саодатга эришув ҳақида"ги рисоласида "Инсон ақл-идроки туфайли ҳақиқий инсонга айланади, билим инсонга бахт ва шодлик келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзаллик ва мукаммалликни кашф этади" деб кўрсатади. Шахсни камол топтириш жараёни, Форобий фикрича, инсон ўз ҳаёти давомида илм, ҳунар ўрганиши, ахлоқий қонун-қоидаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажриба билан бойитиш орқали содир бўлади. Эстетик фазилатлар инсон атрофини қуршаган муҳит таъси-рида шаклланади.

Форобий шахс тарбиясида шеърият ва мусиқа санъатининг ўрнини алоҳида таъкидлайди. У санъат турларини бир-биридан фарқ қилади: шеърият сўз билан, тасвирий санъат эса бўёқлар билан иш кўради. Лекин ҳар иккови ҳам инсон руҳий ҳаётининг инъикосидир. Санъат инсонда гўзал эстетик фазилатларни тарбиялашга қодир кучга эгадир. Таълим-тарбия масалаларига Форобий алоҳида тўхталиб, ёшларнинг ахлоқий фазилати низомларини ҳамда уларнинг санъатни эгаллаши учун амалий малакаларини тарбиялашни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

**Абу Райҳон Беруний (973-1048)** нафосат ҳақидаги қарашларида воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги манбаи ҳамоҳанглик ва уйғунликдир деб кўрсатади. Гўзалликни табиат ва инсонга хос бўлган камолот, етуклик сифати даражасида баҳолайди.

**Абу Али ибн Сино (980-1037)** ўзининг эстетик қарашларида эстетика билан ахлоқ муаммоларини бир-бирига узвий боғлайди. У "Китоб уш-шифо" асарида мусиқанинг эстетик хусусияти ҳақида сўз юритиб, унинг ахлоқий тарбиядаги аҳамиятига, шеъриятнинг кишиларга гўзал фазилатлар сингдириши имкониятларига тўхталиб ўтади. Ёшларни тарбиялаш оила ва давлатнинг муҳим вазифаси, жамият тараққиёти, ютуқлари маълумотли, маданиятли кишиларнинг ўсишига боғлиқ, "барча билимларга эга нарсалар мукаммалликка мойилдир" дер экан, "мукаммаллик" атамасида у инсоннинг ички гўзаллиги ва эзгуликка интилишини ифодалайди.

Ўрта Осиё Уйғониш даври мутафаккирлари "Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни яхши кўради" тамойилига амал қилганлар. Улар Аллоҳ гўзаллигини улуғлаб, диний эътиқод доирасида инсонпарварлик таълимотини яратдилар, диний эътиқодни инсон ақл-идроки кучи, инсон иродаси эркинлиги ғояси билан боғлаб талқин қилдилар.

Эстетик тафаккур XIV-XV асрларда янада ривожланди. Айниқса, Алишер Навоий ўз асарларида гўзалликни, санъатни юксак қадрлаб, санъат инсон маънавий олами, комил шахс бўлиб етишиши учун зарур эканлигини таъкидлайди. Унинг адабий-эстетик қарашлари “Мажолис ун-нафоис”, “Мезон ул-авзон” ва “Муфрадот” асарларида баён этилади.

Навоий бадиий сўз санъатининг маърифий-тарбиявий, ҳиссий-руҳий аҳамиятини алоҳида таъкидлар экан, ижодкорларнинг ахлоқий қиёфасига эътибор қаратади. Уларнинг камтарлик, ҳимматлилик, хуш-муомалалилик, саҳийлик каби фазилатларини таъкидлайди.

“Мажолис ун-нафоис”да машҳур созандалар, ҳофизлар ҳақида ҳам сўз юритилади. “Мезон ул-авзон”да туркий шеъриятнинг ёзма ва оғзаки адабиёт ҳамкорлигида юзага келган жанрлар (туюқ…), оғзаки адабиётнинг ёзма адабиётга кириб бориши (ўлан-чангий, ёр-ёр, қўшиқ) масалаларига алоҳида тўхталади, халқ қўшиқларининг саккиз тури ҳақида маълумот беради: туюқ, чанги-туркий, арзуворий, муҳаббатнома, мустаҳзод ва бошқа.

Навоийнинг адабий-эстетик қарашларида санъаткор инсон маънавий эҳтиёжига, инсоф ва адолатнинг барқарор бўлишига хизмат қилиши, энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этиши, китобхон онги, ҳисси ва дидига таъсир кўрсатиши керак, деган ғоя илгари сурилади.

XX аср эстетик назариялари анъанавий қарашларга кам таянади. Интуитивизм А.Бергсон (1859-1941), Андре Мальро (1901-1976) бадиий ижоднинг норационал асосларига эътибори билан ажралиб туради. Экзистенциализм Ж.П.Сартр (1905-1980), Альбер Камю (1913-1960) эстетикасида инсонга эътиборни, санъат феноменини инсон тақдири билан боғлаб қарашни кўришимиз мумкин.

Структурализм Роман Якобсон (1896--1982), Ролан Барт (1915-1980) санъат асарини таҳлил қилар эканлар структура, белги, элемент, функция тушунчаларини ишлатадилар. Масалан, структурализм тас-вирий санъат асарини ўрганар экан, унда геометрик композицияларни, гуруҳий ҳолатларни, тасвирланган шаклларни бир-бири билан ва асарнинг фони билан муносабатига эътибор қаратадилар.

**Таянч тушунчалар**

Зардуштийлик, Пифагор, Гераклит, Сукрот, Афлотун, Арасту, Тит, Лукреций Кар, Ғарб Ўрта асрлар эстетикаси, Уйғониш даври, классицизм, немис классик фалсафаси, Ўрта Осиё Уйғониш даври эстетикаси, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, инту-итивизм, экзистенциализм, структурализм.

## 3-мавзу: Эстетик онг ва эстетик фаолият

1. Эстетик муносабат тушунчасининг моҳияти.
2. Эстетик онг тушунчаси. Эстетик онгнинг тузилиши ва дара-жалари.
3. Эстетик фаолият ва унинг турлари.
4. Санъат ва дизайн.

Воқеликни эстетик жиҳатдан инъикос этиш табиатини англаш-нинг илмий қоидаси мавжуд: инсон борлиқни нафосат қонунларига риоя қилган ҳолда англайди. Инсон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ ҳар бир нарсага ўзига хос мезон нуқтаи назаридан ёндошади. Агар инсонда мезон туйғуси бўлмаганда, у воқеа-ҳодисалар, нарсалардаги гўзалликни идрок этиш қобилиятига эга бўлмаганда, унинг фаолияти бунёдкорлик билан бирга вайронагарчиликка ҳам олиб келарди.

Нафосат қонунларига риоя қилиш, яъни яратиш қобилияти инсон фаолиятининг моҳият ва мазмунини ташкил қилади.

Инсон амалий фаолияти жараёнида воқеаликка бўлган муноса-батининг амалий, назарий, ахлоқий-хулқий, эстетик каби шакллари ва турлари вужудга келади, инсоннинг воқеаликка бўлган муносабати хилма-хил, кўп қиёфали ва кўп хусусиятлидир. Улар: биринчидан, воқеалар-ҳодисаларнинг кўп сифатлигидан келиб чиқса, иккинчидан, фаолият жараёнида туғиладиган инсон эҳтиёжлари ва манфаатларидан келиб чиқади.

Инсоний муносабат – бу субъект ва объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат бўлиб, у йўналганлик табиатига эга бўлади. Муносабат фақат инсонга хосдир ва у фақат жамият бағрида амал қилади. Шу маънода воқеаликка эстетик муносабатда бўлиш субъект билан объект ўрта-сидаги ўзаро ҳаракатнинг махсус туридир.

Борлиққа эстетик муносабатда бўлиш тарихий ҳодиса бўлиб, унинг вужудга келишида одамларнинг моддий-амалий фаолиятлари муҳим аҳамият касб этган. Энг аввал воқеаликка фойдали-амалий, кейин эса эстетик муносабат вужудга келади.

Эстетик муносабат ижтимоий муносабат бўлиб, у фақат инсонга хосдир. Унинг жамият ҳаётида амал қилиши, моҳият-мазмуни, инсоний муносабатлар тизимидаги ўрни ижтимоий тараққиёт эришган даража билан чамбарчас боғлиқдир. Эстетик муносабат эстетик объект ва эстетик субъект мавжуд бўлишини тақозо этади.

Муайян шарт-шароитда ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодиса эстетик табиатга эга бўлиб, эстетик муносабат ва эстетик баҳо объектига айланиши мумкин. Талаблар:

1) Улар аниқ ҳис-туйғу, сезги-идрок қобилияти ва имкониятига эга бўлиши;

2) У ёки бу воқеа-ҳодиса инсоний алоқалар ва муносабатларга киришиб, ижтимоий аҳамияти касб этиши керак.

Шундай қилиб:

Эстетик объект – инсоний алоқалар ва муносабатларга кириш-ган, бевосита идрок этиш объектига айланган, одамларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган воқеликнинг хилма-хил кўринишлари.

Эстетик муносабат субъекти – ўз таркибида жамиятнинг зарур бўлакларини бириктирган, турли соҳаларда моддий-маънавий фаол иш олиб борадиган ижтимоий гуруҳлар ҳамда айрим шахслардан иборат жуда катта мураккаб ижтимоий ҳосиладир. Бошқача қилиб айтганда, эстетик муносабат субъекти – бу ҳиссий ва ақлий тараққиётнинг маълум даражасига эришган, аниқ ижтимоий муноса-батлар тизимига киришган, яъни барча ижтимоий муносабатлар йиғиндиси бўлган инсондир.

Эстетик муносабат – субъект билан объект ўртасидаги ўзига хос алоқалар тури билан тавсифланади. Гўзалликни идрок этиш жараёни-да содир бўладиган ўзаро ҳаракатлар эстетик муносабатлар заминидир. Эстетик муносабатнинг натижаси эстетик баҳолаш моҳияти, нарса-буюмлар шакли ва мазмуни, бурч-вазифаларини адо этиши ва бошқалар билан ифодаланади. Масалан: столга эстетик муносабат - унинг шакли бўлган материал, уни қайта ишлаш, тараф ва қисмлари мутаносиблигини унинг амалий бурчи, яъни нимага мўлжалланганлигига қиёс қилишдир. Овқатга эстетик муносабат унинг шакл ва мазмуни мутаносиблигида ўз ифодасини топади. Инсонга эстетик муносабатда бўлиш ҳам инсон шахси маънавий мазмунининг инсон хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори шаклига мутаносиблигида ифодаланади.

Онг – юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон миясининг маҳсули бўлиб, унинг хусусияти воқеликни акс эттириш-дан иборатдир. Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Эстетик онг ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида сиёсий онг, ҳуқуқий онг, диний онг, ахлоқий онг каби ижтимоий ҳодисалар билан бир қаторда туради. Эстетик онг – маънавий – руҳий воқеа – ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик фикр, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назариялар тизимини англатади.

Ижтимоий ҳаёт тараққиёти эстетик ҳис-туйғулар шаклланишига, эстетик қарашлар ва ғоялар мазмунига кучли таъсир кўрсатади. Бу жараёнда фалсафий қарашлар эстетик онгнинг билиш томонларига таъсир ўтказиб, баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб эта бошлайди. Бу ўринда эстетик онг соҳасига санъат таъсир кучининг ортиб боришини таъкидлаб ўтамиз. Шундай қилиб, санъат маълум даражада эстетик онгнинг ифода кучига ва намоён бўлиши жараёнига, айни пайтда у жамият ҳаётида эстетик онгнинг энг муҳим омилига ҳам айланади.

Эстетик онг бадиий онг билан чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирига яқин тушунчалар бўлса-да, бир хил маънони англатмайди. Эстетик онг воқеликни бутун борлиғича идрок этиб, қайта ишлаш жараёнида вужудга келса, бадиий онг санъатни яратиш ва идрок этиш жараёнида намоён бўлади. Бадиий онг

бадиий асарлар тизимида ифодаланса, эстетик онгнинг акс этиш кўлами анча кенг бўлиб, у одамларнинг меҳнат фаолиятида, унинг натижаларида, моддий ва маънавий маданиятнинг барча қадриятларида ифода топади.

Якка одам эстетик онги - бу аниқ бир шахс онги, маънавий ду-нёсининг бир қисми бўлиб, кенг маънода у ҳам ижтимоий мазмун касб этади.

Жамият эстетик онгининг мазмуни якка одам эстетик онгидан анча кенг ва бой бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча эстетик томонларини қамраб олади. Якка одам эстетик онги эса фақат битта шахс маънавий дунёсининг эстетик соҳасини ўз ичига олади.

Жамият эстетик онги мураккаб тизими, ҳаракатчан, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган бир қатор қисмлардан иборат бўлади. Эстетик онгнинг турғун ва уйғун қисмлари:

1) эстетик ҳис-туйғулар;
2) эстетик дид;
3) эстетик орзу;
4) эстетик қарашлар ва назариялар.

**Эстетик ҳис-туйғулар** – умуман инсон онгининг ажралмас қисми бўлиб, эстетик онгнинг асосий қатлами, пойдевори бўлиб ҳисобланади. Эстетик ҳис-туйғулар нафосат, ҳамоҳанглик, уйғунлик, мослик каби тушунчалар билан бирга шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш, эҳтиром, шавқ-завқ, нафрат каби тушунчаларни ҳам қамраб олади. Нафосат, олижаноблик, фожеа ва кулги ҳис-туйғулари энг мураккаб ва турғун эстетик ҳис-туйғулардир.

**Эстетик дид** – инсоннинг фикр-мулоҳазалари, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари моддий ва маънавий ижодкорлиги орқали намоён бўлади. Эстетик дид заминида гўзалликни хунукликдан ажрата билиш ва ундан беғараз шодланиш, лаззатланиш қобилияти ётади. Эстетик дид одамларнинг дунёқараши, айниқса, эстетик қарашлари орқали ёрқинроқ кўринади. Лекин эстетик қарашлар ҳамма вақт ҳам эстетик дидни ифодаламайди. Билишлар ва қарашлар дидда ифодаланиши учун улар шахс ички дунёсига, идрок қилиш жараёнига сингиб кетиши лозим. **И.Кант**: «дид – бу биргина одамга хос бўлган туғма қобилиятдир».

**Эстетик баҳолаш** – дид фикр-мулоҳазалари, диднинг айнан ўзи эмас, балки унинг оғзаки ифодасидир. Дид фикр-мулоҳазаларда ақлий томон кўпроқ ўрин эгаллайди.

**Эстетик орзу** – онгнинг бошқа қисмлари каби орзу ҳам воқеликни инъикос этиш шаклидир. Орзунинг ўзига хос хусусияти: бу тушунча фақат мавжуд нарсаларни инъикос этиш билан чекланиб қолмай, балки яна нималар бўлиши керак ва бўлиши мумкинлигини ҳам ифодалайди. Орзу аслида хоҳиш-истак бўлиб, у барча одамларга хос туйғудир. Ривожланган эстетик орзу эстетик ҳис-туйғуларга, унинг мазмунига, фикр-мулоҳаза, дид баҳо мезонларига ўз таъсирини ўтказади. Лекин кўпроқ санъат соҳасига тааллуқлидир. Санъат эстетик орзудан ташқарида бўлиши мумкин эмас ва унда эстетик орзунинг у ёки

бу белгилари бевосита тасвирланаётган ҳолатларда ҳам, муносабатлар бадиий ифодаланаётган пайтларда ҳам ўз ўрнини эгаллайди.

**Эстетик қарашлар ва назариялар** – эстетик онгнинг яна бир таркибий қисми бўлиб, унинг ғоявий соҳасини ташкил этади ва табиат, ҳаёт, санъат моҳияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва ғоялар тизимини англатади. *Эстетик қарашлар* тартибга тушган, дафъатан, ўзидан ўзи вужудга келмаган, балки жамиятнинг илғор намояндалари амалга ошираётган онгли фаолиятлари натижасида ишлаб чиқилгандир. Эстетик қарашлар ва назариялар у ёки бу эстетик ҳодисаларга тааллуқли ғоялар ва тушунчалар, таълимотлар кўринишида намоён бўлади. *Эстетик назария* – бу эстетик объектни бутунлайича қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, қоидалар, ақидалар, билишлар тизимидир. Эстетик назария мантиққа, тамойил-тизимларга, далил-исботларга, фалсафий услубиётга асосланади.

Эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади, шаклланади, бошқача қилиб айтганда, эстетик фаолият эстетик онгнинг амалга оширилиши ва моддийлаштирилишидир. Эстетик фаолият асосини инсоннинг муайян талаб ва эҳтиёжлари ташкил этади. Умуман, инсон фаолиятининг хусусияти ана шу талаб ва эҳтиёжлар табиати билан белгиланади. Руҳшунос олимлар эстетик эҳтиёжларни инсон талаб-эҳтиёжларининг энг олийси сифатида таърифлайдилар. Чунки эстетик эҳтиёжларда барча моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамлангандир. Дунёдаги махлуқотларнинг энг олийси инсон экан, гўзалликларни чуқур англаш ҳам инсонга хосдир. Инсон ҳамиша гўзалликка интилади. Эстетик эҳтиёжлар моҳияти ана шулар билан изоҳланади.

Эстетик эҳтиёжларда бошқа барча маънавий эҳтиёжларга қараганда кўпроқ ва кучлироқ яратиш эҳтиёжи ёрқин намоён бўлади. Ривожланган эстетик эҳтиёж ҳеч вақт тайёр эстетик қадриятларни фақат истеъмол қилиш билан чекланиб қолмай, янгиларини яратиш, ижод қилишга рағбат вужудга келтиради. Эстетик фаолият инсон моддий ёки маънавий фаолиятининг ўзаги бўлиб, унинг барча шакллари инсон фаолияти бошқа шаклларининг «инсонийлик» мезонига айланади.

Эстетик фаолият турлари:

1) Турмушда эстетик фаолият.
2) Спортда эстетик фаолият.
3) Моддий ишлаб чиқаришда эстетик фаолият.
4) Бадиий фаолиятда эстетик фаолият.
5) Илмий ижодда эстетик фаолият.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги эстетик фаолият меҳнат шароитларини, меҳнат натижаларини ҳам ўз ичига олади. Меҳнатнинг эстетик жиҳатлари ривожланишига маълум ижтимоий шарт-шароитлар зарур. Ижодий, инсоннинг жисмоний ва маънавий имкониятлари доирасидаги меҳнатнинг эстетик аҳамияти эътиборга лойиқ бўлади. Меҳнат эстетикаси даражасини ошириш учун меҳнат ижодийлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни техникавий

қайта жиҳозлаш, янги технологияларни жорий этиш лозим. Ишлаб чиқариш жараёни қатнашчи-ларининг умумий ва эстетик маданияти ва меҳнат шароитлари ҳам катта аҳамиятга эга. Меҳнат шароитларига меҳнат жараёнидаги ижти-моий муносабатлар, меҳнат анжомлари, воқеа-ҳодисалар муҳити киради.

Ишлаб чиқариш муҳитининг эстетик жиҳатларини ривожланти-риш дизайн воситасида ҳам амалга оширилади.

Эстетик фаолият нисбатан бадиий фаолиятда – санъатда энг «тоза» ҳолда кўринади. Шу боис санъат эстетик фаолиятнинг ихтисос-лашган кўринишидир. Санъат ўз табиатига кўра ижодий мақсадга қаратилган «нафосат қонунларига риоя қилинган» фаолият туридир.

Дизайн муҳандислик, илмий ва бадиий фаолиятни ўз ичига олади, дизайн моддий ишлаб чиқариш муҳитини эстетик қайта қуришга, уни инсон манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келтиришга хизмат қилади. Дизайнчининг зиммасига эстетик қийматга эга бўлган маҳсулотлар яратиш юкланган. Дизайн санъатдан баҳра олади. Улар ўртасида умумийлик бўлса-да, лекин улар эстетик фаолиятнинг икки ҳар хил туридир.

Фарқлари:

1) Санъат бадиий фаолият, у ёки бу кўринишда фақат ғоялар-гина эмас, балки нарсалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Лекин бу ерда нарсалар ишлаб чиқариш қўшимча вазифани бажаради. Санъат, аввало, маънавий ишлаб чиқариш тури, онг ва билим соҳасидир.

Дизайн эса моддий-амалий фаолият турига киради. Дизайн маҳсулотлари воқеликнинг инъикоси эмас, балки унинг нафосат қонунларига биноан яратилган, санъат амалиётининг айнан ўзини англатади.

Санъатнинг эстетик қадрияти маълум даражада «фойда» қад-риятларига зиддир, яъни санъат асари моддийликдан кўра кўпроқ маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган бўлади;

Дизайн маҳсулотлари – машиналар, бинолар, кенг истеъмол молларида моддий фойда хусусияти бўртиб туради. Маҳсулотнинг эстетик сифати барибир унинг лойиҳавий бурчи қай даражада ифодаланганлиги билан белгиланади. Дизайн маҳсулотининг эстетик қиймати унинг мақсадга мувофиқ эканлиги билан белгиланади.

Санъат асари қайси моддий тизимга мансублигидан, қайси муҳитда вужудга келганлигидан қатъи назар, мустақил қийматга эга.

Дизайн маҳсулоти эса нарсалар тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ундан ташқарида амал қила олмайди. Унинг эстетик қиймати ўз вазифаси – бурчини қандай бажариши билан мувофиқлаштирилган бўлади.

Илмий ижод билан шуғулланувчилар, олимларнинг салоҳияти, ижодий меҳнати натижалари ва самарадорлиги унинг эстетик маданияти даражасига бевосита боғлиқ. Олимнинг эстетик маданияти деганда унинг эстетик ҳис-туйғуси, илмий фаразси (фантазияси), илмий фаҳм-фаросати (интуицияси), рамзий тасаввурларни ҳосил қилиш қобилияти, тафаккурнинг ўзига хос

тасвирий умумлаштиришларга мойиллиги тушунилади. Эстетик омиллар илмий ижодга таркибан хос бўлиб, унга ёрдамчи омил вазифасини ўтайди. Илмий фараз (фантазия) эстетик ҳис-туйғу билан чирмашиб кетган.

Фаҳм-фаросат (интуиция) бадиий фаолиятда ўта мураккаб ва ривожланган шаклда намоён бўлса, фанда у воқеа-ҳодисаларни ақлий мушоҳада қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Фаҳм-фаросат (интуиция) ўзидан-ўзи вужудга келмайди. У барча билим ва ҳиссий қобилиятни, тажрибани ишга солишни тақозо этади. Фаҳм-фаросат (интуиция) ас-лида эҳтироссиз, илҳомсиз вужудга келиши мумкин эмас.

Фараз, фаҳм-фаросат, эҳтирос-илҳом эстетик характерга эга бўлиб, улар энг тоза ва ривожланган кўринишда санъатга тааллуқли-дир. Айни вақтда улар ижодий фаолиятнинг зарур қисмлари сифатида фанда ўз ифодасини топади. Улар фанга алоҳида-алоҳида тарзда эмас, балки биргаликда, аниқ тизим воситасида таъсир кўрсатади.

Энг яхши санъат асарлари илм-фан кишисида хаёл, фараз вужудга келтиради ва яхлитлик, нафосат ҳис-туйғусини уйғунлаштиради, ғайритабиий тафаккур қилиш қобилиятини оширади, эркин дунёқараш бахш этади, юксак мулоқот маданиятини шакллантиради, ҳозирги фан равнақи учун жуда муҳим аҳамият касб этадиган барча қобилият имкониятларини сафарбар қилишга ундайди.

**Таянч тушунчалар:**

Эстетик муносабат, эстетик муносабат объекти ва субъекти, онг, эстетик онг, эстетик ҳис-туйғулар, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик қараш ва назариялар, эстетик баҳо, эстетик фаолият, дизайн.

## 4-мавзу. Эстетиканинг асосий категориялари

Гўзаллик – эстетиканинг асосий категорияси;
а) эстетика тарихида гўзаллик муаммоси;
б) табиатда, жамиятда ва инсон фаолиятида гўзаллик;
в) санъатда гўзаллик.
Улуғворлик категорияси. Улуғворлик ва фожиалилик.
Фожиалилик ва кулгилилик категориялари. Санъатда кулгилилик турлари.

Эстетика фалсафий фанлардан бири сифатида ўз категорияларини ишлаб чиққан бўлиб, улардан асосийлари – гўзаллик, улуғворлик, фожиалилик, кулгилиликдир.

Эстетика фанининг барча муаммолари аслида гўзаллик муаммоси билан муайян даражада боғлиқдир. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил қилади. Ҳар қандай эстетик муаммонинг ечимини топганимиз сари гўзаллик янада ёрқин намоён бўлиб боради. Эстетик муносабатларни эстетик объект ва эстетик субъект табиатини инъикос этиш билан бирга гўзалликнинг у ёки бу томонлари ҳам мушоҳада этилади. *Гўзаллик* – бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиш қобилияти эса эстетик субъектнинг асосий хоссасидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг асосий қисмларига ҳам тааллуқлидир.

*Эстетик ҳис-туйғу,* энг аввало гўзалликни ҳис этиш жараёнини англатади. *Эстетик орзу* эса гўзалликни инсон хоҳлаган у ёки бу тасаввурлар тарзида ифодалайди. *Эстетик дид* бўлса кўп жиҳатдан шахс ва жамият нимани гўзаллик сифатида, нимани хунуклик сифатида идрок этишида намоён бўлади. *Эстетик қарашлар* гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги фикрларни англатади.

а) Мутафаккирларнинг айтишларига қараганда, гўзаллик ҳақида фикр юритиш ва уни баён қилиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли жараёндир. Гўзал, ижобий ҳис-туйғу уйғотадиган нарсани кўрсатиш осон. Лекин ўша нарса нима учун гўзал эканлигини тушунтириб бериш қийин. Гўзалликнинг табиати ва моҳияти ҳақида жуда кўп фикр-муло-ҳазаларнинг мавжудлиги унинг мураккаблиги, кўп қирралигидадир. Илмий тушунчалар тизимида ҳам гўзаллик муаммосини тушунтириш анча қийин. Шунинг учун гўзаллик муаммосига фалсафий ёндошиш зарур.

Қадимги юнон файласуфи Платон бу муаммони илк бор «Нима гўзал?» ва «Гўзаллик нима?» деган саволларга ажратиш билан тарихга гўзаллик ҳақидаги фалсафий таълимотнинг асосчиси бўлиб кирган эди. Гўзалликни у жонли, ҳиссиётли, ўзгарувчан нарсалар оламидан ажралиб қолган абадий руҳ - ғоя сифатида таърифлайди.

Гўзаллик туйғудан юқорироқ табиатга эга бўлгани учун уни фақат ақл воситасида англаш мумкин. Гўзаллик ҳақидаги бу «Платон йўналиши»

Ф.Аквинский, Гегель ижодида давом эттирилди. Гегель фикрича, мутлақ руҳ–ғоя гўзалликнинг намоён бўлишидир, санъат гўзалликнинг асл маконидир, гўзаллик бу аниқ турдаги ҳодисалар камолотининг намунасидир, яъни гўзаллик мукаммаллик ва камолот билан боғлиқдир. "Шундай нарса гўзалки, агар ундаги туғма белгилар тўла тарзда намоён бўлса, шундай инсон гўзалки, агар унда яхши инсоний фазилатлар ва сифатлар мужассамлашган тарзда кўринса". Инглиз файласуфи Д. Юм фикрича, гўзаллик нарсалар сифатини билдирмайди, балки нарсаларни мушоҳада қилаётган инсон руҳи даражасида амал қилади; яъни ҳар бир инсон руҳи ўзи белгилаган, таниган, англаган гўзалликни кўради. Бу таълимотларда гўзалликнинг маънавий мазмундорлиги масалалари акс этади.

Иккинчи йўналиш: Қадимги юнон мутафаккири Аристотелдан бошланади. Аристотель гўзалликни реал воқелик инъикоси сифатида талқин этади. У гўзалликни моддий оламнинг мослик, аниқлик, ҳамоҳанглик, мезон-ўлчовлик каби миқдорий ва маконли тавсифлари билан боғлаб мушоҳада қилади.

Аристотель фикрига кўра, гўзаллик заминида инсон ва нарсаларнинг бир-бирига мувофиқлиги, лойиқлиги, мослиги ақидаси ётади. Ўзининг мазкур ғоясини асослаш учун у «ўта кичик нарса гўзал бўла олмас эди, чунки оз вақт ичидаги тасаввур қоришиб кетади, ўта улкан нарса гўзал бўла олмас эди, чунки уни идрок этиш бирданига содир бўлмай, унинг бирлиги ва яхлитлиги йўқолиб кетади», - деб уқтиради. Гўзаллик муайян мезон – ўлчов кўринишдагина намоён бўлади. Унинг фикрича, гўзаллик сифатига нафақат табиат ҳодисалари, балки адолат, мардлик, саҳоват, донишмандлик каби яхши инсоний фазилатлар ҳам киради.

Уйғониш ва маърифатпарварлик даври эстетик қарашларида гўзалликнинг табиий қонунларини ишлаб чиқиш, уларни санъат соҳасига ҳам тадбиқ этишга уринишлар бўлган. Масалан, Дидро гўзалликнинг ички мазмундорлиги, санъат асарларига нисбатан ифода кучи ҳақида фикр юритиб, гўзаллик билан гўзалликни баҳолаш ўртасида субъектив омил муҳим ўрин тутишини таъкидлайди.

*Гўзаллик* – бу табиат, жамият, санъат ҳодисаси бўлиб, бирор нарсага ҳис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, маъна-вий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратилади. Гўзаллик ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисадир. Гўзаллик ҳамиша фойдали, лекин у алоҳида турдаги фойдали – у аввало, инсонга, жамиятга, тараққиётга маънавий фойда келтиради. б) Гўзаллик хилма-хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзаллигидан, фойдали-амалий фаолиятдаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзалликдан фарқ қилади. Лекин барчаси қандайдир умумий белгига эгадир. Мана шу умумий белги туфайли ҳодисаларни гўзаллик тушунчаси билан ифодалаймиз. Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос

бўлиб, уларни идрок этиш ҳайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ҳамоҳанг ривож-ланишига, унда энг яхши инсоний хислат-фазилатлар таркиб топишга кўмаклашади.

Инсон ҳамма ерда ва ҳар қандай даражада мавжуд табиий ҳамоҳанглик билан тўқнашар экан, у албатта табиат гўзаллигидан завқ-шавқ олади, маънавий бойлик орттиради. Ҳамма вақт ҳам табиатга эстетик муносабат ва табиатни эстетик ўзлаштириш, уни «инсонийлаштириш», табиат ҳодисаларига инсон талаб-эҳтиёжларини, мақсад-орзуларини ўтказиб татбиқ этиш билан боғланиб кетган.

Инсонда табиатга қандай муносабатда бўлиш туйғуси секин-аста, инсон зоти ва табиатда ривожланиш юз бергани сари шаклланиб борган. Масалан, ибтидоий санъат манзарали тасвирларни билмаган, табиат ҳодисаларининг гўзал ёки хунук эканлигини баҳоламаган. Улар ўз диққат-эътиборларини ҳаётнинг асосий манбаи бўлган нарсалар воқеа-ҳодисаларга (ҳайвонларга) қаратганлар. Кейинчалик, овчилик ўрнига (ёки у билан ёнма-ён) деҳқончилик кириб келиши, инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти атрофидаги табиатни ўзлаштира бошлаши билан, табиатнинг ўзи ижтимоий орзу мезонлари билан баҳоланади, инсон учун табиатнинг хунук ва гўзал томонлари аён бўла бошлайди. Гўзалликни юксак даражадаги фойдалилик тарзида инъикос этиш гўзаллик кўринишларидан фақат биттасини ўз ичига олади. Ҳозирги даврда инсоният улкан вайрон қилиш қудратига эга бўлган ишлаб чиқариш кучларига ҳам эга бўлиб қолди. Табиатга «ўзлаштириш» нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш ёвузликдан бошқа нарса эмасдир. Инсон табиат ҳақида қайғуриб, ундан оқилона фойдаланиб, айни вақтда табиий ҳамоҳанглик сирлари ичига янада чуқур кириб бормоқда. в) Санъатда гўзаллик ифодасининг таҳлили табиатдаги, ижтимоий ҳаётдаги, турмушдаги гўзалликни тушуниш учун ўзига хос калит вазифасини ўтайди. Санъат гўзалликнинг мужассамлашган ифо-даси бўлиб, худди шу маънода уни «нафосат қонунларига кўра ижод қилиш соҳаси» деб аташ ўринли бўлади. Инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида гўзаллик қонунларига риоя қилганда гўзаллик «ёрдамчи вазифа»ни бажаради. Санъат соҳасида эса унга риоя қилмаслик санъатнинг ўзини бемаъни, моҳиятсиз қилиб қўяди.

Санъатдаги гўзаллик – ҳаётдаги гўзалликнинг инъикоси бўлиб, гўзаллик яратувчи ижодкорларнинг бошқа одамлардан фарқи шунда-ки, у бошқалар фаҳмлай олмаган гўзалликни ҳамма ерда кўра олиш, фаҳмлаш, сезиш, ҳис қилиш қобилиятига эгадир. Санъат воқеликнинг барча эстетик қирралари ва сифатларини қамраб олади, ҳатто мудҳиш ва хунук ҳодисаларни тасвирлаётганида ҳам гўзалликни тарк этмайди.

Ўрта асрнинг жуда таъсирли оқимларидан бири Европа классицизми ижодкорлари юксак санъат аслида такомил ва гўзал бўлган, ижобий эстетик қийматга эга бўлган ҳодисаларни акс эттириши керак, деб қараган эдилар. Унинг вакиллари, шубҳасиз, жуда кўп бадиий қадриятлар яратганлар. Жаҳон

санъати хазинасига улкан ҳисса қўшганлар (Корнел, Расин, Баженов ва бошқалар). Лекин санъат тарақ-қиётини фақат чиройли ва юксак мавзу томон йўналтириш унинг кўламини чеклаб қўйди. Натижада воқеликдаги мавжуд бўлган гўзалликнинг кичик бир бўлаги қироллар ва саркардалар сиймолари орқали ҳаёт гўзаллиги бир томонлама тасвирланди. Оддий одамлар ҳаётининг бадиий ифодаси эса юксак санъатга лойиқ топилмади.

Санъатда гўзал қиёфани акс эттириш бошқа, қиёфани нафис тасвирлаш бошқа нарса. Чернишевский воқелик гўзаллиги санъатдаги гўзалликдан юқори туришини уқтиради. У ҳаётдаги гўзаллик бирламчи, санъатдаги гўзаллик иккиламчи дейди. Чунки ҳаётда гўзаллик бўлмаса, санъатда ҳам у ифода топа олмайди. Лекин у жиддий хатога йўл қўяди. Чунки ҳақиқий санъат дунё гўзаллигини фақат сурат аксинигина эмас, балки ундаги гўзаллик моҳиятини ҳам намоён этади.

Санъат ҳаётнинг бойлиги ва хилма-хиллигини, гўзаллик ва хунукликни, яхши ва ёмон хислатларни акс эттиради ҳамда унда эстетик орзу муҳим аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук нарсаларни акс эттириш мумкин. Лекин санъатнинг ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир! Чунки у ўз таркибига эстетик орзу, яъни гўзалликнинг зарурий хоссасини сингдиргандир.

Кўп асрлар давомида санъат эстетик орзуни рўёбга чиқаришнинг икки асосий йўналишини ишлаб чиққан:

1) Ижобий қаҳрамон рамзини яратиш, ижобий қаҳрамон – ижодкорнинг гўзаллик ҳақидаги эстетик орзусидир.

2) Салбий қаҳрамон – гўзалликнинг акси бўлган хунуклик, ярамаслик рамзи бўлиб, у ҳам эстетик аҳамиятга эга.

Санъатда илғор эстетик орзунинг бўлиши санъат гўзаллиги билан боғлиқ зарурий, лекин ягона бўлмаган омилдир. Санъат гўзаллиги унинг ҳаққонийлигидан ажралмаган ҳолда қарор топади. Бадиий ҳақиқатсиз санъатда гўзаллик бўлиши мумкин эмас.

Ҳақиқат ва гўзаллик бирлиги санъат тараққиётининг қонуниятларидан биридир. Шекспир «Гўзаллик қимматли ҳақиқат билан якунланиб, юз чандон гўзаллик кашф этади», дейди.

Санъатдаги гўзаллик шакл ва мазмун бирлигида яхлит мушоҳада этилади. Инсон фаолиятида камолотга, гўзалликка интилиш кўп жиҳатлардан энг мувофиқ шаклни излаб топишда кўринади. Бу шакл эса фаолият бурчига, вазифасига, мазмунига мос келишини тақозо этади. Шаклнинг мазмунга мос келиши санъатдаги гўзаллик мезонидир. Гап ижтимоий аҳамиятли, ғоявий илғор, ҳаёт ҳақиқатига эга бўлган мазмун ҳақида борсагина шаклнинг мазмунга мос келишига санъат гўзаллигининг мезонларидан бири сифатида қараш мумкин бўлади.

Санъатдаги гўзаллик, унинг бадиий қиммати ҳаётни ҳаққоний тасвирлаш, гуманистик ғояларни ифодалаш, шакл ва мазмун уйғунлигини яратиш билан белгиланади.

Воқеа-ҳодисаларнинг объектив эстетик аҳамиятини ифодаловчи қадрият сифатида гўзаллик субъектив эстетик баҳолаш орқали, кишиларнинг диди ва идеаллари воситасида қабул қилинади. Эстетик тарбиянинг муҳим вазифаси-кишиларда ҳақиқий гўзалликни тушуна олиш ва қабул қилиш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Улуғворлик категорияси эстетиканинг яна бир муҳим категориясидир. Қадимги эстетикада «улуғворлик» ибораси тантаналиги ва аҳамиятлилиги билан ажралиб турадиган нутқнинг алоҳида услубини тавсифлаш учун ишлатиларди. Улуғворлик муаммосига эстетик-назарий ёндашиш III аср нотиғи Лонгин ёзган «Улуғворлик тўғрисида»ги рисоладан бошланади. У улуғворликни нутқ гўзаллиги билан боғланиб кетган одатдан ташқари фикрлар ва эҳтирослар сифатида тушуниб, у инсонга ҳис-туйғули таъсир этувчи, уни қувонч ва ҳайратга солувчи куч деб уқтиради.

XVII аср инглиз олими Э.Бёрк фикрича, улуғворлик туйғусининг манбаи-даҳшат ёки шунга ўхшаш туйғулар кўзғатадиган барча нарсалар, воқеа-ҳодисалардир. Бёрк улуғворликни инсонга ҳис-туйғули таъсир ўтказиш шакллари ичида энг кучлиси бўлган қониқмаслик туйғуси билан боғлайди: Гўзаллик қониқиш асосидаги эстетик завқланиш бахш этса, улуғворлик даҳшат ва қониқмаслик туйғусининг вужудга келтиради.

Бошқа инглиз олими Т.Хоум фикрича, улуғворлик гўзалликдан фақат ўзининг кўлами билан фарқ қилади ва ижобий ҳис-туйғулар уйғотади. И.Кант фикрича, гўзаллик ҳам, улуғворлик ҳам қўпол, соф фойда маъносидаги манфаатдан холи бўлиб, ҳамма учун умумий аҳамиятли, мақсадга мувофиқлик ва зарурлик тасаввурларини ўзида мужас-самлаштиргандир.

Улар ўртасидаги фарқлар: агар гўзаллик сифатдан олинган қониқиш орқали вужудга келса, улуғворликнинг заминида миқдор тасаввури ётади; гўзаллик ҳамма вақт жозибали, улуғворлик эса гоҳ ўзига тортади, гоҳ ўзидан қочиради ва нисбий ҳис-туйғулар кўзғайди.

Чернишевский фикрича, улуғворлик табиий ҳодисаларга ҳам хос эстетик тушунчадир. Масалан, оддий шамолдан бир неча юз марта кучли бўрон улуғвордир, пасткаш ҳисоб-китоб ва интилишлардан юз карра кучли бўлган севги улуғвордир.

Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Табиатда улуғворлик тимсоллари: океанлар, осмон, денгизлар, шаршаралар, тоғлар. Уларнинг умумийлиги-улканлигида, кенг кўламлигида. Улуғворлик қувонч, ҳайратланиш, тан бериш, шунингдек, баъзида қўрқув ҳиссини уйғотади.

Ижтимоий ҳаётда улуғворлик қаҳрамонлик ва мардлик билан қўшилиб кетади, уларни алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш қийин. Улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифатлар мавжуддир. Фидойилар, қаҳрамонларнинг қиёфалари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворликни, ҳам мардликни намоён қилади.

Улуғворлик ва пасткашлик қийматлари ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги – яқин кунларгача улуғворлик тимсоли сифатида инъикос этиларди. Бундай муносабат экология бузилиши, Оролнинг қуриши, кишилар соғлиғининг ёмонлашишига олиб келди.

Табиат устидан ҳукмронлик қилиш эмас, балки у билан ҳамоҳанг бўлиш, ижтимоий фаол, ташаббускор, ижодкор шахсни шакллантириш – улуғворлик орзусининг асосий мазмуни.

Улуғворлик санъатда ҳар томонлама ифодаланади, чунки у санъатнинг асосий мавзуларидан биридир. Қаҳрамонлик достонлари, лирик достонлар, қаҳрамонлик мусиқа асарлари, меъморчиликда улуғворлик турлича тасвирланади.

Меъморчиликда улуғворлик алоҳида аҳамият касб этади. Меъморчиликда улуғворлик фақат миқёс ўлчови билан ўлчанмайди. Масалан, айрим обидалар ўзларининг кенг кўлами билан улуғворлик касб этсалар, бошқалари ўта нафислиги, нозик ифодаси, ҳамоҳанглиги, атроф-муҳит билан узвий қўшилиб кетганлиги билан катта аҳамият касб этади. Масалан, Бобил минораси, Минораи Калон, Миср пирамидалари, Тож Маҳал кенг кўлами билан улуғворлик касб этса, Амир Темур даҳмаси, Шоҳизинда, Регистон майдони, Мир Араб мадрасаси, Исмоил Сомоний мақбараси ўзига хослиги билан улуғворлик ҳиссини уйғотади.

Санъатда улуғворлик баъзида фожиалилик билан ёнма-ён намоён бўлади. Масалан, Шекспир асарлари, Шашмақом, баъзи меъморий обидалар бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворлик, ҳам фожиалилик руҳи билан суғорилган бўлади. Лекин ҳар доим ҳам эмас. Масалан, Регистон – улуғвор, лекин фожиали ҳис уйғотмайди, Макбет хоним фожиали, лекин улуғвор эмас.

Фожиалилик ва кулгилилик эстетик категориялари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада қилинади. Фожиалилик ва кулгилилик ижтимоий хусусиятга эга тушунчалардир. Улар ёлғиз инсонга хосдир, фақат ижтимоий муносабатлар жараёнидагина намоён бўлади.

Фожиалилик ва кулгилилик ўзаро боғлиқлиги ҳаётнинг мурак-каблиги, зиддиятлилиги, ҳаракатчанлигидан келиб чиқиб, уларни сан-ъат ёрдамида яхшироқ англаймиз. Санъат асарларида фожиалилик ва кулгилилик яхлит намоён бўлади. Кўп ҳолларда фожиалилик ва кулгилиликнинг узвий чирмашиб кетиши илдизлари ижодкор истеъдодига бориб тақалади.

Масалан, Шекспир асарларида фожиали ва кулгили томонлар шу қадар чирмашиб кетганки, уларнинг бирини иккинчисисиз англаш қийин.

Фожиалилик муаммоси ҳар доим, фалсафий ва эстетик тафаккур эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Фожиалиликда воқеий ҳаётнинг чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари ҳаёт ва ўлим, озодлик ва зарурат, ақл ва туйғу, қонун ва бурч, шахсий ва ижтимоий хусусиятлар намоён бўлади.

Шекспир ва Софокл асарлари, Достоевский, Шолохов рўмон-лари, М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек» саҳна асарлари фожиа санъатига мисол бўлади.

Фожиа санъати – инсониятнинг доимий ҳамроҳи. Инсон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун бир умр интилади, курашади. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида ижтимоий адолатсизликлар, му-носабатлардаги хилма-хиллик, санъатда фожиали оҳанглар туғили-шига сабаб бўлади.

Кулгililик категориясида ҳам инсоннинг воқеа-ҳодисаларга муносабатларидан бири ифодаланади. Кулгили ҳолатларга фақат инсонгина кулги билан жавоб беради. Кулгилилик хунуклик билан боғлаб мушоҳада қилинади, хунукликнинг ўзи кулгили эмас, балки унинг гўзаллик даъво қилиши ва ўзини гўзаллик ўрнига қўйиши кулгилидир.

Кулгилилик бошқа эстетик ҳодисалар сингари ташқи ва ички томонларни ўзида бирлаштиради.

Кулгилиликнинг ички томони – кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир. Ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиши натижасида хилма-хил кулгили, беўхшовликларни кўриб, англаб, уларга кулги билан жавоб бериш қобилиятининг ифодасидир.

Кулги инсоннинг руҳини кўтаради. Кулгилиликнинг ҳар хил кўринишлари санъатнинг архитектурадан бошқа деярли барча турларида намоён бўлади ва комедияда ўзининг тўла эстетик ифодасини топади. Кулгилилик тушунчаси комик тушунчадан кенгроқдир. Комик воқеа ижтимоий ва эстетик аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир. Комедияда комик матн бўлади. Гоголь «Комедия учун қийшиқ бурун эмас, қийшиқ жон керак» дейди.

Санъатда кулгилик турлари:

Латифа – кулгили ёки энг содда комик воқеа.

Пародия – ҳажвий ўхшатма.

Сатира (масҳара) – ҳаётнинг салбий ҳодисалари устидан аччиқ кулиш.

Юмор (ҳазил-ҳажв), сарказм, лоф, аския, карикатура ва ҳ.к. санъатда кулгилилик турларига мисол бўлади.

Кулгилиликнинг барча шакллари қанчалик эркин намоён бўлиш имкониятларига эга бўлиб борса, шунчалик кўп аҳамият касб этади. Беозор ҳазил-ҳажв туйғуси инсон ҳаётининг кулгили томонлари, унинг барча қирра ва зарраларини илғаб олиш ва фаҳмлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради ва у борган сари шахснинг маънавий-руҳий камолоти кўрсаткичи бўлиб бораверади.

**Таянч тушунчалар:**

Эстетика категориялари, гўзаллик, Платон, Гегель, Аристотель, классицизм, улуғворлик, Кант, Берк, Хоум, фожиалилик, кулгилилик, комедия, сатира, юмор.

## 5-мавзу. Санъат–ижтимоий онг шакли. Санъат турлари

1. Санъатнинг вужудга келиши ва ривожланиш қонуниятлари.
2. Санъат ижтимоий онгнинг махсус шакли сифатида.
3. Бадиий образ-воқеаликнинг санъатдаги ўзига хос инъикоси.
4. Санъат турлари.

Санъат – кенг маъноли тушунчадир. Масалан, қадимги юнонлар мусиқа, рақс, назмни санъат деб билар эдилар. Ўрта асрларда эса санъат таркибига тасвирий санъат, касалларни даволаш ва дорихона ишлари ҳам киритилган. Бугунги кунда «санъат» сўзи «воқеликни бадиий тимсоллар воситасида ижодий акс эттириш», «ишнинг кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёни», «ҳар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси» маъноларида қўлланилади.

Санъат тушунчасининг талқин этилиши бежиз эмас. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроки, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос исътедо-ди намоён бўлади. Ва ниҳоят, санъат инсоннинг маҳорати билан чам-барчас боғланиб кетгандир.

Санъат кенг маънода санъат асарлари (бадиий қадриятлар) билан бирга уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади. Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида Испания, Саҳрои Кабир ва бошқа манзилларда учрайдиган ғорларга ўйиб туширилган ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари ҳозирги давр нуқтаи назаридан юксак эстетик қийматга эга. Бу тасвирларда ҳар бир нарса турининг мезонига мос ижод қилиш, яъни нафосат қонунларига риоя қилиш, вазн туйғуси, тенглик акси, уларни яратиш жараёнидан олинадиган қувонч каби эстетик фаолиятнинг муҳим белгилари мавжуд. Бу ёдгорликлар инъикос этиладиган бадиий фаолият куртаклари эндигина кўриниб келаётган инсон эстетик фаолиятининг натижалари эди.

Инсон бадиий ғояларнинг моддий ифода топиши учун зарур бўлган қурол ва воситалар яратиб, ўз кундалик ҳаёти мазмунини бойитишга интилади. Дарҳақиқат, узоқ ўтмишдаги аждодларимиз яратган тош қуролларсиз бирор бир энг содда накш ёки ғояларга туширилган тасвирлар вужудга келиши мумкин бўлармиди? Демак, санъат меҳнат билан уйғун тарзда ривожланиб борган. Шу боис бадиий фаолият шакллари инсон меҳнати заминида вужудга келиб, бевосита меҳнат жараёнлари билан чирмашиб кетган.

Бадиий фаолиятнинг энг қадимги шакллари ҳали бир-биридан ажралмаган, яхлит ибтидоий жамоа маданиятининг бир қисмини ташкил этган бўлиб, афсонавий (мифологик) бўёқларда ифодаланган.

Афсоналарда диний мазмун кенг ўрин олган. Миср афсоналари асосан диний ибодат мазмунига эга. Юнон афсоналаридаги диний мазмун-юнон санъатининг хазинасигина бўлиб қолмай, балки унинг заминини ҳам ташкил этади.

Санъат куртаклари мураббий-тарбиячи вазифаларини ҳам бажарган. Тасвирлар, нақшлар, рақслар, эртак-афсоналарда авлоддан-авлодга ўтиб турган амалий, ахлоқий эстетик тажриба мужассамлашган эди. Бадиий фаолиятнинг илк шакллари уюштирувчилик, бирлаш-тирувчилик вазифаларини ҳам бажарган. Ҳаётда яшаш учун кураш мақсадида жипслашган ва ягона туйғу жўш уриши билан бирлашган бутун жамоа хатти-ҳаракатлари, уринишлари воситасида қўлга кири-тилиши мумкин бўлган ғалаба – овда ҳайвон устидан ғолиблик (ов-нинг самарали бўлиши) санъатда тасвирланиб, у қадимги одамлар жипслашишининг энг муҳим омилларидан бири бўлган эди.

Бадиий фаолиятнинг илк шаклларидаёқ санъатнинг жуда кўп белги ва хоссалари кўриниб туради. Лекин уларда якка шахс омили етишмайди. Қадимги одамлар фақат уруғ ва қабила учун умумий бўлган ҳис-туйғу ҳамда тасаввурлар билан яшаган, ўзини воқеаликдан ажратолмаган эди. Санъат эса бошидан охиригача шахсдан бошланади, шахс билан шаклланади, шахс билан қадр топади.

Қадимги одамлар бадиий фаолияти жараёнида табиатнинг рамзий-тимсолий акс эттиришда инсоннинг муаллифлик «қўли» услуби пайдо бўлади. Бадиий рамз – тимсол муаллиф-ижодкорнинг бетакрор истеъдодини намоён қилди.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг махсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қилади.

*Санъат биринчи навбатда ижтимоий онг шаклидир.* Унинг барча тавсифлари ана шу сифатидан келиб чиқади ва шу таҳлилга асосланади.

Санъат ижтимоий турмуш жараёнлари билан боғлиқ. Буни қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга, яъни ўзларига маъқул, кўнгилларига хуш келадиган нарсалар яратишга бўлган иштиёқларида яққол кўриш мумкин бўлади. Ижтимоий тур-муш санъатнинг ривожланишига бевосита таъсир ўтказа борди, кейинчалик эса ижтимоий тузилмалар, фалсафий-диний, сиёсий қарашлар, ахлоқий қоидалар, маънавий қадриятлар орқали ҳам таъсир ўтказа борди.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб, ўзига хос қонуниятлари, вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказа боради, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришларини рағбатлантиради.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд. Ҳар қандай бадиий ҳодиса – муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний, ахлоқий амалларнинг таъсир кучи даражаси билан белгилана-дилар, баҳоланадилар, ўлчанадилар.

Санъатнинг тараққиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури кўринишининг ёрқин ифода топиши аниқ ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гуруҳий кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт хусу-сиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган мақомига албатта боғлиқдир.

Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик қонуниятининг намоён бўлиши билан ҳам боғлиқ. Ворисийлик фақат санъатга хос бўлган ҳодиса эмас. У ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларига тааллуқлидир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва ҳуқуқий онг соҳаларида кўпроқ намоён бўлади. Ворисийлик маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида мавжуд. Аммо ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи иқтисодий заминдан анча йироқ бўлган санъатда ворисийлик ёрқин, тўла, ҳар томонлама тарзда намоён бўлади. Санъатнинг ҳамма қирралари – мавзу йўналиши, ғоявий-руҳий қоида ва оҳанглари, ижодий ақидалари, услуби, тур ва шаклларининг ифодали воситалари ворисийликда айниқса бўртиб кўринади.

Ворисийлик хеч қачон ижодкорнинг шахсий «инжиқликларига» бўйсунмайди. Ҳар бир ижодкор санъатда бирор бир янги нарса яратар экан, у ўзидан аввалги бадиий, ғоявий-руҳий, услубий тур ва шакллар ифода воситаларига таяниб ижод қилади.

Ижтимоий онгнинг бошқа шаклларида бўлганидек, санъатда ҳам билиш ва мафкура бир-бири билан чирмашиб, ўзаро боғланиб кетган. Турли тарихий босқичларда ва санъатнинг турли кўринишларида билиш ва мафкура ўзаро мутаносибликда амал қилади.

Ижтимоий онгнинг ҳар бир муайян шакли воқеликнинг бир томонини акс эттиради. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида воқеликни бадииий билиш-англаш жараёнида унинг воқеликнинг бадиий-тасвирли шаклда англаш манбаларидан бири бўлиб инсон майдонга чиқади.

Санъатда инсон ҳамма вақт ҳам бевосита ифодаланмайди. Масалан, санъатнинг манзара тасвири ёки натюрморт турида инсон қиёфаси ифодаланмайди. Бу ҳол инсон мазкур санъат асарларида акс этмайди дегани эмас. Манзара тасвири инсон ҳис-туйғуларининг энг нозик ва энг жозибали қирраларини намоён этади.

Санъат нафақат инсоннинг ўзини, балки унинг идрок этиши мумкин бўлган барча нарсаларни, воқеа – ҳодисаларни акс эттириб, ҳис-туйғу уйғотади.

Санъат маънавий ҳаётда содир бўлаётган ҳар қандай ўзгаришларга муносабат билдиради, давр маънавий муҳитининг ҳамма томон-ларини ифодалайди, ижтимоий тафаккур руҳини акс эттиради.

Санъат воқеликни бадиий образ (қиёфа) ёрдамида акс эттиради. Санъат ва бадиий образ тушунчалари бир-бирини тўлдиради, бойита-ди, изоҳлайди.

Санъат бадиий образ воситасида тўла намоён бўлади. Бадиий образ санъатнинг муҳим «катакчаси»ки, унингсиз санъат амал қилмайди, бадиий образ санъатнинг бош хусусиятини белгилайди. Шу боис бадиий образ санъат табиатини очиб беришда асосий босқичдир. Санъат сири кўп жиҳатлардан бадиий образ сири билан чамбарчас боғлиқдир.

Қадимги даврлардан бошлаб бадиий образ сирини англашга интилиб келинмоқда.

Образ тушунчаси билиш назариясининг таркибий қисмидир. «*Образ*» деб инсон онгида нарса ва ҳодисаларнинг акс этиши тушуни-лади. Инсон ўзининг сезгиси, идроки, тасаввури, тушунчаси ва шу кабилар орқали ташқи дунёни ***образ*** шаклида англайди.

Бадиий образ манбаи «жонли ҳаётдир». Бадиий қиёфа воқеликни қайта англаш бўлиб, эстетик тушунчалар сирасига киради.

Бадиий образ хусусиятларини инсон билиши жараёни умумий қонуниятларидан ажратиб мушоҳада этиши мумкин эмас. Бадиий қиёфа билишнинг бир туридир. Билиш қонуниятлари санъатда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади, бадиий қиёфа эса жонли мушоҳада ва мавҳум тафаккур белгиларига эга бўлса-да, уни ҳам, буни ҳам англатмайди. Бадиий образ – ҳаёт каби мураккаб, сермазмун. Санъатда ҳаётнинг ҳамма мураккабликлари, қирралари, муносабатлар мажмуи бадиий образда умумлаштирилади, унда ташқи (*объектив*) ва ички (*субъектив*) томонлар мавжуддир.

Санъаткорнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари, режалари манбаи бўлган воқеа-ҳодисалар, турли вазиятлар, тўқнашувлар бадиий образнинг ташқи (объектив) томонидир. Бадиий қиёфа ташқи дунёни инсон эҳтиёжларига мутаносибликда акс эттиради, яъни ҳаётни эстетик қадрият сифатида ифодалайди.

Бадиий образнинг ички (субъектив) томони санъаткорнинг ҳис-туйғулари, мўлжаллари, баҳолашлари, кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидларидир. Ташқи дунё таассуротларидан санъаткор-ижодкор онгида ҳосил бўлган буларнинг барчаси санъаткорнинг ички дунёсини ташкил этиб, у яратган бадиий образларда ўз ифодасини топади.

Санъатда якка шахс туйғуси санъаткор – ижодкор фаолиятига хос тарзда у яратаётган бадиий қиёфалар мазмунига сингиб кетади. Санъаткор кечинмалари билан тўйинтирилган бадиий образга ҳеч нарса тенг келмайди. Шу боис санъаткорлар бош қаҳрамонларини «мен – ўзим» деб таърифлайдилар.

Бадиий ижод ҳамма вақт яккаш кечинмалар, ҳис-туйғулар билан суғорилган бўлади. Санъатда «шахсийлик» бадиий образ яратилишининг зарур шартидир. Масалан, санъатнинг янги тури бўлган бадиий сураткашликни олиб кўрайлик, қандай ҳолатда сурат (фото) бадиий даражага кўтарилади? Бунда техник акс билан санъат асарини қандай ажрата олиш мумкин? Суратни яратаётган одамнинг акс эттираётган объектга бўлган шахсий муносабати

махсус масофа, услуби, мавзу назарияси, нур-соя мутаносиблиги орқали ифода этилсагина ўша сурат санъат асари бўла олади.

Эстетика назариясида бадиий образ яратишнинг ички (субъектив) томони «санъаткор ижодий яккахонлиги ёки яккашлиги» (индивидуаллиги) деган тушунча билан изоҳланади. Ижодда яккахонлик (яккашлик) мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у воқеа-ҳодисаларни танлашда, уни баҳолашда, аниқ бўлак ва қисмларини ажратишда тур ва услуб майлида, биринчи навбатда, санъаткорнинг воқелик ҳақидаги тасаввурларида намоён бўлади. Ижод усули, ранго-ранглик хусусияти, мавзу танлаши каби қолган барча томонлари санъаткор дунёқарашини ифодалашга бўйсундирилган бўлади.

Бадиий образ ички ва ташқи томонларининг боғлиқлиги саҳна санъатида ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Ижодкор яккашлиги бу ерда алоҳида образлар талқинида, асарнинг услуб тизимида ва ҳатто санъат тури ечимларида ўзига хос ифодаланади. Масалан, фал-сафа фанлари доктори, профессор Эркин Умаров “Эстетика” китобида тўғри таъкидлаб ўтганидек, ўзбек саҳна санъатининг атоқли намоён-даларидан бўлмиш Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Баҳодир Йўлдошев ка-би ижодкорлар саҳналаштирган «Алишер Навоий», «Жалолиддин Мангуберди», «Отелло», «Гамлет», «Қирол Лир», «Мирзо Улуғбек», «Тошболта ошиқ» асарларида муаллифлар услуби ва жанрини сақлаш билан бирга барча саҳналаштирувчи режиссёрлар ҳар бирининг иродаси, услуб ва тур майли, санъаткор шахси хусусиятлари акс эттирилган.

Саҳна асарларида бадиий образ актёр ижроси орқали намоён бўлади, актёр яратган образ драматургни илҳомлантирган ҳаётий ҳодиса ифодаси бўлиши билан бирга актёр ижодий меваси ҳамдир.

Санъатда ҳис-туйғу муҳим восита сифатида изоҳланади. Санъат инсониятнинг эзгулик томон ҳаракати учун зарур бўлган ўзаро мулоқотлари воситаси бўлиб, уларни муайян ҳис-туйғулар билан боғлайди. Лекин санъат одамларнинг ҳис-туйғуларини, тафаккурларини мавҳум тарзда эмас, балки жонли бадиий қиёфаларда акс эттиради. Аслида инсон ҳис-туйғуларсиз ҳаёт моҳиятига, хусусан, санъат туб мазмунига шу вақтга қадар етиб бўлмаган ва бундан кейин ҳам етиб бўлмайди.

Санъатда ҳис-туйғулар фандагига нисбатан ўзгача сифатга эга бўлади. Фан-техникада, илмий изланишларни йўналтириб туришда ҳис-туйғулар катта аҳамият касб этса-да, тадқиқот натижаларида бевосита кўзга ташланмайди. Санъат эса ўзига хос ҳис-туйғулар, кечинмалар хазинасидир.

Санъатда ҳис-туйғулар бадиий қиёфа яратилишининг шарт-шароитларини, унинг моддий заминини ташкил қилади. Бадиий ҳис-туйғулар оддий, кундалик турмуш ҳис-туйғуларидан ҳам, илмий ҳис-туйғулардан ҳам фарқланади. Бадиий ҳис-туйғулар умумлаштириш ҳосиласи бўлиб, уларда бир киши ёки бир гуруҳ одам тажрибаси эмас, балки одам авлодлари орттирган ижтимоий-тарихий тажриба жамланган. Руҳшунос олимлар фикрига кўра,

турмушдаги оддий ҳис-туйғулар санъат орқали ижтимоийлашади ва оқил ҳис-туйғулар сифатида қарор топади.

Санъатда воқелик – жузъий ва умумий томонлар бирлигида акс эттирилади. Бу эса ўз навбатида бадиий образларни ҳаёт ҳодисалари боғлаб туради, мазкур жараён санъатни фалсафа билан яқинлашти-ради.

Бирор ижтимоий фикрни бадиий образ орқали лўнда ифода этиш қобилияти бадиий истеъдоднинг таркибий қисмидир. Лўнда ифода этиш бадиий дид, санъаткор шахси, асар турининг услубий йўналиши билан боғлиқ.

Санъатда ҳаёт нусхаларини тасвирлаш, яъни уларни туркумлаш якка ҳолдаги бадиий образ яратиш жараёни билан бирга кечади.

Санъатда бадиий қиёфа мазмун ва шакл тушунчалари орқали ёрқинроқ англашилади. Санъат мазмуни ва шакли масаласи эстетик назарияда муҳим ўрин тутади. Санъатда мазмун ва шакл асарни бадиий идрок этиш хусусиятлари, маҳорат масалалари каби бадиий маданият назарияси ҳамда амалиётнинг ўзак масалалари билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Санъатда мазмун ва шакл бир-бирини изоҳлайди. Шакл муайян бир мазмунни ифодаласа, мазмун ҳам муайян шаклда намоён бўлади. Ҳар бир нарсанинг ўзгариши, аввало, мазмун ўзгаришидан бошланади. Мазмунга бўйсунадиган шакл бирлигида мазмун етакчилик қилади. Мазмунга бўйсунадиган шакл ҳам нисбий мустақилликка эгадир.

Санъат мавзуи муайян асар мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. Санъат мазмуни ёки бадиий мазмун мавзудан фарқли равишда бутун воқеликни эмас, балки акс эттирилган воқеликни англатади.

Эстетика назариясида бадиий асар мазмуни бир қанча тушунчалар орқали ифодаланиб, улар орасида мавзу ва ғоя тушунчалари алоҳида аҳамият касб этади.

*Мавзу* – кўп маъноли тушунчадир. Воқеа-ҳодисалар мажмуи, иқтисодий, ахлоқий, фалсафий, руҳий муаммолар мавзу атамаси билан изоҳланади. Мавзу тушунчаси, аввало воқеа-ҳодисалар доирасини белгилаш мақсадида қўлланилади. Баъзан мавзу тушунчаси турли муаллифлар ижодига хос бўлган мазмуний умумийликни кўрсатиб туради.

Мавзу тушунчаси кўп ҳолларда санъат асарида акс эттирилган ҳаётий ҳодисалар доирасини белгилаш учун ишлатилади. Муайян асар мавзуи воқеа-ҳодисалар доирасидан танлаб олиб, уларни мушоҳада этиб, баҳолаб бўлинганидан кейин вужудга келади. Шубҳасиз, мавзу табиатидан асар қиймати ҳам келиб чиқади.

Санъатнинг кўпгина турларида мавзу сюжет орқали намоён бўлади. Сюжет асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кет баён қилинишидир. Мавзу ва сюжет бир-бирини тақозо этади. Сюжет ҳам мазмунга, ҳам шаклга алоқадор ҳолда намоён бўлади.

*Ғоя* тушунчаси асарнинг ижтимоий мазмунини англатади. Ба-дий ғоя мавзу билан бир бутун ҳолда намоён бўлади. Ғоя ва мазмун бирлиги муайян асар тизимида яққол кўринади.

Буюк санъаткорлар ўз асарлари ғоясини санъат воситалари орқали ифодалаш истеъдодига ҳам эга бўладилар. Бадиий асарнинг ғоявий мазмуни – санъаткорнинг воқеликка муносабати асосида унинг орзулари нуқтаи назаридан яратган ҳаёт ҳақиқатидир. Асарда тасвир-ланган воқеа-ҳодисалар қанчалик сермазмун, бой, ёрқин, кўп қиррали бўлса, унинг ғоявий мазмуни шунчалик ишонарли ва жозибали бўла-ди. Бадиий асар ғояси ҳамма вақт яхлит хулоса бўлиб, уни ўқувчи, то-мошабин, тингловчи тайёр ҳолда эмас, балки асарни идрок этиш жа-раёнида ўз фаҳм-фаросати билан ўзлаштиради. Санъатнинг барча тур-лари бадиий шаклга эга бўлиб, у кўпроқ асар тузилиши (*композиция*) билан боғлиқ. Асар тузилиши (композиция) – бу асарнинг ички тузи-лиши, таркиби, яъни мазмуннинг яхлит ифодаси, унинг қисмлари *(сюжети*) мутаносиблигини англатади.

Санъат асари бирор шаклда ифодалансагина ўзининг асл қийма-тига эга бўлади, натижада шакл мазмунни уюштирадиган усул бўлиб хизмат қилади.

Санъатда шакл билан мазмун шу қадар мустаҳкам бирликни ташкил этадики, уларни фақат назарий таҳлил жараёнидагина алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш мумкин. Мазмун билан шаклнинг қўшилиб кетганлиги унинг ички бўлагида яққол намоён бўлади. У бадиий режа таркибидаёқ мазмун билан бирга вужудга келиб, мазмунни ташқи шакл билан боғлаб туради, унинг иштирокисиз санъат асари воқелик омили ва эстетик идрок мавзуи бўла олмайди.

Бадиий тузилиш маҳорати бадиий маҳоратнинг таркибий бўлагидир. У биринчи навбатда санъаткор яратган ҳаёт манзарасига яна нимани қўшиши ҳақида эмас, балки ундан яна нимани чиқариб ташлаши лозимлигини англатади.

Санъат тили муҳим жиҳатлари билан оғзаки баён тилидан фарқ қилади. Ҳатто бадиий тилни *сунъий тил* деб ҳам юритадилар, чунки у бадиий мазмунни ифодалаши орқали одамлар ақли ва сезгисида таъсир ўтказиш учун «сунъий» шаклланган бўлади.

Санъатда идрок этиш мазмуни адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат асарининг томошабин ёки ўқувчи онгида акс этишидир.

Санъатни идрок этиш инсонга ҳамма вақт ўзини яхши билиб олиш имкониятини туғдиради. Санъат асаридан эстетик қониқиш ўқувчини санъатнинг янги-янги қирраларини кашф этишга жалб қилади.

Санъатнинг айрим турларга бўлиниб кетганлиги узоқ давом эт-ган тарихий тараққиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳаларига – турларга бўлинмаган эди. Кейинчалик санъатнинг бир неча турлари қарор топди.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: *адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тас-вирий санъат* ва ҳ.к.лар

ўзига хос муҳим кўринишда намоён бўлади. Санъат турларида хусусийнинг умумийга нисбатини кўрамиз. Эстетик тафаккурнинг тур ҳосил қилиш манбалари икки йўналишда вужудга келган. Манбанинг *биринчи йўналиши* – воқеликнинг мураккаблиги, кўп қиёфалиги, ҳар томонламалигидир. Масалан, санъат у ёки бу ту-рининг вужудга келиши унинг воқеликнинг қайси томонини акс этти-ришга қаратилганлигидир. Назм ва тасвирий санъат турлари бир-бирига қиёсланганда, уларнинг мавзулари бошқа-бошқа бўлиб, мавзу хусусиятлари эса, тасвир воситаларидан келиб чиққанлигини кўрамиз. *Иккинчи йўналиш* – инсон ҳис-туйғуси бойлиги, идрок этиш хусусият-лари, инсон маънавий қобилияти билан боғлиқ.

Санъат турлари ўз тасвирий-ифодавий воситалари тизимига эга. Адабиётда сўз, тасвирий санъатда – ранг, ёруғлик, чизиқ, нур-соя, мусиқада – оҳанг, мақом, вазн, ҳайкалтарошликда – ҳажм, ўлчам, меъморчиликда – мутаносиблик тизими амал қилади.

Санъат турлари бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Уларнинг ҳар бири мустақил, ўзича нодир, бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради, ўша тури бу инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашда бошқа турларга нисбатан устувор ўрин эгаллайди ва муайян чекланганлик хусусиятига эга бўлади.

Санъат турлари тенг асосда ҳаракат қилиб, воқеликни акс эттиришда бир тур бошқа турларга нисбатан устувор даражада намоён бўлади. Масалан, санъатнинг билиш вазифаси бадиий адабиётда ва у билан боғлиқ бошқа турларда алоҳида бўрттириб кўринади, мусиқа инсон ҳис-туйғу маданияти, тасвирий санъат синчков кузатиш маданияти, очиқ саҳна ва цирк санъати эса кўнгил очиш, томоша маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Санъат турлари бир-бирининг ўрнини боса олмаганидек, уларнинг ривожланишида «нотекислик» қонуниятига бўйсунишини ҳам кузатиш мумкин. Турли тарихий даврларда турли халқлар ҳаётида ўз даврининг бадиий образини белгилаб берадиган санъатнинг у ёки бу тури етакчи аҳамият касб этади. Қадимги Мисрда барча санъат турла-ри ривожланган бўлиб, улар орасида меъморчилик, Ҳиндистонда мусиқа, Хитойда ранг-тасвир, Эрон ва Туронда халқ амалий санъати, Юнонистон ва Римда ҳайкалтарошлик равнақ топган эди.

Санъат турлари тизимида бадиий адабиёт муҳим ўрин тутиб, у бошқа турлар ривожига ҳам таъсир ўтказади. Бадиий адабиёт театр ва кино санъатининг илк асосини ташкил этади. Унинг мусиқа ва тасвирий санъатга ҳам таъсири сезилиб туради.

Санъат турлари ўзаро таъсир ўтказишининг энг олий шакли – бу *қоришма (синтез)* санъат турлари бўлиб, улар хилма-хил, ранго-ранг кўринишларга эга.

Синтез кўринишлари театр, кино, очиқ саҳна, цирк ва ойнаи жаҳон каби санъат турларида яққол кўзга ташланади. Санъатда қоришма (синтез)га интилиш ҳозирги давр бадиий маданиятида санъат қоришма турларининг алоҳида аҳамият касб этишида, бадиий ижод турлари ўзаро таъсирининг

кучайишида, бир санъат тури тасвирий-ифодавий воситаларидан бошқа санъат тури тобора кенг фойдаланаётганлигида ва, ниҳоят, санъаткор воқеликни кенг қамровли мушоҳада қилишида намоён бўлаётир.

Санъат турларида қўлланадиган ижод техникаси ёки санъат техникаси ҳам жиддий аҳамиятга эгадир. Санъат техникаси санъаткор ижод дастурида танланган санъат турининг тасвирий-ифодавий воситаларини пухта ўзлаштирганида намоён бўлади.

Санъат турлари юксак ифодалилик қонунига бўйсунадилар. Санъаткор хилма-хил моддий воситалардан ўз бадиий режасини энг катта куч ва тўлақонли ифодалаш имконини берадиганларини танлаб олади.

Санъатни ҳозир фазоли, вақтли, фазоли–вақтли кўринишларига бўлиб ўрганиш таомилга кирган. *Фазоли* кўринишга тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, чизиқли расм, амалий санъат ва меъморчилик, *вақт-ли* кўринишга бадиий адабиёт, мусиқа, *фазоли-вақтли* кўринишга эса театр, кино, ойнаи жаҳон киради.

Санъат турларининг бундай кўринишларга бўлиш асосини, биринчидан, бадиий асар услуби ва шакли, иккинчидан, у ёки бу санъат туридаги воқелик ҳодисаларининг фазоли ёки вақтли тавсифларини кўпроқ акс эттириш қобилияти ташкил этади. Мазкур икки асос ўртасида алоқадорлик ва боғлиқлик мавжуд.

Санъат ҳодисаларнинг аниқ-туйғули қиёфасини акс эттириши ёки акс эттирмаслигига қараб тасвирли ва тасвирли бўлмаган кўринишларига ҳам эгадир. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда ҳаёт манзаралари воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратиш орқали намоён бўлса, адабиёт ва мусиқада ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйғулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади.

Санъат турлари идрок этилиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади, улар кўз билан кўриладиган асарлар бўлиб, *томошали санъат турлари* деб аталади (ҳайкалтарошлик, меъморчилик). Театр санъати эса ҳам томошали, ҳам эшитиладиган санъат туридир.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил соҳаси бўлиши билан бирга инсон фаолиятининг бадиий бўлмаган соҳалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Санъат турлари хусусий-бадиий бурч-вазифалар билан бирга, фойдали-амалий бурч-вазифаларни ҳам бажарадилар.

Ҳозирги давр бадиий маданиятида санъат ва бошқа соҳалар ўртасидаги чегаралар тобора емирилиб бормоқда. Улар ўртасида самарали ҳамкорлик жараёнлари шаклланмоқда. Айниқса, бу ҳамкорлик санъат ва фан-техника алоқаларида яққол кўринади.

**Таянч тушунчалар:**

Санъат ижтимоий онг шакли, ворисийлик, бадиий образ, бадиий образнинг объектив томони, субъектив томони, мазмун ва шакл, мавзу, сюжет,

ғоя, композиция, санъат тили, адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик.

# МАНТИҚ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА тарихи

## Р Е Ж А

1. Мантиқ фанининг предмети ва ўрганиш объекти.
2. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари.
3. Мантиқ фанини ўрганишнинг зарурлиги ва ахамияти.

Мантиқ арабча сўздан олинган бўлиб сўз, фикр, ақл маъноларини билдиради (ёки Логика, юнонча – ***логике,*** деб хам аталади). У икки хил маънода қўлланилади: агар сўз нарсаларнинг таркиби, боғланиши устида борса – объектив; фикрлар боғланиши хақида борадиган бўлса – субъектив мантиқ бўлади.

Мантиқ тафаккур қонунлари, шакллари ва усулларни ўрганадиган яъни, мантиқ (логика), тафаккур мантиқи, нарсалар мантиқи ёки объектив мантиқ инъикосидир. Демак, мантиқ инсон тафаккурининг шакллари қонун - қоидалари хақидаги фандир.

Бу мавзуни ўрганишни билишнинг мохияти, тафаккурнинг билиш жараёнида тутган ўрни ва ахамияти, унинг асосий хусусиятлари хақида маълумот олишдан бошлаш лозим. Бу эса мавзунинг бош масаласини — тафаккурнинг (фикр юритишнинг) мантиқий шакли ва қонунларини яхши тушуниб олишга ёрдам беради.

Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари, тушунчалари хамда уларнинг мохиятини очиш билан боёлиқ бўлган бошқа тушунчалар ва атамаларнинг мазмуни тўлиқ ва пухта ўзлаштирилиши лозим. Ана шундагина мантиқни ўрганишнинг мақсади, унинг хозирги замон билимлари тизимида тутган ўрни, назарий ва амалий ахамиятини тушуниб этиш мумкин.

Билиш объектив борлиқдаги предмет ва ходисалар, уларнинг хоссалари ва ўзаро муносабатларининг инсон онгида идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билишнинг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил қилади.

Билиш жараёни жуда хам мураккаб ва зиддиятлидир. Билиш одатда предмет ва ходисаларнинг ташқи хусусиятларини, яъни сезги органларимизга бевосита таъсир қиладиган хусусиятларини акс эттиришдан бошланади. Қиёсий билиш ёки жонли мушохада сезги, идрок, тасаввур шаклларида содир бўлади.

Инсон хиссий билиш билан чегараланиб қола олмайди, у хиссий билиш натижаларини умумлаштиришга, предметларнинг ўхшаш, мухим томонларини аниқлашга, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқаларни ўрганишга, демак борлиқ ва унинг қонуниятларини очишга интилади. Бу мақсадга, билишнинг кейинги босқичида – тафаккурда эришилади. Тафаккур борлиқни абстрактциялашган ва умумлашган образларда акс эттиради.Абстрактциялаш предметларнинг баъзи хусусиятларидан фикран четлашган, мавхумлашган холда бошқаларини ажратишдан иборат усулидир. Тафаккурда ходисаларнинг тасодифий, иккинчи

даражали хусусиятлари фикран четлаштирилиб, уларнинг умумий, мухим хусусиятлари ажратилади ва шу асосда предметларнинг идеал образи хосил қилинади.

Масалан, моддий предметларга хосиндивидуал хусусиятлардан четлашган холда уларни қатор умумий хусусиятларини онгимиздан ташқари мавжуд бўлиши, сезги органларимизга таъсир қилиши ва шу кабиларни ажратиб, умумлаштириб «материя» тушунчаси хосил қилинади. Худди шу йўл билан харакат, жамият, онг ва бошқа тушунчалар яратилади. Умуман фаннинг барча тушунчалари, қонунлари, принтсиплари абстрактсиялардан иборат. Тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Қатор предметлар ходисаларга хос бўлган умумий хусусиятларни, улар ўртасидаги алоқаларни акс эттирар экан, тафаккур бир ходиса хақидаги билимлардан келтириб чиқариш имкониятига эгадир. Масалан ишлаб чиқаришга техника ютуқларининг қандай қўлланилишига қараб мехнат унумдорлигининг даражаси хақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мухим хусусиятларидан яна бири унинг тил орқали ифода қилинишидир. Тафаккур ўз мазмуни ва формасига (шаклига) эга. Тафаккур формаси фикр мазмунини ташкил қилувчи элементларнинг боғланиш усулидан иборат.

Тафаккур уч хил формада: тушунча, хукм, хулоса чиқариш формаларида мавжуд.

Тушунча айрим предметларни ёки предметлар группасини акс эттиради. Бунда предмет (предметлар группаси) маълум бир умумий, мухим хусусиятларнинг йиғиндисидан иборат деб фикр қилинади. Масалан «жамият», «химиявий элемент» кабилар тушунчалардир. Мазмун жихатидан хар хил бўлган бу тушунчалар тузилишига кўра бир хилдир. Хар иккаласида акс эттирилаётган предмет ***(А)*** унга хос бўлган умумий, мухим хусусиятларнинг йиғиндиси ***(а,в,с,….х)*** сифатида фикр қилинади. Шартли тарзда буни ***А (а,в,с,…х)*** деб ёзиш мумкин.

Хукм тушунчалардан фарқли ўлароқ предметга бирорта белгининг (хоссанинг, муносабатнинг) хослигини тасдиқлайди ёки инкор қилади. Агар биз берилган хукмлардаги предметни билдирувчи тушунчаларни ***С*** (субъект) предметнинг белгиларини (хусусиятларини ва муносабатларини) билдирувчи тушунчаларни ***Р*** (предикат), улар ўртасидаги муносабатни "—" билан белгиласак, унда хукмнинг умумий тузилишини ифода қилувчи ***С — Р*** формуласини хосил қиламиз. Хулоса чиқариш битта ва ундан ортиқ хукмлардан янги хукмларни келтириб чиқаришдан иборат. У хам тушунча ва хукм сингари ўзининг умумий тузилишига эга. Масалан барча «Мустақил давлартлар ўз Коститутциясига эга» ва «Ўзбекистон ўз Конститутциясига эга» деган хукм хулоса тарзида келиб чиқади. Барча «Фанлар ўз предметига эга», ва «Мантиқ – фан» хукмларидан «Мантиқ ўз предметига эга» деган янги хукм хосил қилинади. Мазмун жихатидан хар хил бўлган бу хулоса чиқариш холлари битта умумий томонга эга: хар иккаласида хулосани (янги хукмни) келтириб

чиқараётган хукмлар битта умумий тушунча орқали боғланган (биринчи холда «мустақил давлат», иккинчисида «фан» тушунчаси). Худди шу усул билан хар қандай мазмунга эга бўлган хукмлардан хулоса чиқариш мумкин. Хулоса чиқаришнинг бу кўринишини (бошқа кўринишлари хам мавжуд) белгилик тарзда қуйидагича ёзиш мумкин:

**М–П**

**С–М**

**С–П**

Бунда **М** хулоса келтириб чиқарадиган фикрларни боғлаб турадиган тушунчани билдиради.

Тафаккур формаларини анализ қилиш фикрнинг шакли унинг конкрет мазмунидан нисбатан мустақил холда (фикрнинг мазмуни ва шаклининг бирлиги доирасида) мавжудлигидан ва демак унинг ўзига хос умумий қонуниятлари бор эканлигидан далолат беради. Формал мантиқ мана шундан келиб чиқиб, тафаккур формаларида уларни ифода қилинган фикрнинг конкрет мазмунидан четлашган холда анализ қилади. У асосий эътиборни тафаккурнинг тузилишини ўрганиш билан боёлиқ бўлган масалаларга қаратади. Ана шулардан бири фикрни тўғри қуриш масаласидир.

Шуни айтиш лозимки, фикрни ўз холича чин бўлиши, яъни унинг борлиққа мувофиқ келиши билишнинг зарур шарти бўлса - да, етарли эмас. Мазмуни бўйича чин бўлиши билан бирга фикр мулохаза юритиш жараёнида формал жихатидан хам тўғри қурилган бўлиши лозим.

Акс холда, чин фикрдан нотўёри хулоса чиқиб қолади. «Масалан мехнат инсонни яратган» ва «Газетага материал тўплаш - мехнат» деган хукмлардан «Газетага материал тўплаш инсонни яратган деган» хулоса чиқарсак, хато бўлади. Чунки фикримиз нотўғри қурилган.

Берилган хукмларни боғлаш лозим бўлган «мехнат» сўзи икки хил маънода ишлатилган:

Биринчи хукмда умумсотсиологик категорияни, иккинчи хукмда эса кундалик хаётимизда ишлатиладиган мехнат тушунчасини ифода этган.

Фикрни тўғри қуришга фақат тафаккур қонунларига, уларнинг асосий талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин. Тафаккур қонунлари фикр юритишнинг барча формаларида содир бўладиган ички, зарурий боғланишларни акс эттирувчи энг умумий қонунлардир.

Мантиқда тафаккурнинг тўртта асосий қонунлари ўрганилади. Улар **айният, зиддият,**

**Учинчиси мустасно** ва **етарли асос** қонунларидир. Бу қонунларнинг талабларига риоя қилиш фикр юритишнинг аниқ, изчил, асосли бўлишини таъминлайди ва хато фикрлар хосил қилишдан сақлайди.

Тафаккур формалари ва қонунлари объектив характерга эга. Улар объектив олам инъикоси, предметлар ўртасидаги алоқадорликнинг инсон онгида акс этиш формаларидир. Тафаккур формалари ва қонунлари инсоннинг

амалий фаолияти давомида вужудга келган ва миллиард марталаб такрорланиши натижасида унинг онгида логик шакллар тарзида ўрнашиб қолган. Ана шуларни ўрганиш мантиқ фанининг асосий вазифасини ташкил қилади. Формал мантиқ тўғри тафаккур формалари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фандир.

Ўқувчи «Мантиқ» термини бир - биридан мустақил бўлган учта фанни – **формал мантиқ, диалектик мантиқ** ва **математик мантиқни** ифода қилишини тушуниб олиши лозим.

***Диалектик мантиқ*** тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққий этишининг энг умумий қонунлари ва улар асосида яратиладиган методологик принципларини ўрганади. Демак формал мантиқ ва диалектик мантиқ тафаккурни хар хил аспектда олиб ўрганадиган фалсафий фанлардир.

***Формал мантиқ*** тафаккурнинг конкрет мазмунидан четланиб этиборини унинг тузилишини текширишга қаратади. Шу жумладан, тафаккур формалари ўртасидаги боёланишларни хамуларнинг тузилиши нуқтаи назардан ўрганади. Хусусан хукмни тушунчалар, хулоса чиқаришни эга хукмлар ўртасидаги боғланиш натижасида деб билади, холос.

Диалектик мантиқ эга тафаккур формаларини уларда ифода қилинган фикрнинг мазмуни билан боғлиқ холда хамда тараққиётида олиб текширади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар формал мантиқ фани вазифасининг қатъий чегараси борлигидан далолат беради. Худди оддий арифметик амаллар ва қоидаларни ўрганмасдан туриб, олий математикани эгаллаб бўлмаганлиги сингари формал мантиқ қонун ва принципларига амал қилмасдан туриб, фалсафий тафаккур қилиб бўлмайди.

Тафаккур формалари ва қонунлари умуминсоний характерга эга. Сиёсий қарашлари, қайси синфга мансублиги ва миллатидан қатъий назар барча кишиларнинг тафаккури бир хил логик қонуниятларга бўйсунади. У ўзида фалсафадаги қарама - қарши оқимлар ўртасидаги курашни ифода қилади. Тафаккур ва унинг қонунларини идеалистик талқин қилиш, яъни борлиққа нисбатан бирламчи деб қараш, билиш жараёнинг мохиятини ўзгартиради. Фалсафий билимлар,аксинча, тафаккурни ўрганишнинг методологиясини ташкил қилади. У тафаккурни борлиқнинг инъикоси деб билади ва шу билан билиш жараёни тараққиётнинг мохиятини, унинг мақсадини тўғри тушунишга имконият яратади.

***Математик (символик) мантиқ*** XIX асрнинг иккинчи яримида вужудга келган бўлиб, математика фанининг мухим йўналишларидан бирини ташкил қилади. Математик мантиқга математик методлардан фойдаланувчи мантиқ деб таъриф бериш мумкин. Бу фан асосчиларидан бири бўлган рус олими И.С. Поретский фикрича математик мантиқ ўз предмети бўйича – мантиқ, методи бўйича – математикадир. Фикр юритиш жараёнини,хусусан хулоса чиқариш ва исботлашни белгилар билан белгилаш, уларни махсус формулалар ёрдамида ўрганиш математик мантиқнинг характерли

хусусиятларидир.

Тор маънода эга математик мантиқ тафаккурни мантиқий хисоблаш деб аталадиган юқори даражада формаллашган жараёнда ўрганувчи таълимот бўлиб формал мантиқнинг мухим йўналиши хисобланади. Тафаккурни у ёки бу муносабатда ўрганувчи бошқа фанлар, яъни психология, физиология, грамматика ва шу кабилар бўлиб, формал мантиқ улар билан яқин алоқададир.

Формал мантиқ фанлар терминологиясини ишлаб чиқишда мавжуд илмий билимларни қайта ишлаш ва системага солишда фалсафий билиш ва дуёқарашни шакллантиришда яхши ёрдам беради.

**Мантиқ ва тил.** Тил идеал шаклда мавжуд бўлган фикрни ифода қилувчи моддий ходисадир.

Тил инсонни амалий фаолияти давомида вужудга келадиган ахборотларни мустахкамлашга, узатишга хамда кишилар ўртасидаги алоқани ўрнатишга бўлган ижтимоий эхтиёжни кондириш учун хизмат қиладиган ахборотлар, белгилар системасидан иборат.

Демак тил фикрни ифода қилувчи восита ва фикр алмашиш қуролидир. Тил табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Табиий ва сунъий тиллар фарқ қилинади. Табиий ва сунъий тилни шу тилни ифода қилувчи ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган график белгилар (ёзув белгилари) ва товушларнинг (нутқнинг) ахборотлашган тизими ташкил қилади. Сунъий тиллар эга табиий тиллар базасида яратилган ёрдамчи белгилар системасидан иборат бўлиб, улар мавжуд ахборотларни аниқ ва тежамли узатиш учун хизмат қилади. Сунъий тил белгисига мисол қилиб механикадаги тезлик

***(B=c/m)*** химиядаги сув ***(H2O)*** формулалари, кўчада юриш қоидаларини билдирувчи белгилар ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тил тафаккурнинг (фикрнинг) мазмунини хам, шаклини (структурасини, тузилишини) хам ифода қилади. Тил белгиси маълум бир (моддий ёки идеал) объектни акс эттиради ва демак у ўз мазмунига эга. Масалан, «аудитория»сўзи реал мавжуд объектни-аудиторияни акс эттирувчи фикр маъносини англатади. Тил белгисининг мазмунига эга бўлиши унинг семантик характеристкасини ташкил етади. Фикрлаш объекти предметлар (моддий ва идеал), уларнинг хоссалари ва муносабатлари бўлганлиги учун асосий семантик категориялар, предмет номлари (предметни, предметлар тўпламини акс еттирувчи терминлар) хисобланади. Улар мантиқда «дескриптив» терминлар деб аталади. Гап хам семантик категориялар қаторига киради.

Фикр юритиш жараёнида логик терминлар хам ишлатилиб («ва», «ёки», «эмас» каби ифодалар) улар дескриптив терминларни боғлашда мухим ахамиятга эга. Масалан, «Мехнат билан жамғарма ўртасида чуқур зиддият мавжуд» деган гапда «билан», «мавжуд» сўзлари логик терминлар, қолганлари эга дескрептив терминлардир.

Дескрептив, терминлар предмет ва ходисалар хақида фикр юритишнинг

асосий элементлари бўлиб, улар маълум бир усулларда маълум бир қоидаларга асосланиб боғлангандагини ўзининг мазмунига эга бўлган фикрни ифода қилади. Демак тил белгиси юқорида айтибўтганимиздек, тафаккурнинг шаклини (структурасини, тузилишини) хам ифода қилади.

Тафаккур шаклини аниқлаш мавжуд фикрларни формаллаштиришни тақозо қилади.

Формаллаштириш конкрет (аниқ) мазмунга эга бўлган фикрларни белгилар билан алмаштириш (яъни пропоционал функцияни хосил қилиш) формулалар киритиш, мантиқий қоидаларни шакллантириш орқали тафаккур структурасининг, формасини ифода қилиш демакдир.

Бошқачаайтганда у фикрлашнинг мантиқан сунъий формаллашган тилига кўчиришдан иборат. Бу тилниқуйидагича, тасвирлаш мумкин:

***Предикатлар мантиқий тили.*** Предикатлар мантиёи фикрлаш жараёнини хукмларнинг ички структурасини хисобга олган холда, анализ қилувчи формаллашган система бўлиб, унинг алфавити қуйидагилардан иборат.

***Хукмлар мантиқи тили алфавити.*** Хукмлар мантиқи хукмлар ўртасидаги боғланишни ўрганади. Унинг алфавити қуйидагича:

Λ – конъюктция белгиси: у ўзбек тилидаги «ва», «хам», «хамда» каби боғловчиларга тўғри келади. Масалан **А Λ Б** формуласини «Маъруза тугади ***(А)*** ва унинг мухокамаси бошланади ***(В)»*** деб ўқиш мумкин. В – дизъюнкция белгиси, у ўзбек тилидаги «ё», «ёки», «ёхуд» каби айирувчиларга тўғри келади. Масалан, «Эргашев иш жойида ***(А)*** ёки Вазирликка кетган ***(В)»*** деган хукмни А в Б деб ёзилади. → – импликация белгиси; унга ўзбек тилида «Агар… бўлса, …бўлади» деган ифода тўғри келади. Масалан, «Агар талаба мустақил ишласа ***(А),*** ўқув материалларини пухта ўзлаштиради ***(В)»*** деган хукмни А → Б деб ёзилади. ↔ эквивалентлик белгиси, унга ўзбек тилида «фақат ва фақат шундаки…» деган ибора тўғри келади. Масалан, «Жамиятни қайта қуришни ***(А)*** фақат халқ оммасининг фаол иштирокидагина амалга ошириб бўлади ***(В)».А*** ↔ Б Ã – инкор қилиш белгисидир. Масалана А – «Кор ёғаяпти» бўлса, Ã – «Қор ёғаётгани йўқ» бўлади.

**Мантиқий қонунлар, уларнинг мохияти ва турлари.**

Қонун предмет ва ходисалар ўртасидаги объектив, мухим, зарурий, такрорланувчи, нисбатан ўзгармас боғланишлардир. Хамма табиий, ижтимоий ва бошқа ходисалар маълум қонунлар асосида мавжуд бўлади ва ўзгаради. Асосий формал-логик қонунлар ёки тафаккур қонунлари дейилганда фикрлар ўртасидаги мухим боғланишларни тушуниш керак. Бу қонунлар фикрлашни тўёри амалга ошишини таъминлаб туради. Мантиқий тафаккур қонунлари, тафаккур формалари каби умуминсонийдир. Улар хамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликни инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган хамда шаклланган. Тафаккур қонунларига амал қилиш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятсиз асосланган фикр юритиш демакдир. Улар тафаккур формалари:

тушунчалар, хукмлар, хулоса чиқаришда асослар ўртасидаги зарурий боғланишларни ифодалайди.

***Айният қонуни.*** Объектив воқеликдаги предмет ва ходисаларнинг доимо ўзгарибтуришига қарамай, уларда нисбий барқарорлик мавжуд, у ўз фодасини айният қонунида топади. Предметлар ва ходисалар бир холатдан иккинчи холатга ўтиб туради, лекин улар маълум вақтда, маълум хусусиятларини сақлаб қолади, ўша маълум нарсалик ёки ходисалик холатидан чиқиб кета олмайди. Масалан, бизга таниш бўлган одамни бирон бир муддат ўтганидан кейин кўрсак, унинг анчагина ўзгариб қолишига қарамай, бари бир таниб оламиз. Айният қонуни фикрлаш жараёнида фикрнинг аниқлигини, муайян эканлигини ифодалайди.

Нисбий барқарорлик туфайли табиат ва жамиятдги предметлар ва ходисалар хамда уларнинг инсон онгидаги инъикоси бир-бири билан аралашиб кетмайди, шу туфайли одамлар фикрлаш жараёнида бир неча маъноли сўзларни, ибораларни ишлатмасликка харакат қилади.

Айният қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: маълум бир предмет ё ходиса хақида айтилган, айни бир фикр, айни бир мухокама доирасида айни бир вақтда ўз-ўзига тенгдир. У «А-А дир» формуласи орқали берилади. Бирор фикрни маълум бир маънода, маълум бир мазмунда баён қилар эканмиз, ўз мухокамамиз давомида фикрнинг шу мазмунини сақлаб қолишимиз керак. Акс холда фикр юритишда чалкашлик, турли хатолар келиб чиқиши мумкин. Билишда айният қонунининг ахамияти катта. Бу қонунга асосланиб сухбатдошдан тўёри фикр билан хисоблашишни талаб қилиш мумкин.

Айният қонуни предмет ва ходисаларнинг нисбий барқарорлигини ифодалайди, лекин бу қонунга амал қилиш фикрларни ўзгартирмасдан қўллаш керак, деган маънони англатмайди. Предметларни, ходисаларни ўрганишимиз давомида улар хақидаги билимларимиз ривожланиб боради. Шунинг учун хам фикрнинг мазмуни предмет ва ходисаларни тўлиқроқ билиб боришимиз билан ўзгариб боради. Айният қонуни буни рад қилмайди, аксинча уни хисобга олишни тақозо этади.

***Зиддият қонуни.*** Кишилар ўз фаолиятида предмет ва ходисалар бир вақтда, бир шароитда бирор хусусиятга хам эга бўлиши, хам эга бўлмаслиги мумкин эмаслигини билганлар. Бу ходиса билимларимизда зиддият қонуни сифатида шаклланиб қолган. Зиддият қонуни тафаккурнинг зиддиятсиз хамда изчил бўлишини таъминлайди. Зиддият қонунини қуйидагича ифодалаш мумкин: айни бир предмет ёки ходиса хақида айтилган икки зид фикр бир вақтда бир нисбатда чин бўлиши мумкин эмас. Бу қонун «А хам ***В,*** хам ***В*** эмас бўла олмайди» формуласи орқали берилади.

Зиддият қонуни зид ва қарама-қарши хукмларга нисбатан қўлланилади. Зид хукмлардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқади, қарама - қарши хукмлардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди, уларнинг иккаласи хам хато бўлиши мумкин.

Зиддият қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қилади. Бу қонун талабига биноан фикр мантиқий зиддиятлардан холи бўлиши керак. Мантиқий зиддиятларни предметлар ва ходисаларда мавжуд бўлган объектив зиддиятлардан фарқ қилиш керак. Биринчиси тафаккурда йўл қўйиб бўлмайдиган зиддият бўлса, иккинчиси предмет ва ходисалар тарққиётининг ички манбаини ташкил қиладиган зиддиятдир. Баъзида, икки қарама-қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги хам мумкин. Бунда қарама-қарши фикрлар бир масала юзасидан турли мухокама доирасида турли вақтда, турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан, «Айрим олинган давлатларда миллий мустақиллик ёалаба қилиши мумкин» ва «Айрим олинган давлатларда миллий мустақиллик ёалаба қилиши мумкин эмас» деган икки фикр турли вақтга нисбатан олинса, тўёри бўлади, улар ўртасида зиддият бўлмайди.

***Учинчиси мустасно қонуни.*** Зиддият қонуни билан узвий боғлиқ бўлиб, у икки ўзаро зид фикрнинг муносабатини ифодалайди. Билиш жараёнида биз, фикримизда объектив оламдаги предмет ва ходисаларнинг айни бир вақтда мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, уларга бирор хусусият хос ёки хос эмаслигини акс еттирамиз. Бундай акс еттиришнинг жуда кўп маротаба такрорланиши бизнинг тафаккуримизда учинчиси мустасно қонуни сифатида ўз ифодасини топади.

Бу қонун қуйидагича ифодаланади: айни бир предмет ёки ходиса хақида бир – бирини инкор етувчи икки зид фикр айни бир мухокама доирасида айни бир вақтда, айни бир нисбатда хато бўлиши мумкин эмас, Уларнинг бири албатта чин, иккинчиси албатта хато бўлади, учинчи холнинг бўлиши мумкин эмас. Учинчиси мустасно қонуни «А ***В*** ёки ***В*** эмасдир» формуласи орқали берилади. Масалана «Ахмедов мантиқни ўрганган», «Ахмедов мантиқни ўрганмаган» деган икки зид фикр берилган бўлса, уларнинг бири чин, иккинчиси хато, учинчи холнинг бўлиши мумкин эмас. Учинчиси мустасно қонунини билиш бирор мухокамада тўёри хулоса чиқариш учун мухимдир. Бу қонун ўзаро зид қонунларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

***Етарли асос қонуни.*** Табиат ва жамиятдаги предмет ва ходисалар бир - бири билан боғлиқ холда ривожланади. Улар ўртасидаги сабабий боғланишлар енг мухим боғланишдир. Предмет ва ходисалардан бирининг мавжудлиги бошқасининг мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бошқасига нисбатан аввалроқ рўй берадиган, бошқасини юзага келтирадиган ходиса сабаб, ундан кейин амалга ошадиган ходиса натижа деб аталади. Сабаб ходисани – асос, вужудга келган ходисани – оқибат деймиз. Бундай боғлиқлик инсон тафаккурида етарли асос қонуни шаклида намоён бўлади. Инсон фикри бошқа, олдинги бир фикр билан тақозо қилинади. Хар бир предмет ва ходисанинг реал асоси бўлгани каби, уларни инъикоси бўлган фикримиз хам асосланган бўлиши керак. Бу ўз навбатида етарли асос қонунининг мазмунини ташкил қилади. Бу қонуннинг талабига биноан хар қандай предмет ва ходиса хақида айтилган фикр асосланган бўлиши керак.

Етарли асос қонуни «Агар ***B*** мавжуд бўлса, унинг асоси сифатида ***A*** хам мавжуд» формуласи орқали берилади. Асослаш баён қилинган фикрнинг чинлигини, чинлиги илгаридан аниқланган фикрдан келтириб чиқариш орқали амалга оширилади.

Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонунида ифодаланган. Мантиқий асос сифатида турли-туман аксиомалар, қоидалар, қонунлар келтирилиши мумкин. Етарли асос қонуни фикр юритишда, айниқса, исботлашда мухим ахамиятга эга. У тўёри хулоса чиқаришда, фикрлаш жараёнида учрайдиган айрим хатоларни англашда ёрдам беради.

Тафаккур қонунлари тафаккур шакллари каби узоқ давом етган тарихий тараққиёт натижасидир. Бу қонунлар ақлий фаолиятнинг хамма кўринишида риоя қилиниши лозим бўлган қонунлардир. Масалан: 2 х 2 = 4

**Таянч сўз ва иборалар.**

Тил, тил белгиси, табиий тил, сунъий тил, формаллаштириш, дескрептив атамалар, мантиқий атамалар, пропозиционал функция, мулохазалар мантиқи тили, предикатлар мантиқи тили,

тафаккур қонуни, тўғри мухокама юритиш принциплари, тўғри қурилган фикр, зиддият,

айният, мустасно, етарли асос қонуни

**Ўз-ўзини синаш учун саволлар.**

Тафаккур қандай хусусиятларга эга?

Фикрнинг чин бўлиши ва формал жихатидан тўғри қурилиши нимани англатади?

Мантиқнинг билишда ва кундалик хаётдаги ахамиятини бахоланг.

Мантиқ фанининг сунъий тили деганда нимани тушунасиз? Унинг фикр тузилишини

аниқлашда қандай ахамияти бор?

Асосий формал-мантиқий қонунларнинг билишдаги ахамияти қандай?

## 2-мавзу: ТУШУНЧА
## Р Е Ж А

1. Тушунча тафаккур шакли сифатида.
2. Тушунчаларнинг турлари.
3. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
4. Тушунчаларнинг бўлиш қоидалари.

Тушунча предмет ва ходисаларнинг умумий мухим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир. Белгилар деб предметларни бир - биридан фарқ қилдирувчи ва бир – бирига ўхшашлигини ифода қилувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Хар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан алоқада бўлганлиги (бевосита ёки билвосита) учун унинг белгилари чексиз. Уларнинг баъзилари фақат битта предметга хос бўлиб, унинг индивидуал, яккалик белгиларини ташкил қилса, бошқалари предметларнинг маълум бир группасига тегишли бўлиб, умумий белгилар хисобланади. Масалан, хар бир киши фақат ўзигагина хос бўлган юзтузилиши, бўйи ва шу каби якка (индивидуал) белгиларга эга. Шунинг билан бирга у кишиларнинг маълум бир группасига (миллий хусусиятлар) ёки барча кишилар (мехнат қилиш, фикр юритиш қобилиятлари, ижтимоий муносабатларда иштирок қилиш ва шу кабилар) хос бўлган умумий белгиларга эга.

Якка (индивидуал) ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, унинг ички табиатини, мохиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг мухим белгилари дейилади.

Тушунча хиссий билиш шаклларидан фарқли ўлароқ инсон миясида тўғридан – тўғри пайдо бўлмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан фойдаланилган холда хосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстрактсиялаш ва умумлаштиришдан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари ва бир - биридан фарқ қилувчи махсус (спетсифик), якка (индивидуал) белгилари аниқланади Таққослаш солиштириб кўришни (анализни) тақозо қилади. Чунки предметларни яхлит холда солиштириб бўлмайди. Улар у ёки бу хоссасига кўра таққосланиши керак. Бунинг учун у хоссалар фикран ажратилиши лозим.

Анализ ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, хар қайсиси алохида ўрганилади. Синтез анализга тескари усул бўлиб, у ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун холига келтиришдан иборат. Анализ ва синтез узвий боғлиқдир. Синтез бўлмаса предмет хақида яхлит бир фикр хосил қилиб бўлмайди.

Тушунча хосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллари билан аниқланган умумий ва якка (индивидуал) белгиларнинг мухимлари

ажратилиши, номухимлари четлаштирилиши лозим. Бу эга абстрактсиялаш ёрдамида амалга оширилади. Умумлаштиришда эга предметлар уларнинг умумий, мухим хусусияларига кўра группаларга бирлаштирилади ва шу тариқа биттатушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади. Тушунчанинг шаклланиши сўз билан узвий боғлиқ. Улар ўртасидаги алоқадорлик тафаккур ва тил ўртасидаги боғланишнинг конкрет шаклда намоён бўлишидир. Тушунча сўз ва сўз бирикмалари ёрдамида ифода қилинади. Масалан, «талаба», «молия - иқтисод факултети», «Тошкент Молия Институти» ва шу кабилар.

**Тушунчанинг мазмуни ва хажми.**

Хар бир тушунча ўз мазмуни ва хажмига эга. Тушунчанинг мазмуни унда фикр қилинаётган нарсанинг мухим белгилари йиғиндисидан иборат. Масалан, «фан»тушунчасининг мазмуни фаннинг мухим белгилари, яъни унинг инсон амалиётининг назарий умумлашмаси эканлиги, тушунчалар, қонунлар, принциплар шаклидаги объектив хақиқий билимлар системасидан иборат бўлиши, ижтимоий дунёқараш шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қилади.

Тушунчанинг хажми эга тушунчада фикр қилинаётган нарсалар йиғиндисидан иборат. Масалан, юқорида мисол қилиб келтирилган «фан» тушунчасининг хажми мавжуд барча фанларни (математика, физика, иқтисод, мантиқ ва хаказо) ўзида қамраб олади. Тушунчанинг мазмуни ва хажми ўзаро боғлиқ бўлиб, у тушунчанинг мазмуни ва хажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонуни ёрдамида ифодаланади.

Бу қонунга мувофиқ тушунча мазмунининг кенгайиши хажми жихатидан торроқ, бошқа тушунчанинг хосил бўлишига ва, аксинча, хажмининг кенгайтирилиши мазмун жихатидан торроқ бўлган тушунчанинг яратилишига олиб келади. Масалан «фан» тушунчасининг мазмунига мантиқга оид бўлиш белгисини қўшиш билан хажм жихатидан ундан торроқ бўлган «мантиқ фани» тушунчасига ўтамиз. «Фан» тушунчасининг хажмини кенгайтириб, мазмун жихатидан унга нисбатан торроқ бўлган «ижтимоий онг шакли» тушунчасини хосил қиламиз. Бу қонун тушунчалар билан олиб бориладиган қатор мантиқий амаллар асосида ётади.

Тушунчалар мазмуни ва хажми бўйича бир қанча турларга бўлинадилар, хусусан, хажмига кўра якка ва умумий тушунчалар фарқ қилинади. Якка тушунчанинг хажмида битта предмет фикр қилинади. Масалан, «Тошкент шахри» ва шу кабилар. Умумий тушунчалар предметлар группасини акс эттиради. Масалан, «шахар» тушунчаси умумий тушунчалардир. Умумий тушунчаларни акс эттирувчи предметлар миқдори чегараланган ва чегараланмаган бўлади. Масалан, «химиявий элемент» тушунчасида фикр қилинадиган предметлар сони чегараланган, уларни хисоблаб чиқиш мумкин. «элементар заррачалар» тушунчасининг хажмини ташкил қилувчи предметлар сони эга чексиз, уларни хисоблаб бўлмайди.

Мазмуни бўйича тушунчалар авваламбор абстракт ва конкрет тушунчаларга бўлинади. Конкрет (аниқ) тушунчаларда нарса (предметлар группаси) ўзининг хусусиятлари билан биргаликда фикр қилинади. Абстракт (мавхум) тушунчаларда эга предметнингхусусияти (предметлар ўртасидаги муносабатлар хам) ундан фикран ажратиб олиниб, алохида акс эттирилади. Масалан, «инсон», «табиат» тушунчалари конкрет тушунчалар, «қахрамонлик» (инсонга хос хусусиятни акс эттиради), «гўзаллик» (борлиқдаги предметларга хос хусусиятларни ифода қилади) тушунчалари абстракт тушунчалардир. Нисбатсиз ва нисбатдош тушунчаларни хам ажратиш мумкин. Нисбатсиз тушунчалар нисбатан мустақил, алохида мавжуд бўлган предметларни акс эттиради. «Давлат», «бадиий асар» ана шундай тушунчалардир. Нисбатдош тушунчалар эга бир-бирининг мавжуд бўлишини зарурий равишда тақозо қиладиган предметларни акс эттиради. Масалан, «хукмрон» ва «мазлум», «ижобий бош рол» ва «салбий бош рол», «сабаб» ва «оқибат» тушунчалари нисбатдош тушунчалар қаторига киради.

Биз юқорида тушунчаларнинг бир қанча турлари билан танишиб чиқдик. У ёки бу тушунчанинг ана шу турлардан қайсиларига мансуб эканлигини аниқлаш унга мантиқий характеристка бериш демакдир.

**Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.**

Объектив дунёдаги барча предмет ва ходисалар ўзаро алоқада бўлганлиги учун, уларни акс эттирувчи тушунчалар хам ўзаро маълум бир алоқаларда, муносабатларда мавжуд. Хусусан тушунчалар хажми жихатидан сиёсилашган ва сиёсилашмайдиган бўлади.

Сиёсилашган тушунчаларнинг хажми бир - бирига бутунлай ёки қисман мос келади. Улар ўртасида уч хил муносабат мавжуд: мослик, қисман мослик ва бўйсуниш рослик муносабатидаги тушунчалар битта предметни (предметлар группасини) акс эттирувчи тушунчалар бўлиб, улар бир - биридан фақат мазмуни билангина фарқ қилади. Масалан, И.А.Каримов «Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси», тушунчалари худди шу муносабатда мавжуддир. Буни қуйидаги схема ёрдамида кўрсатиш мумкин.

***А*** - Каримов И.А

***В*** - Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси

Қисман мослик муносабатидаги тушунчаларнинг хажми қисман умумийликка эга.

Масалан:

***А*** – Талаба ***В*** **- ХДП** аъзоси.

Доираларнинг штрихланган қисмлари бир вақтнинг ўзида хам талаба, хам **ХДП** аъзоси бўлганлигини билдиради.

Бўйсуниш муносабатидаги тушунчалардан бирининг хажми иккинчисининг хажмига тўлиқ кириб, уни ташкил қилувчи қисм хисобланади. Масалан:

***А*** – Талаба

***В*** – Мантиқ

Бу муносабатдаги тушунчалардан бири бўйсундирувчи ***(А),*** иккинчиси ***(В)*** бўйсунувчи бўлиб, улар жинс-тур муносабатида бўлади. Жинс тушунчаси предметлар синфини,тур тушунчаси эга шу синфга кирувчи предметларнинг бир группасини ёки биттасини аксэттиради. Мантиқда у ёки бу тушунчанинг жинс ёки тур эканлиги нисбий характерга эгадир.

Хар бир тушунча ўзидан умумийроқ тушунчаларга нисбатан жинсдир. Масалан ижтимоийонг шакли, фан мантиқ тушунчалари ўртасидаги нисбат қуйидагича: «фан» тушунчаси «ижтимоий онг шакли» тушунчасига нисбатан жинс бўлади.

Сиғишмайдиган тушунчалар хажм жихатидан умумийликка эга бўлмаган тушунчалар хисобланиб, бир синфга кирувчи хар хил предметларни ёки предметлар группасини акс эттиради. Бу тушунчалар ўртасида хам уч хил муносабат бор: **бирга бўйсуниш, қарама-қаршилик, зидлик.** Бирга бўйсуниш муносабати қуйидаги тушунчалар ўртасида мавжуддир.

## 3-Мавзу: ХУКМ

## Р Е Ж А

1. Хукм тўгрисида тушунча.
2. Хукмларнинг турлари.
3. Хукмлар ўртасидаги муносабат.

Хукмларнинг асосий вазифаси предметларнинг хусусият ва муносабатларини кўрсатиш, предмет ва ходисаларга хусусиятнинг хослигини қайд қилишдир. Биз предмет ва ходисаларнинг оддий, ташқи хусусиятлари билан бирга, уларнинг ички зарурий боғланишларини, муносабатларини билиб борамиз. Предмет ва ходисаларнинг хусусиятларини кетма-кет ўрганиб, улар хақида турли абстрактсиялар хосил қиламиз. Бу абстракциялар хукмлар ёрдамида ифодаланади.

Хукмлар орқали нарсалар ва ходисалар хақида билимлар акс этади. Улар хақида билимларимиз турлича бўлгани учун уларни ифодалайдиган хукмлар хам хар хил бўлади. Баъзи хукмлар аниқ, текширилган билимларни ифодаласа, баъзиларда эга хусусиятнинг предметга хослиги ехтимол қилинади, демак ноаниқ билимлар ифодаланади.

Хукмлар предмет ва ходисаларнинг хамма томони хақида фикрни ифодалайди. Улар нисбатан тугалланган фикрдир. Хукмлар предметлар ва ходисалар ўртасидаги маълум муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун улар чин ёки хато бўлади. Объектив воқеликка мос келган, уни тўғри ифодалаган фикрлар чин бўлади, акс холда хато бўлади. Хукмларни ифодалаш учун тил воситалари талаб қилинади. Хукмлар гаплар орқали ифодаланади. Улар мантиқий категория бўлса, гаплар грамматик категориядир. Мантиқнинг вазифаси хукмларни турли томондан ўрганишдир. Хукмлар предмет ва ходисаларга маълум бир хусусиятнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодалайдиган тафаккур шаклидир.

Хукмларни ўрганишни уларнинг тузилишини ўрганишдан бошлаймиз. Ўрганиш қулай бўлиши учун дастлаб уларни оддий ва мураккаб турларга бўлиб оламиз. Бунда биз хукм атамаларининг миқдорига, сонига эътибор берамиз. Хукмнинг субъект ва предикати унинг атамалари деб аталади. Агар хукм терминлари биттадан бўлса оддий хукм, бирдан ортиқ бўлса, мураккаб хукм дейилади. Субъект ***(С)*** фикр қилинадиган предмет ва ходисани билдиради. Предикат ***(П)*** эга предметга хос хусусиятни, муносабатни билдиради. Яъни предмет хақидаги янги билимни билдиради. Предикатда ифодаланган билимлар хисобига субъект хақидаги тасаввур бойитилади. Хукмнинг учинчи зарурий элименти мантиқий боғламадир. У субъект ва предикатни бир-бири билан боғлайди, натижада хукм хосил бўлади.

**Хукмларнинг турлари.** ***Предикатнинг мазмунига қараб хукм турлари.***

Улар қуйидагилардан иборат: атрибутив хукмлар, мавжудлик хукмлари ва муносабат хукмлари.

Атрибутив хукмларда предикат бирор хусусиятнинг предметга хослиги ёки хос эмаслиги аниқ, қатъий қилиб кўрсатилади. Шунинг учун атрибутив хукмларни қатъий хукмлар хам деб юритамиз. Масалан, «мустақиллик давр талабидир». Мавжудлик хукмларида предикат бирор предмет ва ходисанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини билдиради. Масалан, «ТМИ да Молия- иқтисод факультети бор». Муносабат хукмларида предметнинг бирор жихатдан муносабати кўрсатилади. Масалан, «Математик мантиқ классик мантиққа қараганда ёшроқдир».

Субъектнинг миқдорига қараб хукм турлари қуйидагилардир: умумий, жузъий, якка хукмлар. Бунда субъектда ифодаланган предметнинг сони, нечталиги ахамиятга эга бўлади. Оддий хукмларда диққатимиз бир туркум предметларнинг хаммасига, бир қисмига ёки бир донасига қаратилган бўлиши мумкин. Масалан, «Хамма дарсликлар китобдир», «Баъзи дарсликлар Ўзбек тилида чиқарилган», «Бу дарсликлар мантиқ фанига оиддир».

Мантиқий боғламага қараб хукм турлари қуйидагилардир: тасдиқ ва инкор хукмлар.

Мантиқий боғлама хукмнинг сифатини белгилайди. Тасдиқ хукмларда хусусиятнинг предметга хослиги, инкор хукмларда аксинча, хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «Ўзбекистон фуқаролари тинчлик тарафдоридир», «Ўзбекистон фуқаролари қуролланиш тарафдори эмас».

**Оддий хукмларнинг бирлашган классификацияси ёки хукмларнинг асосий турлари.**

Бунда хукмларнинг сифати ва субъектнинг миқдори хисобга олинади. Хукмларнинг асосий турлари қуйидагилардир: 1) Умумий тасдиқ хукмлар. ***А*** харфи билан белгиланади, «хамма ***С П*** дир» формулалари орқали ифодаланади. Масалан, «Хамма Ўзбекистон фуқаролари дам олиш хуқуқига эга». 2) Жузъий тасдиқ хукмлар. ***Ж*** харфи билан белгиланади, «баъзи ***С П*** дир» формуласи орқали ифодаланади. Масалан, «Баъзи талабалар мантиқни чуқур ўрганганлар».

3) Якка тасдиқ хукмлар. ***А*** харфи билан белгиланади, «бу ***СП*** дир» формуласи орқали ифодаланади. Масалан, «Бу талаба иқтисодчидир» ва «Кант немис философидир». 4) Умумий инкор хукмлар.

***Е*** харфи билан белгиланади, «хеч бир ***С П*** эмас» формуласи орқали ифодаланади. Масалан, «Хеч бир китоб мехнатсиз яратилмайди». 5) Жузъий инкор хукмлар. ***О*** харфи билан белгиланади, «баъзи ***С П*** эмас» формуласи орқали ифодаланади. Масалан, «Баъзи ёшлар мантиқни ўрганмаган». 6) Якка инкор хукмлар. ***Е*** харфи билан белгиланади, «бу ***С П*** эмас» формуласи орқали ифодаланади. Масалан, «Халилов биринчи курсда ўқимайди». Оддий хукмлар модаллигига қараб қуйидаги турларга бўлинади: воқелик, ехтимоллик ва зарурлик хукмлари. Хукмларнинг модаллиги дейилганда уларда фикрни ифодалаш шаклини тушиниш керак.

Воқелик (ассерторик) хукмларда бирор факт қайд қилинади. Масалан, «Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрда мустақил деб эълон қилинди.

Эхтимоллик (проблематик) хукмларда бирор предмет ва ходиса хақида хали текширилмаган, эхтимолий фикр ифодаланади. Масалан, «Тошкентда ноябр ойида қор ёғиши мумкин», «эхтимол бу китоб қохирада нашр этилган».

Зарурийлик (аподиктик) хукмларда заруран рўй берадиган воқеалар хақида фикр ифодаланади. Масалан, «Параллел чизиқлар кесишмайди».

**Оддий хукмларда терминлар хажми.**

Юқорида кўрсатилгандек, оддий хукмлар субъект ва предикатдан иборат бўлади. Улар хажми жихатдан характерланади. Хукм терминлари икки хил хажмда бўлиши мумкин: тўла хажмда олинган ва тўла хажмда олинмаган. Агар хукм термини бир туркум предметларнинг хаммасини ифодалаган бўлса, тўла хажмда олинган бўлади, акс холда тўла хажмда олинмаган бўлади. Умумий тасдиқ хукмларда субъекти тўла хажмда олинган, предикат бир хил хукмларда тўла олинган, бошқаларида тўла хажмида олинмаган бўлади. Масалан, «Хамма талабалар Ўзбекистон тарихини ўрганадилар».

Бунда талабаларнинг хаммаси фикр қилингани учун субъект тўла хажмда олинган, Ўзбекистон тарихини ўрганувчилар эга фақат талабалар эмас, улар билан бирга яна бошқалар хам бор, шунинг учун предикат тўла хажмда олинмаган. «Хамма оддий хукмлар иккита терминдан иборат» каби хукмларда субъект тўла олинган, предикат хам тўла, чунки иккита терминдан иборат фақат оддий хукмларнинг ўзларидир. Жузъий тасдиқ хукмларнинг субъекти тўла олинмаган предикати бир хил хукмларда тўла, бошқаларида тўла олинмаган бўлади. Масалан, ***Ж*** «Баъзи спектакллар замонавий мавзуларга баЁишланган», бунда субъект хам, предикат хамтўла хажмда олинмаган. ***Ж*** «Баъзи одамлар иккита чет тилини билади» каби хукмларда субъект тўла эмас, предикат тўла олинган, чунки чет тилини биладиганлар хаммаси одамлардир. Якка тасдиқ хукмларнинг субъекти ва предикати тўла хажмда олинган бўлади. Якка хукм субъектида бир предмет бир индивид сифатида олингани учун умумий хукм сингари субъекти тўла бўлади.

Предикати умумий хукмнинг биринчи хили сингари тўла олинган бўлади. Масалан, ***Е*** «хеч бир жисм тинч турмайди». Жузъий инкор хукмларда субъект тўла олинмаган. Масалан, ***О*** «Баъзи талабалар кутубхоналарга аъзо эмас». Якка инкор хукмларнинг субъекти хам, предикати хам тўла хажмда олинган бўлади. Масалан, «Бу одам олий маълумотли эмас» хукмларда терминлар хажмини яхшироқ тушуниш учун доиралардан фойдаланамиз. Субъектлари бир хил, предикатлари бир хил хукмлар моддий жихатдан бир хил хукмлар дейилади. Хукмлар сифат ва микдор жихатдан фарқ қилишлари мумкин. Оддий хукмлар ўртасида қуйидаги муносабатлар бўлиши мумкин: **зидлик муносабати, умумий тасдиқ ва жузъий инкор *(А–О)***хамда умумий инкор ва жузъий тасдиқ ***(Е – Ж)*** хукмлар ўртасида бўлади. Масалан, ***А*** «Хамма талабалар аълочи», ***Е*** «хеч бир талаба аълочи эмас». Жузъий қарама-қаршилик муносабати, жузъий тасдиқ ва жузъий инкор хукмлар ўртасида бўлади. Масалан, ***Ж*** «Баъзи қишлоқлар обод», ***О*** «баъзи қишлоқлар обод эмас». Бўйсуниш муносабати умумий тасдиқ ва

жузъий тасдиқ хамда умумий инкор ва жузъий инкор хукмлар ўртасида бўлади. Масалан, ***А*** «Хамма домлалар профессор», ***Ж*** баъзи домлалар профессор».

**Мураккаб хукмлар.** Юқорида баён қилинганлардан маълумки, хукм терминлари бирдан ортиқ бўлса, уларни мураккаб хукмлар деб юритамиз. Мураккаб хукмларни турларга ажиратганда уларнинг таркибидаги мантиқий боғловчининг мазмунига эътибор берамиз. Шунга қараб мураккаб хукмларнинг қуйидаги асосий турларини кўрсатиш мумкин: **бирлаштирувчи, айирувчи ва шартли хукмлар.**

***Бирлаштирувчи хукмларда*** субъект ёки предикат, баъзан иккаласи хам бирдан ортиқ бўлади. Уларнинг таркибида терминларнинг тенг боғловчи «ва» (унинг ўрнига мос келувчи бошқа боёловчи) мавжуд бўлади. Масалан, «Кант ва Фейрбах немис философларидир», «Хамза шоир, драматург, композитор, маърифатпарвар».

***Айирувчи хукмлар*** таркибида «ёки» боғловчиси бўлиб, бир қанча предикатларни бир биридан айириб туради. Масалан, «Қодиров ё психология,ёки сиёсий иқтисод, ёки философия бўлимида ўқийди».

***Шартли хукмлар*** таркибида одатда «…са, …бўлади» сўзлари мавжуд бўлади. Кўпинча икки боғлиқ ходиса хақида фикр баён қилинади. Шартли хукмнинг сабаб ва оқибатини ифодалайдиган қисмларида субъект ва предикат алохида-алохида бўлади. Масалан, «Агар жисм қиздирилса, у кенгаяди». Бирлаштирувчи хукмлар конъюктив, айирувчи хукмлар дизъюнктив, шартли хукмлар импликатив хукмлар деб хам аталади. Айирувчи хукмлар «С ё ***Р,*** ё ***П1,*** ё ***П2*** дир» формуласи, шартли хукмлар «Агар ***С Р*** бўлса, ***С1 П1*** дир» формуласи орқали берилади.

**Таянч сўз ва иборалар.**

Хукм, хукмнинг предмети, хукмнинг турлари, одддий хукмлар, оддий хукмларда терминлар хажми, оддий хумлар ўртасидаги муносабатлар, мураккаб хукмлар, мураккаб хукмларнинг турлари, бирлаштирувчи хукмлар, айирувчи хукмлар, шартли хукмлар.

**Ўз-ўзини синаш учун саволлар.**

Билиш жараёнида хукмнинг роли нимадан иборат?

Оддий хукмларнинг тузилиши тўёрисида нималарни биласиз?

Оддий хукмларнинг қандай турлари мавжуд?

Оддий хукмларда терминлар хажми қандай бўлади?

Хукмлар модаллиги жихатдан неча хил бўлади?

Хукмлар ўртасида қандай муносабатлар бор?

Мураккаб хукмлар тўёрисида нималарни биласиз?

## 4-Мавзу: ХУЛОСА
## Р Е Ж А

1.Хулоса чиқаришнинг умумий характеристикаси, тузилиши ва турлари.
2. Дедуктив хулоса чиқариш.
3. Индуктив хулоса чиқариш.
4. Анология.

**Хулоса** чиқариш шундай тафаккур шаклики, унда берилган аниқ билимлардан маълум қоидалар асосида бошқа билимлар келтириб чиқарилади. Бу ходиса мухокама юритиш орқали амалга оширилади. Хулоса чиқариш таркибига асосан хукмлар киради. Хулоса чиқариш учун биз маълум билимларга таянамиз. Улар хулоса чиқаришнинг асослари дейилади. Асослар ва хулоса ўртасида маълум мантиқий боёлама бўлади.

Бундан ташқари хулоса чиқаришнинг хар бир турига оид қоидалар мавжуд бўлиб, уларга риоя қилингандагина хулоса чиқади. Агар асослар чин бўлса хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилинган бўлса, чин хулосалар келиб чиқади.

Хулоса чиқаришнинг турлари кўп бўлиб, биз нисбатан кўпроқ учрайдиган хилларини ўрганамиз. Уларни турларга ажратганда, дастлаб асосларнинг сонларини хисобга оламиз. Агар хулоса бир асосдан чиқарилган бўлса, бевосита хулоса чиқариш, икки ёки ундан кўпроқ асослардан чиқарилган бўлса, бавосита хулоса чиқариш деймиз. Тўғри хулоса чиқариш жараёнининг ўзи хар доим бирор восита ёрдамида амалга оширилади.

Мантиқда бир хукмдан бошқаси келтирилиб чиқарилгани учун бевосита, тўёридан тўёри хулоса чиқариш дейилади.

***Бевосита хулоса чиқариш*** мантиқий квадрат орқали ва хукмларнинг шаклини ўзгартириш орқали бўлади. Мантиқий квадрат орқали хулоса чиқариш бевосита хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда моддий жихатдан бир хил хукмларнинг муносабатини аниқлаш орқали янги билим олинади. Бунда берилган хукмнинг чинлигидан иккинчи хукмнинг чинлиги ёки хатолиги хақида хуласа чиқарилади. Маълумки, хукмлар ўртасида зидлик, қарама-қаршилик, жузъий қарама- қаршилик ва бўйсиниш муносабатлари мавжуд. Зид хукмлар иккаласи бир вақтда чин хам, хато хам бўлмайди, уларнинг бири чин иккинчиси хато бўлади.

Масалан, ***А*** «Бу йил Ўзбекистонинг хамма вилоятлари пахта топшириш планини бажарди» ва ***О*** «Бу йил Ўзбекистоннинг баъзи вилоятлари пахта топшириш планини бажармади» хукмларнинг фақат биттаси чин бўлади. Šарама-қаршилик муносабатидаги хукмлар иккаласи бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас, иккаласи хато бўлиши мумкин, баъзан бири чин, бири хато бўлади. Масалан, ***А*** «Хамма математиклар шахмат ўйинини билади» ва «хеч бир математик шахмат ўйинини билмайди». Бунда иккала хукм хам

хатодир. Жузъий қарама-қарши хукмлар бир вақтда чин бўлиши мумкин, лекин бир вақтда хато бўлмайди. Масалан, ***Ж*** «Баъзи аспирантлар инглиз тилини ўрганган» ва ***О***«Баъзи аспирантлар инглиз тилини ўрганмаган». Бўйсуниш муносабатидаги хукмлар чинлиги қуйидагича: агар бўйсундирувчи умумий хукм чин бўлса, унга бўйсунган жузъий хукм хам чин бўлади. Масалан, ***А*** «Хамма давлатлар ўз тараққиёт йўлига эга» ва ***Ж*** «Баъзи давлатлар ўз тараққиёт йўлига эга». Агар буйсундирувчи умумий хукм хато бўлса, унга бўйсунган жузъий хукм бир холда чин, иккинчи холда хато бўлиши мумкин. Масалан, ***А*** «Фалсафа бўлимини битирганлар фалсафадан дарс берадилар» ва ***Ж*** «Баъзи фалсафа бўлимини битирганлар фалсафадан дарс берадилар». Бунда биринчи хукм хато, иккинчи хукм чиндир. Агар ўйсунувчи жузъий хукм чин бўлса, уни ўзига бўйсундирган умумий хукм баъзан чин баъзан хато бўлади. Жузъий хукм хато бўлганда, умумий хукм хам хато бўлади. Мантиқий квадратнинг бурчаклари ***А, Е, Ж, О*** харфлари билан белгиланади ва хукмларнинг сифатини ва миқдорини билдиради. Квадратнинг томонлари ва диагонали хукмлар ўртасидаги муносабатларни билдиради.

***Хукмларнинг шаклини ўзлартириш орқали хулоса чиқариш.*** Бундай хулоса чиқариш **айлантириш, алмаштириш, предикатга қарама-қарши** қўйиш орқали бўлади. Айлантириш шундай хулоса чиқаришки, унда берилган хукмнинг сифатини ўзгартириш билан янги хукм хосил қилинади. Шу йўл билан хукмда ифодаланган фикрнинг мазмуни янада конкретлашади. Масалан, ***А*** «Хамма нарса харакатда» ва ***Е*** «Хеч нарса харакатсиз турмайди». Умумий тасдиқ хукмлар умуман инкор хукмлар, умумий инкор хукмлар умумий тасдиқ хукмларга, жузъий тасдиқ хукмлар жузъий инкор хукмларга, жузъий инкор хукмлар жузъий тасдиқ хукмларга айланади. Хукмлар айлантирилганда миқдори ўзгармайди. Алмаштириш хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда берилган хукм терминларининг ўрнини алмаштириш орқали янги хукм хосил қилинади. Алмаштирилганда хукмнинг миқдори ўзгариши мумкин, сифати ўзгармайди.

Берилган хукмнинг субъекти янги хукмнинг предикати, берилган хукмнинг предикати янги хукмнинг свубъекти бўлади. Хукмни алмаштирганда предикат субъектнинг қандай қисмини ташкил қилиши аниқланади, диққатимиз предикатда ифодаланган хусусиятга қаратилади. Масалан, ***А*** «Хамма дехқонлар фермердир», деган хукмни алмаштирса, ***Ж*** «Баъзи фермерлар дехқонлардир» деган хукм хосил бўлади. Дастлаб бизнинг диққатимиз дехқонларга қаратилган бўлса, кейин фермерларга қаратилган. Фермерлар дехқонларнинг бир қисмини ташкил қилади. Алмаштириш уч хил бўлиши мумкин: **кенгайтирилган алмаштириш, соф алмаштириш, торайтирилган алмаштириш.**

Жузъий хукм умумий хукм билан алмашса, кенгайтирилган, умумий хукм умумий хукм билан ва жузъий хукм жузъий хукм билан алмашса соф алмаштириш, умумий хукм жузъий хукм билан алмашса торайтирилган алмаштириш бўлади.

Предикатга қарама-қарши қўйиш хулоса чиқаришнинг шундай турики унда берилган хукмнинг зиди бўлган тушунча хақида фикр юритамиз. Предикатга қарама-қарши қўйиш учун берилган хукмни навбат билан аввал айлантирамиз, сўнг алмаштирамиз. Масалан, биз ўқитувчилар хақида хам ўқитувчимаслар хақида хам фикр юритишимиз мумкин.

Предикатга қарама-қарши қўйганда умумий тасдиқ хукмлардан инкор хукмлар, умумий  инкор хукмлардан жузъий тасдиқ хукмлар, жузъий инкор хукмлардан жузъий тасдиқ хукмлархосил бўлади.

Масалан, ***А*** «Хамма ўқитувчилар зиёлидир» хукмини предикатга қарама-қарши қўйсак, ***Е«Хеч*** бир зиёлимас ўқитувчи эмас». Бунда иккинчи «эмас» предикатга эмас, субъект билан предикат ўртасидаги мантиқий боёламага алоқадордир. Демак, «Зиёли» нинг зиди «Зиёлимас» дир.

Бевосита хулоса чиқариш амалиётда нисбатан камроқ учрайди. Хулоса чиқаришимиз кўпинча бевосита йўл билан амалга оширилади. Бавосита хулоса чиқариш, юқорида айтилганидек, хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бирдан ортиқ хукмлар орқали ифодаланган асослардан хулоса чиқарилади. Ўз навбатида бавосита хулоса чиқариш бир неча турларга ажиратилади.

Бунда асос бўлиб келган хукмларда берилган хукмнинг умумийлиги даражасига еътибор берамиз. Нисбатан кенгроқ, умумийроқ билимлардан нисбатан торроқ хулоса келтириб чиқарилса дедуктив хулоса чиқариш бўлади.

***Дедуктив хулоса чиқариш.«Дедуктсия»*** лотин тилидан олинган сўз бўлиб, умумийдан  келтириб чиқариш деган маънони англатади. Дедуктив хулоса чиқариш ёки дедуктсияда асос сифатида чинлиги илгаридан маълум бўлган фикрлар олинади. Улар қонунлар, қоидалар, таърифлар, аксиомалар тарзида ифодаланган бўлиши мумкин. Асосларда бирор хусусият бир туркум предметларнинг хаммасига хос эканлиги ёки хос эмаслиги кўрсатилади. Хулосада эга шу хусусият ўша синфга кирувчи бир ёки бир неча предметга хос эканлиги ёки хос эмаслиги хақида фикр баён қилинади. Дедуктив хулоса чиқаришнинг кўп учрайдиган хили силлогистик хулоса чиқариш, бошқача айтганда, силлогизмлардир. ***Силлогизм – қўшиб хисоблаш деган маънони англатади.*** Дастлаб оддий қатъий силлогизмларни ўрганамиз.

Асослари ва хулосаси оддий қатъий хукмлардан иборат бўлгани учун оддий қатъий силлогизмдейилади. Оддий қатъий силлогизм учта хукмдан иборат бўлиб, биринчиси катта асос,иккинчиси кичик асос, учинчи келиб чиқадиган хукм хулоса дейилади. Оддий қатъийсиллогизм учта терминдан иборат бўлади: катта термин – силлогизмнинг предикати, кичиктермин – силлогизмнинг субъекти ва ўрта термин – ката ва кичик терминни боёлаб турадиган терминдир. Катта термин биринчи хукмнинг таркибига киргани учун у катта асос дейилади. Кичик термин иккинчи хукмнинг таркибига киргани учун у кичик асос дейилади.

Кичик ва катта термин хулосани ташкил қилади. Ўрта термин катта асосда ва кичик асосда иштирок етиб иккаласини боёлаб туради, хулосага кирмайди.

Кичик терминни ўрта термин орқали катта терминга муносабатини аниқлаш оддий қатъий силлогизм бўлади. Кичик термин ***С,*** ўрта термин ***М,*** катта термин ***Р*** харфи билан белгиланади. Масалан, «Хамма Ўзбекистонликлар билим олиш хуқуқига эга. Биз Ўзбекистонликмиз. Демак, биз билим олиш хуқуқига эгамиз». Бунда «Хамма Ўзбекистонликлар билим олиш хуқуқига эга» катта асос, «Биз Ўзбекистонликмиз» кичик асос, «Биз билим олиш хуқуқига эгамиз» хулоса. «Ўзбекистонликлар» ўрта термин, «билим олиш хуқуқига эга бўлганлар» катта термин, «биз» кичик термин.

Бу учта терминнинг муносабатини доиралар ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин: Хар қандай икки оддий қатъий хукмдан тўёри силлогистик хулоса чиқариб бўлмайди. Тўғри хулоса чиқариш учун биринчидан, асослар чин бўлиши керак, иккинчидан, силлогизм қоидаларига риоя қилиш керак. Оддий силлогизмнинг хамма кўринишларига алоқадор бўлган умумий қоидалари мавжуд. Уларнинг баъзилари юқорида келтирилган.

Шундай бўлса хам мавзуни яхшироқ тушуниш учун қайта келтирамиз. Силлогизм учта хукмдан ташкил топган бўлиши керак. Силлогизм учта териндан ташкил топиши керак. Термин иккита бўлса, хулоса янги билим бермайди, термин тўртта бўлса, асослар ўртасида мантиқий алоқа бўлмайди. Масалан, «Философ – талабалар мантиқдан имтихон топшириб бўлди», «Мантиқдан имтихон топширганлар орасида философ – талабалар хам бор».

Бунда термин иккита, демак хулоса чиқмайди. «Баъзи талабалар спортчидир». «ТМИ сиртқи факултети талабалар шахарчасида жойлашган». Бунда термин тўртта бўлгани учун хулоса чиқмайди: Талабалар, спортчилар ва **ТМИ** сиртқи факултети талабалар шахарчасида жойлашганлар. Ўрта термин хеч бўлмаса бир асосда тўла хажмда олиниши керак. Бунинг учун у тасдиқ хукмнинг субъект ва инкор хукмнинг предикати бўлиб келиши керак.

Масалан, «Хамма юлдузлар ўзидан ёруёлик чиқаради». Сириус юлдуздир.

Демак, Сириус ўзидан ёруёлик чиқаради. Бунда «юлдузлар» ўрта термин, катта асосда тўла хажмда олинган. Катта ва кичик термин асосларда қандай хажмда олинган бўлса, хулосада хам шундай хажмда олинган бўлади. Масалан, «Хамма фанлар объектив воқеликни акс эттиради». Мантиқ фандир. Демак, «мантиқ объектив воқеликни акс эттиради». Бунда «Объектив воқеликни акс эттирадиганлар» - катта термин, «мантиқ» - кичик термин. Икки инкор хукмдан тўёри хулоса чиқмайди, чунки субъектнинг предикатга муносабатини аниқлаб бўлмайди.

Масалан, «Металл ёруёликни ўтказмайди», «Неон металл эмас». Маълумки, бундай хукмлардан хулоса чиқмайди. Агар асосларнинг бири инкор хукм бўлса, хулоса хам инкор хукм шаклида чиқади. Масалан, «хеч бир металл ёруёликни ўтказмайди». Темир металдир. Демак, «темир ёруёликни ўтказмайди».

Икки жузъий хукмдан хулоса чиқмайди. Иккала асос жузъий хукм бўлса, ўрта термин иккала асосда тўла хажмда олинмаган бўлади, аслида хеч бўлмаса

бир асосда у тўла хажмда олинган бўлиши керак. Асосларнинг бири жузъий хукм бўлса, хулоса хам жузъий хукм шаклида чиқади.Масалан, «Хамма балиқлар умуртқали хайвондир. Баъзи сув хайвонлари балиқлардир. Демак, баъзи сув хайвонлари умуртқалидир». Бунда ўрта термин фақат бир асосда тўла хажмда олинган, катта ва кичик терминлар тўла хажмда олинмаган.

**Оддий қатъий силлогизмнинг шакллари.** Маълумки, оддий қатъий силлогизмлар учта терминдан иборат бўлади. Улар асосларнинг субъекти ва предикати бўлиб келади. Ўрта терминнинг жойлашишига қараб оддий қатъий силлогизмларнинг тўртта шакли фарқ қилинади.

Асослар оддий қатъий хукмлар бўлгани учун уларнинг сифат ва миқдорига қараб турини аниқлаб, турли харфлар ёрдамида оддий қатъий силлогизмнинг модусларини келтириб чиқариш мумкин. *«Модус» - шакл деган маънони англатади.*

***Оддий қатъий силлогизмнинг И шакли.Ўзрта*** термин катта асоснинг субекти, кичик асоснинг предикати бўлиб келса, И шакл бўлади. Биринчи шакл бўйича тўёри хулоса чиқариш учун силлогизмнинг умумий қоидалари билан бирга унинг махсус қоидаларига хам риоя қилиш керак. Катта асос умумий хукм бўлиши керак. Кичик асос тасдиқ хукм бўлиши керак.

Ишаклнинг тўртта тўёри модуси мавжуд: ***ААА, А ЖЖ, ЕАЕ, Е Ж О.*** Бунда биринчи харф катта асоснинг, иккинчи харф кичик асоснинг, учунчи харф хулосанинг сифат ва миқдорини кўрсатади. Биринчи шаклнинг чизмаси қуйидагича бўлади:

Масалан, «А Хамма мажлис қатнашчилари овоз беришди. ***А*** Хакимов шу мажлисда қатнашди. ***А*** Хакимов хам овоз берди».

***Оддий қатъий силлогизмнинг ИИ шакли.Ўзрта*** термин иккала асоснинг предикати бўлиб келса, ИИ шакл бўлади. ИИ шаклнинг иккита махсус қоидаси мавжуд. Катта асос умумий хукм бўлиши керак. Асосларнинг бири инкор хукм бўлиши керак. ИИ шаклнинг тўртта тўёри модуси бор: ***АЕЕ, АОО, ЕАЕ, Е Ж О.*** ИИ шаклда асосларнинг бири инкор хукм бўлгани учун хулоса инкор шаклда чиқади. ИИ шаклнинг чизмаси қуйидагичадир:

Масалан, «Е хеч бир планета ўзидан ёруёлик чиқармайди. ***А*** Хамма юлдузлар ўзидан ёруёлик чиқаради. ***Е*** Юлдузлар планета эмас».

***Оддий қатъий силлогизмнинг ИИИ шакли.*** Ўзрта термин иккала асоснинг субъекти бўлиб келса, ИИИ шакл бўлади. ИИИ шаклдан фақат жузъий хулосалар чиқади. Унинг битта махсус қоидаси бор: кичик асос тасдиқ хукм бўлиши керак.

ИИИ шаклнинг олтита тўёри модуси бор: ***ААЖ, АЖЖ, ЖАЖ, ЕАО, ЕЖО, ОАО.*** ИИИ шаклнинг чизмаси қуйидагичадир:

Масалан, «Баъзи планеталар йўлдошга эга. ***А*** Хамма планеталар қуёш атрофида айланади. Қуёш атрофида айланадиган баъзи жисмлар йўлдошга эга».

***Оддий қатъий силлогизмнинг ИВ шакли.*** Ўзрта термин катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти бўлиб келса, ИВ шакл бўлади. ИВ шаклдан

умумий тасдиқ хукмдан бошқа хамма хил хукмлар келиб чиқади. Унинг чизмаси қуйидагичадир: ИВ шаклнинг иккита махсус қоидаси мавжуд:

Асосларнинг бири инкор хукм бўлса, катта асос умумий хукм бўлади. Катта асос тасдиқ хукм бўлса, кичик асос умумий хукм бўлади. ИВ шаклнинг модуслари: ***АА Ж, АЕЕ, Ж А Ж, ЕАО, Е Ж О.***

Масалан, «Баъзи шахматчилар адвокатдир. ***А*** Хамма адвокатлар юристдир. Баъзи юристлар шахматчидир».

**Ентимемалар.** Маълумки, оддий қатъий силлогизмлар тўла холда учта хукмдан иборат бўлади. Уларда учта термин албатта иштирок етади. Лекин силлогизмлар кўпинча тўла холда эмас, балки қисқартирилган шаклда учрайди, яъни унинг бирорта хукми мияда сақланади, қолган иккита хукми баён қилинади. Шунинг учун бундай силлогизмлар ентимемалар деб аталади. Бу сўз «мияда», «фикрда» деган маъноларни англатади. Ентимемалар иккита хукмдан ташкил топгани билан уларнинг таркибида силлогизмнинг учта термини иштирок етади.

Шу терминларнинг жойлашишидан, хажмидан, лозим бўлган пайтда, тўла силлогизм шаклида тиклаш мумкин.

Ентимемалар уч хил бўлади: катта асоси тушиб қолган, кичик асоси тушиб қолган, хулосаси тушиб қолган ентимемалар.

И,ИИ шаклнинг модуслари кўпинча ентимема шаклида учрайди. Ш шакл модуслари ентимема шаклида нисбатан камроқ учрайди, ИВ шакл модуслари ентимема шаклида деярли учрамайди. Масалан, «Ўзбекистонда хамма ёшлар пахтакор, бизнинг группамиз талабалари ёшлардир» деган ентимемада «Бизнинг группамиз талабалари пахтакор» деган хулоса тушиб қолган.

Фанда ва кундалик турмушда ентимемалар катта ахамиятга эга. Чинлиги илгаридан маълум бўлган фикрларни хадеб такрорламаслик мумкин.

**Шартли - қатъий силлогизмлар.** Биринчи асоси шартли, иккинчи асоси қатъий хукм бўлган силлогизмлар шартли-қатъий силлогизмлар бўлади. Бундай силлогизмнинг иккита модуси бор.

Биринчи тасдиқловчи, модусида иккинчи асос сабаб ходисанинг рўй берганлигини таъкидлайди, хулоса эга натижа ходиса хам амалга ошганини кўрсатади. Тасдиқловчи модусни қуйидаги формула орқали бериш мумкин: Агар ***С П*** бўлса, ***С1 П1*** бўлади. ***С Пдир.*** Демак, ***С1 П1*** дир.

Масалан, «Агар сув 100 градусгача иситилса у қайнайди. Сув 100 градусгача иситилди, демак у қайнади».Шартли қатъий силлогизмнинг иккинчи, инкор қилувчи, модусида иккинчи асос натижа ходисанинг рўй берганлигини кўрсатади, хулоса эга сабаб ходисанинг амалга ошмаганлигини таъкидлайди.

Инкор қилувчи модусни қуйидаги формула орқали бериш мумкин: Агар ***С П*** бўлса, ***С1 П1*** бўлади. ***С1 П1***бўлмади. Демак, ***СП*** эмас. Масалан, «Агар тайёргарлик пухта бўлса, имтихон натижалари юқори бўлади. Имтихон натижалари юқори бўлмади. Демак, тайёргарлик пухта бўлмаган».

Шартли-қатъий силлогизмнинг тасдиқловчи модуси ***поненс,*** инкор

қилувчи модуси ***толленс*** деб аталади.

**Айирувчи-қатъий силлогизмлар.** Биринчи асоси айирувчи, иккинчи асоси қатъий хукм бўлган силлогизмлар айирувчи – қатъий силлогизмлар бўлади. Бундай силлогизмнинг иккита модуси бор. Биринчи модусида иккинчи асос предикатларнинг биттасини тасдиқлайди, хулосада эга, предикатларнинг қолганлари инкор етилади. Бу модусни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин: ***С*** ё ***П,*** ё ***П1***, ё ***П2*** дир. ***С Пдир.*** Демак, ***С П1*** хам, ***П2*** хам эмас.

Масалан, «Талабалар ё кундузги, ё сиртқи бўлимда ўқийди. Олимов кундузги бўлимда ўқийди. Демак, Олимов сиртқи бўлимда ўқимайди». Айирувчи-қатъий силлогизмнинг иккинчи модусида иккинчи асос биринчи асос предикатларидан биттасидан бошқасини инкор етади, хулосада эга предикатлардан битта қолгани тасдиқ етилади. Бу модусни қуйидаги формула орқали бериш мумкин: ***С*** ё ***П,*** ё ***П1***, ё ***П2*** дир. ***С П*** хам, ***П1*** хамэмас. Демак, ***С П2***дир.

Масалан, «Алиев ё фалсафа, ё иқтисодиёт назарияси, ё молия кафедрасида ишлайди. Алиев фалсафа кафедрасида хам, иқтисодиёт назарияси кафедрасида хам ишламайди. Демак, Алиев молия кафедрасида ишлайди».

Айирувчи-қатъий силлогизмнинг биринчи модуси ***поненде-толленс,*** иккинчи модуси ***толленде-поненс*** деб аталади.

***Индуктив хулоса чиқариш.*** Индуктив хулоса чиқариш бевосита хулоса чиқариш қаторига киради. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, индуктсия ходисаларни бирма-бир ўрганишга асосланади. Индуктсия кузатиш ва експеримент билан боғлиқ. Шу йўл билан биз яккадан умумийликка қараб бориш орқали турли қонуниятларни очишимиз мумкин. Натижада предметлар ва ходисалар хақида билишимиз ортиб боради.

Индуктив хулоса чиқариш ёрдамида предметлар ва ходисаларнинг турли хусусиятлари ўрганилади, уларнинг умумий томонлари хақида хулоса чиқарилади. Индуктсиянинг асосини яккалик, хусусийлик ва умумийликнинг узвий алоқаси ташкил етади. Индуктсиянинг яна бир хусусияти шундаки, унинг хулосалари кўпинча ехтимолий характерга эга бўлади. Бу индуктсиянинг ходисаларни бирма-бир ўрганишга асосланганлиги хамда кузатиш ва експеримент билан боғлиқ бўлганлигидан келиб чиқади.

Индуктив хулоса чиқариш деб нисбатан торроқ билимлардан нисбатан кенгроқ билимларга фикран харакат қилишдан иборат бўлган хулоса чиқаришга айтамиз. Мантиқ фани индуктив хулоса чиқаришнинг икки турини ўрганади. Булар тўлиқ ва тўлиқсиз индуктсиядир.

Тўлиқ индуктсия умумий билимлар олиш йўлларидан биридир. Тўлиқ индуктсия хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда хулоса бир туркум предмет ва ходисаларнинг хаммасини бирма-бир ўрганиш асосида нисбатан янги билим хосил қилинади. Бундай хулоса чиқариш учун предмет ва ходисаларнинг бирорта ўхшаш, умумий хусусияти бўлиши керак. Хар бир предметнинг хусусияти хақидаги фикр асосларда якка хукмлар орқали

ифодаланади. Хулоса одатда умумий хукм орқали берилади, унда бирор хусусиятнинг бир туркум предметларнинг хаммасига хослиги ёки хос эмаслиги хақидаги фикри ифодаланади. Тўлиқ индуктсиянинг шу асослари ва хулосаси аниқ, ехтимолдан холи бўлгани учун фикр қатъий хукмлар орқали берилади. Тўлиқ индуктсия бўйича хулоса чиқариш учун ўрганилаётган предметлар ва ходисалар нисбатан камроқ бўлиб, уларни бирма - бир ўрганиш имконияти бўлиши лозим.

Масалан, «Меркурий қуёш атрофида айланади. Марс қуёш атрофида айланади. Ер қуёш атрофида айланади. Венера қуёш атрофида айланади. Сатурн қуёш атрофида айланади. Уран қуёш атрофида айланади. Нептун қуёш атрофида айланади. Плутон қуёш атрофида айланади. Юпитер қуёш атрофида айланади.

Юқоридаги планеталар қуёш систэмасидаги хамма планеталардир. Демак, бу планеталарнинг хаммаси қуёш атрофида айланади». Тўлиқсиз индуктсия хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бир туркум предметларнинг бир қанчасини ўрганиш асосида олинган билимларга таяниб бирор хусусият шу туркумдаги предметларнинг хаммасига хослиги хақида хулоса чиқарамиз. Бунда хулоса кузатилган ва кузатилмаган предмет ва ходисаларга алоқадор бўлади. Тўлиқсиз индуктсиянинг хулосаси ехтимолий характерга эга бўлади. Ўзрганилаётган хусусият бир туркум предметларнинг қолганларига хос ёки хос эмаслиги ноаниқ қолади. Тўлиқсиз индуктсия бир неча турларга бўлиниб, мантиқ фани улардан оддий сана орқали ёки оммабоп индуктсия ва илмий индуктсияни ўрганади.

Оддий санаш орқали индуктсия хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда бир туркум предметларнинг бир қанчасида бирор хусусият такрорланишини ўрганиш асосида қолганлари хулоса чиқарилади. Индуктсиянинг бу турида хулоса чин бўлиши учун хусусият кўпроқ предметларга хос бўлиши, хусусият предметлар учун мухим бўлиши, умумий холатга зид келадиган холлар бўлмаслиги керак. Оддий санаш орқали индуктсия хулосалари илмий характерга эга бўлмаса хам, такрорланиб турадиган холатлардан хулоса чиқариш учун ахамиятлидир. «Хамма металлар қиздирилганда кенгаяди», «Хамма 18 ёшга этган Ўзбекистонликлар сайлаш хуқуқига эга», «Хамма одамлар тинчлик учун курашади» каби хулосалар тўлиқсиз индуктсиянинг оддий санаш тури орқали чиқарилгандир.

**Илмий индуктсия.** Илмий индуктсия хулоса чиқаришнинг шундай турики, унда хулоса чиқариш учун ходисалар ўртасидаги сабабий боғланиш асос қилиб олинади. Илмий индуктсияда хулоса, ходисаларнинг мухим хусусиятларининг такрорланишини ўрганиш натижасида хосил бўлади. Сабабий боғланиш ходисалар ўртасидаги боғланишларнинг енг мухимидир. У предмет ва ходисаларни асослаб берадиган қонуниятларни ечишга имконият яратади. Илмий индуктсия хулосалари илмий ахамиятга эга эканлигини Ф. Бекон асослаб берди. Унинг методларини эга Ж.Ст. Милл ишлаб чиқди.

Шунинг учун баъзан уни Бекон – Милл индуктсияси деб аташади. Мантиқ фани илмий индуктсиянинг қуйидаги методларини ўрганади.

**Ўзхшашлик методи.** Бу методнинг мохияти қуйидагилардан иборат. Агар икки ёки ундан ортиқ ходисаларнинг бирорта ўхшаш томони мавжуд бўлса, уларнинг натижаси бир хил бўлса, шу ўхшаш томони ходисанинг сабабидир, деб хулоса чиқарилади. Ўзхшашлик методи ёрдамида хулоса чиқариш кўпинча кузатиш билан боғлиқ бўлади. Ходисалар кузатилганда уларга хеч қандай таъсир ўтказилмайди. Ўзхшашлик методининг мохиятини қуйидаги формула орқали бериш мумкин: ***АВС*** ходисаси рўй берганда, ***а*** ходисаси рўй беради. ***АДЕ*** ходисаси рўй берганда, ***а*** ходисаси рўй беради. Демак, ***А*** холати ***а*** ходисасининг сабабчисидир.

Масалан, темир, мис, пўлатдан ясалган маятниклар бир хил узунликда осиб қўйилса, уларнинг тебраниш даври бир хил бўлади. Тебраниш даврининг бир бўлишига сабаб маятникларнинг нимадан ясалгани эмас, балки стерженларнинг бир хил узунликда бўлишидир. Хамма холларда фақат шу томони ўхшаш бўлиб, қолган томонлари, яъни кимёвий состави, зичлиги, оёирлиги, қаттиқлиги ва бошқа томонлари билан фарқ қилади.

**Тафовут методи.** Бу методнинг мохияти шундан иборатки, агар ходиса бир холатда рўй берса, иккинчи холатда рўй бермаса, уларнинг фарқ қиладиган томони мавжуд бўлса, шу томони ходисанинг сабаби, деб хулоса чиқарилади.

Тафовут методи бўйича хулоса чиқариш кўпинча тажриба ўтказиш билан боғлиқ бўлади. Тажриба ўтказилганда, мақсадга мос келадиган шароитларни яратиш мумкин бўлади. Шу билан бирга тажриба ўтказганда натижа таъсир қиладиган хамма шарт – шароитни хисобга олиш лозим. Тафовут методининг мохиятини қуйидаги формула орақали бериш мумкин:

***АВС*** ходисаси рўй берганда, ***а*** ходисаси рўй беради. ***ВС*** ходисаси рўй берганда, ***а*** ходисаси рўй бермайди. Демак, ***А*** холати ***а*** ходисасининг сабабидир.

Масалан, қуёш нури кўпроқ тушиб турган жойда етилган меваларнинг мазалироқ ва йирикроқ бўлиши маълум, аксинча соя жойда етилгани бемазароқ ва майдароқ бўлади. Бошқа томонлари бир хил бўлиб, бир томондан фарқ қилгани, яъни қуёш нурининг кучи турлича бўлгани ходисанинг сабаби бўлади.

**Йўлдош ўзгаришлар методи.** Бу методнинг мохияти шундаки, бир воқеанинг ўзгариши, бошқа воқеанинг ўзгаришига олиб келса, аввалгиси кейингиси учун сабаб бўлади. Ёълдош ўзгаришлар методи бўйича чиқарилган хулосалар кўпинча ехтимолий характерга эга бўлади. Ёълдош ўзгаришлар методининг мохиятини қуйидаги формула орқали бериш мумкин: ***АВС*** ходисаси рўй берганда, ***а*** ходисаси рўй беради. ***А1ВС*** ходисаси рўй берганда, ***а1*** ходисаси рўй беради. Демак, ***А*** холати ***а*** ходисасининг сабабидир.

Масалан, ахоли ўртасида олиб борилган тарбиявий ишлар билан баъзида содир бўладиган жиноий ишлар ўртасида сабабий боғланиш бор. Тарбиявий ишлар кучайтирилса, жиноий ишлар нисбатан камаяди. Тарбиявий ишларнинг кучайтирилиши сабаб бўлиб, жиноий ишларнинг камайиши натижадир.

**Қолдиқлар методи.** Бу методнинг мохияти шундан иборатки, ходисанинг бир қисми аниқланган сабабнинг натижаси бўлса, иккинчи қисми хали аниқланмаган сабабнинг натижаси бўлади, деб хулоса чиқарилади. Šолдиқлар методининг мохиятини қуйидаги формула орқали бериш мумкин: ***АВ*** ходисаси натижасида ***ав*** ходисаси рўй берганлиги маълум, ***в*** ходисаси ***В*** нинг натижаси бўлса, ***а*** ходисаси ***А*** нинг натижаси бўлса керак. Сабабий боғлиқ ходисаларни ўрганишда юқорида кўрсатилган методларнинг бир нечтасидан фойдаланиш мумкин.

**Индуктсиянинг дедуктсия билан алоқаси.** Индуктсия билан дедуктсиянинг алоқаси алохида ўрин тутади. Мантиқ тарихида баъзи олимлар дедуктсияни, баъзилари индуктсияни нисбатан олдинга, биринчи ўринга қўйишга харакат қилганлар. Аслида улар бир – бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдиради. Айрим файласуфлар билиш жараёнида индуктсия билан дедуктсияни бир биридан ажиратиш мумкин эмас, улар анализ ва синтез каби ўзаро узвий боғлиқ, деб кўрсатади. Индуктсия билан дедуктсиянинг ўзаро алоқаси асосида яккалик, жузъийлик, умумийликнинг ўзаро алоқаси ётади. Объектив воқеликни, предмет ва ходисаларни билишда индуктив хулоса чиқариш хам мухим ўрин тутади. Нисбатан камроқ предметларни ўрганишда тўлиқ индуктсия, математик методлар ахамиятли бўлса, нисбатан кўпроқ предметларни ўрганиб хулоса чиқаришда тўлиқсиз индуктсиянинг турлари ахамият касб етади. Кузатиш, тажриба ўтказиш йўллари ёрдамида индуктив методлар асосида ходисаларнинг ички қонуниятлари очилади. Илмий назарияларнинг пайдо бўлишида индуктив хулоса чиқаришнинг ўз ўрни бор.

**Аналогия.** Аналогия шундай хулоса чиқариш турики, унда предметга маълум бир белгининг хослиги хақидаги хулоса шу предметнинг бошқа предмет билан мухим хоссаларига кўра ўхшашлигига асосланиб чиқарилади. Мисол қилиб қуйидагини келтириш мумкин. Ер ва қуёш қатор мухим хусусиятларига кўра ўхшаш:

Улар бир планеталар системасига кирувчи осмон жисмлари Иккаласи хам харакатда, Химиявий таркиби ўхшаш (Ерда мавжуд кимёвий елементлар спектрал анализ ёрдамида қуёшда хам топилган). Мана шу ўхшашликка асосланиб олимлар қуёшда топилган янги елемент (гелий) ерда хам бўлиши керак, деган хулосага келганлар. Аналогия йўли билан олинган бу хулосанинг чинлиги кўп ўтмай тасдиқланди: ерда хам гелий елементи топилди. Агар ўхшатилаётган предметларни ***А*** ва ***В,*** уларнинг белгиларини ***а, в, с, а*** деб белгиласак, унда юқоридаги хулоса чиқаришнинг структурасини қуйидаги схема тарзида кўрсатиш мумкин:

***А*** предмет ***а,в,с,***□ белгиларига эга. ***В*** предмет ***а,в,с,***□ белгиларига эга Ехтимол, ***В*** предмет хам□ белгисига эгадир.

Мазкур схема аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг типик схэмасидир. Аналогияда бир предмет хақидаги билим шунга ўхшаш бошқа предмет хақидаги билимдан хулоса тарзида келтириб чиқарилади, яъни фикримиз

жузъий билимдан жузъий билимга қараб харакат қилади. Бу хулоса индуктив йўл билан олинган хулоса сингари ехтимол тарзида бўлади. Аналогия предметлар, уларнинг хусусиятлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларга таянади, яъни у ўзининг объектив асосига эга. Аналогиянинг бир қанча турлари мавжуд. Ўзхшатилаётган объектларнинг характерига қараб, хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси фарқ қилинади. Юқоридаги Ер ва Қуёш ўхшашлиги бўйича чиқарилган хулоса хусусият аналогиясига тааллуқлидир. Бунда иккита предмет ўхшатилиб, биридан иккинчисига фикран бирорта хусусият кўчирилади. Муносабат аналогиясида эга икки жуфт предметлар ўртасидаги муносабатлар ўхшатилиб кўчириладиган белги шу муносабатларнинг хоссасидир. Мисол қилиб Резерфорднинг атом тузилишининг планетар модели хақидаги хулосасини келтириш мумкин. Бу хулоса қуёш ва планеталар ўртасидаги муносабатнинг атом ядроса ва електронлар ўртасидаги муносабатларга ўхшатилиш натижасида хосил қилинган. Мантиқда яна хулосанинг аниқлик даражасига қараб, қатъий аналогия, қатъий бўлмаган аналогия ва хато аналогиялар ажратилади. Аналогия бўйича чиқариладиган хулосанинг аниқлик даражасини, яъни чин бўлиш ехтимолини ошириш учун маълум бир шартларга риоя қилиш лозим.

Таққосланаётган предметларнинг иложи борича кўпроқ ўхшаш белгилари аниқланиши лозим; Бу умумий, ўхшаш белгилар предметлар учун мухим белгилар бўлиши керак; Бир предметдан иккинчи предметга фикран кўчирилаётган белги қолган белгилар билан зурурий алоқада бўлиши лозим;

Таққосланаётган предметларнинг бир - биридан фарқ қилдириб турадиган белгилар хисобга олиниши лозим. Аналогия билиш ва амалий фаолиятимизда катта ахамиятга эга. У моделлаштиришнинг асосини ташкил қилади. Унинг ёрдамида кўп кашфиётлар қилинган. Хусусан инсон мияси ва баъзи физик жараёнлардаги инъикосининг ўхшашлигини аниқлаш кибернетик қурилмаларни яратишга олиб келган.

**Таянч сўз ва иборалар.**

Хулоса чиқариш-тафаккур шакли, хулоса чиқришнинг турлари, бевосита хулоса чиқриш, хукмларнинг шаклини ўзгартириш орқали хулоса чиқриш, дедуктив хулоса чиқариш, силлогистик хулоса чиқариш, оддий қатъий силлогизм шакллари, оддий қктъий силлогизмнинг 1,2,3,4 шакллари, ентинемалар, шартли - қатъий силлогизмлар, айирувчи қатъий силлогизмлар, ендуктив хулоса чиқариш,илмий индукйия, ўхшашлик методи, тафовут методи, йўлдош ўзгаришлар методи, қолдиқлар методи, икдуктсиянинг дидуктсия билан алоқаси, анология.

**Ўз - ўзини синаш учун саволлар.**

Хулоса чиқаришнинг мохияти нимадан иборат?

Бевосита хулоса чиқариш нима, унинг қандай турларини биласиз?

Оддий – қатъий силлогизмнинг тузилиши ва умумий қоидалари хақида нималарни биласиз?

Ентимема нима ва унинг неча хилини биласиз?

Тўлиқсиз индуктсиянинг характерли хусусияти нимада?

Ўзхшашлик, тафовут, йўлдош ўзгаришлар, қолдиклар методларини характерлаб бера оласизми?

Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг мохияти нимада?

Хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси нима?

# АРГУМЕНТЛАШ НАЗАРИЯСИНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ. МУАММО, ГИПОТЕЗА, НАЗАРИЯ

**Аргументлашнинг умумий тафсифи.**

Кишиларнинг тарихий тажриба фаолиятидаги муваффақиятлари улар қўллаётган билимларнинг қай даражада чин бўлишига, яъни бу билимларнинг воқеликнинг қанчалик тўғри акс еттиришига боғлиқ. Хато фикрлар предметларнинг реал алоқалари ва муносабатларини бузиб кўрсатади, билишда кўп чалкашликларга олиб келади. Шунинг учун хам билиш жараёнида хар бир фикрни тўғри кўришга еришиш, унинг чинлигини далиллар билан кўрсата олиш, хато фикрларни эга рад қила билиш мухим ахамиятга эга. Бу айниқса мафкура ва сиёсат сохасида яққол кўринади. Мухим тарихий масалаларни хал қилишда аниқ далиллар топа билмасликни, манфаатдор шахсларнинг хитоб ва бақириқларига, қасамларига соддалик билан ишониб қўя қолишини сиёсий жихатдан тарбияланмаганлик натижаси, мантиқий маданиятсизлик деб хисобланган.

Фактлар ва бошқа далилларга таяниб юритиладиган фикр юксак ишонтириш кучига эга бўлади, кишиларда ишонч - еътиқодни шакллантиради. Ишонч-еътиқод бу кишиларнинг хулқ - атвори ва хатти - харакатларини белгилаб берадиган қарашлари ва тасаввурларидир. Билишнинг мақсади илмий асосга эга бўлган еътиқодни яратишдан иборат.

**Аргументлаш** кенг маънода фикрни тасдиқлаш учун далиллар келтиришдан иборат. Унинг хар хил усуллари мавжуд. Хусусан фикрнинг чинлигини тасдиқлаш учун уни ходисанинг (фактнинг) ўзи билан солиштириш мумкин. Лекин кўп холларда билиш жараёни натижанинг чинлиги уларнинг илгари вужудга келган билимлар билан боёлаш орқали аниқланади. Буни амалга оширишнинг мантиқий усули исботлашдир.

**Исботлаш** бир хукмнинг чинлигини у билан боёланган бошқа чин хукмлар ёрдамида асослашдан иборат бўлган мантиқий амалдир.

У учта елементдан ташкил топган: *тезис, аргументлар* (асослар), *демонстратсия.* Тезис – чинлиги асосланиш лозим бўлган хукм. У исботлашнинг марказий шакли хисобланади, бутун диққат еътибор унинг чинлигини кўрсатишга қаратилади. Аргументлар – тезиснинг чинлигини асослаш учун келтирилган хукмлар. Аргументлар фактларни қайд қилувчи хукмлар, таърифлар, аксиомалар, теоремалар, қонунлар хамда бошқа емпирик ва назарий умумлашмаларга хизмат қилади. Аргумент сифатида келтирилган фактлар, албатта, ўзаро боёланган ва тезиснинг мохиятига алоқадор бўлиши лозим. Таърифлар хам чин хукмлар бўлиб, улардан аргумент сифатида фойдаланиш мумкин. асалан, «харакат бу хар қандай ўзгаришдан иборат» деган таъриф чин хукмдир.

Аксиомалар чинлиги ўз-ўзидан равшан бўлган исботлашни талаб қилмайдиган фикрлардир. Инсон амалиётида миллиард марталаб

такрорланганлиги учун ҳам уларни исботлаш зарур эмас.

Теоремалар ва қонунларнинг чинлиги исботланган бўлади. Уларни хеч иккиланмасдан аргумент қилиб олса бўлади. Демонстратсия ёки исботлаш усули тезис билан аргументлар ўртасидаги мантиқий алоқадан иборат. У хулоса чиқариш шаклида бўлади. Яъни тезис, аргументлардан хулоса сифатида мантиқан келтириб чиқарилади.

Исботлашнинг 2 та тури мавжуд: бевосита исботлаш, бавосита исботлаш. Бевосита исботлашда тезиснинг чинлиги тўёридан-тўёри аргументлар билан асосланади. Яъни тезисга зид бўлган хукмлардан фойдаланилмайди. Бунда тезис кўп холларда якка ходисани ифода қилиб келади ва маълум бир умумий билимдан, масалан қонундан аргумент сифатида фойдаланилиб, унинг чинлиги асосланади.

Масалан «Ўзбекистон суверен, очиқ демократик давлатдир» деган хукмнинг (тезис) чинлиги аргументлар ёрдамида асосланади. Бавосита исботлашда эга тезиснинг чинлиги унга зид бўлган хукмнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Антитезиснинг қандай шаклда ифодаланган бўлишига қараб апагогик исботлаш ва айирувчи исботлаш фарқ қилинади. Апагогик исботлашда тезис ***(а)*** ва антитезис ***(а)*** ўртасидаги муносабат ***а – а*** тарзида бўлади.

Масалан, «Материя харакатсиз мавжуд эмас» деган хукмнинг чинлигини асослаш учун унга зид бўлган «Материя харакатсиз мавжуд» деган хукм олинади. Апагогик исботлашда антитезис топилиб (1 - босқич) вақтинча чин деб қабул қилинади ва ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади (2 - босқич), сўнгра бу натижаларнинг хатолиги кўрсатилади (3 - босқич) ва демак тезиснинг чинлиги исботланади. Масалан, «Материя харакатсиз мавжуд» деган хукм чин бўлса, «моддий предметлар структурасиз мавжуд» деган фикр (антитезисдан келиб чиққан натижа) хам чин бўлади. Бизга маълумки моддий предметлар структурасиз (уни ташкил қилувчи елементлар ва уларнинг ўзаро алоқасиз)мавжуд эмас. Демак, «Материя харакатсиз мавжуд» деган фикр хато, шу тариқа «Материя харакатсиз мавжуд эмас» деган фикрнинг чинлиги асосланади.

Айирувчи исботлашда тезис соф айирувчи хукмнинг (кучли дизъюнктсиянинг) бир аъзоси бўлиб, унинг чинлиги бошқа аъзоларнинг (антитезиснинг) хатолигини кўрсатиш орқали асосланади. Масалан, «Имзосиз хатни ё Саидов, ё Егамов, ё Расулов ёзган» деган фикр текширилиб, «Имзосиз хатни Егамов хам, Расулов хам ёзмаган» лиги аниқланади ва шу тариқа «Имзосиз хатни Саидов ёзган» деган хукмнинг чинлиги асосланади. Бу мисолда айирувчи исботлаш айирувчи - қатъий силлогизмнинг инкор-тасдиқ модуси бўйича кўрилган.

**Раддия** – илгари сурилган тезиснинг хатолиги ёки асоссизлигини аниқлаш йўли билан исботни бузишга қаратилган мантиқий амалдир.

Бирорта фикрнинг чинлигини рад етиш унга зид бўлган фикрнинг

хатолигини кўрсатишдан иборат бўлганлиги учун раддияни исботлашнинг хусусий холи деб хисоблаш мумкин.

Раддия хам исботлаш каби тезис (рад қилиниши лозим бўлган хукм), аргументлар (тезисни рад қилувчи хукмлар) ва демонстратсиядан (рад етиш усули) ташкил топган бўлади. Раддия бирорта масалани мухокама қилиш, яъни дискуссияда учрайди. Дискуссия қатнашчиларидан бири маълум бир тезисни илгари суриб, уни химоя қилса (пропонент), бошқаси унга қарши чиқади (оппонент). Хал қилинмаган, мунозарали масалалар бўйича олиб бориладиган дискуссиялар полемика хисобланиб, унда қарама-қарши тезислар хисобланибгина қолмай, балки танқидий анализ хам қилинади.

Раддия 3 хил усул билан амалга оширилади: тезисни танқид қилиш, аргументларни танқид қилиш, демонстратсияни танқид қилиш. Масалан, вулгар материалистларнинг «онг моддийдир» деган тезиси табиатшунос олимлар томонидан онгнинг идеал ходиса эканлигини кўрсатувчи далиллар билан рад етилади. Бу тезисни танқид қилиш орқали амалга оширилади.

**Исботлаш, рад етиш ва тезисга алоқадор қоидалар:**

Тезис мантиқан аниқ ва равшан бўлиши керак. Бу қоида бузилса, исботлаш ёки рад етиш ўзининг аниқ предметига эга бўлмай қолади, уни амалга оширишга уриниш бехуда иш хисобланади.

Тезис исботлаш ёки рад етишнинг бошидан охиригача ўзгартирилмаслиги керак. Бу қоида бузилса «Тезисни алмаштириш» деган хато келиб чиқади.

**Аргументларга нисбатан қоидалар:**

Тезисни асослаш учун келтирилган аргументлар чин хукмлар бўлиши ва бир-бирига зид бўлмаслиги лозим. Аргументлар тезисни асослаш учун етарли бўлиши керак. Аргументлар тезисдан мустақил холда чинлиги исботланган хукмлар бўлиши мумкин.

Демонстратсияга нисбатан қоида: тезис аргументлардан мантиқий тарзда келиб чиқадиган хулоса бўлиши лозим. Бунинг учун исботлаш ёки рад етишда хулоса чиқариш қоидаларига риоя қилиш керак.

Исботлаш ва рад етиш жараёнида хар хил хатоликлар учраб туради. Улар тўёри фикр юритиш қоидаларини бузиш натижасидир. Агар хато мантиқ қоидаларини қасддан бузиш натижаси эмас, балки ехтиётсизлик ёки билмаслик натижаси бўлса, у параллогизм деб аталади. Оппонентни адаштиришни кўзда тутиб, қасддан мантиққоидаларини бузиш натижасида хатога йўл қўйиш софизм хисобланади. Баъзан парадокслар хам учраб туради. Парадокс - бирорта хукмнинг хам чинлигини хам хатолигини исботлайдиган мулохазадан иборат.

Тўртинчи саволни ўрганишни бошлар экан, ўқувчи хар қандай билиш, илмий изланишнинг мақсади бизга номаълум бўлган фактларни (ходисаларни) тушунтириш эканлигини ёдда тутиши лозим. Šайдқилинган фактларни хамма вақт хам мавжуд тушунчалар, принтсиплар ёрдамида тушунтириб бўлмайди. Фандаги туб бурилишлар даврида бу хол маълум қийинчиликларни, хусусан илмий билимларнинг еришган даражаси билан янги билишвазифаларини хал

қилиш зарурияти ўртасидаги зиддиятни вужудга келтиради, муаммоли вазиятни яратади.

Мана шундай вазият масалан XX асрнинг охири XX асрнинг бошларида радиоктивлик ходисасининг кашф қилиниши, нурланишнинг квант характерга эгалиги, бир химиявий елементнинг бошқасига айланиши ва шу кабиларнинг аниқланиши натижасида вужудга келган.

Бу вазиятни фанда «физикадаги кризис» деб атаган еди. Билишдаги бундай қийинчиликлар муаммоларни қўйиш ва уларни хал қилиш орқали бартараф қилинади.

**Муаммо** – жавоби мавжуд бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир. Шунинг учун хам муаммолар мавжуд билимлар доирасидан четга чиқишни, янги ечиш усули, методлариниқидиришни тақозо етади. Šандай муаммоларни илгари суришни, уни мухокама қилишнинг характерини билиш ва амалиётдаги ехтиёжларни белгилаб беради.

**Савол** – муаммонинг ифода қилиниш шакли, билимларимиздаги ноаниқликлар, шубхаларни юқотишга ва аниқрок, тўлиқрок билим олишга қаратилганфикрлаш воситасидир. Савол маълум бир бошланёич билимга таянган холдақўйилади. Ана шу бошланёич билим жавобнинг характерини, унинг умумий схэмаси ва йўналишини белгилаб беради. Савол аниқ, равшан, қатъий холдақўйилиши лозим. Масалан, «Субъект нима?» деган савол ноаниқ қўйилган хисобланади. Бу саволга фалсафий нуқтаи-назардан туриб «Оламни билувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий индивид, муайян инсон» ва формал мантиқ позитсиясидан «Хукм терминларидан бири» деб жавоб бериш мумкин.

Мантиқда саволнинг 2 та тури:  аниқловчи савол ва тўлдирувчи савол фарқ қилинади. Савол мавжуд назариялар доирасида ёки уларнинг модификатсиялари асосида мухокама қилинади ва ечилади. Саволни ечиш одатда гипотезаларни илгари суришдан бошланади.

**Гипотеза** – қайд қилинган ходисанинг (фактнинг сабаби хақида бирорта тахминий фикрни илгари суриш ва уни асослашдан иборат бўлган жараёндир. У 2 та босқичдан ташкил топган бўлади: 1) гипотезани кўриш ва 2) уни исботлаш.

Гипотеза кузатиш ва експеримент натижаларига таянган холда фактларни тўплаш, уларни анализ ва синтез қилиш асосида илгари сурилади. Масалан, К.Е. Тсиолковский ернинг тортиш кучини енгиб, планеталарга етишга имкон берадиган тезликни математик хисоблаш асосида шундай гипотезани илгари сурган: Марказга интилма куч оёирликни мувозанатлайди ва уни нолга тенглаштиради. Демак, космосга чиқишнинг йўли фақат мана шудир.

Исботлаш босқичида гипотезани вақтинча чин деб қабул қилиниб, ундан маълум бир натижалар келтириб чиқарилади ва улар мавжуд ходисалар (фактлар) билан солиштирилади. Агар улар бир-бирига мувофиқ келса, гипотеза чин, мувофиқ келмаса, хато бўлади. Гипотезанинг чинлиги баъзан уни чинлиги илгари аниқланган билимлардан дедуктив йўл билан келтириб чиқариш орқали хам исботланиши мумкин. Гипотеза рад қилинса, унинг ўрнига бошқаси

кўрилади ва шу тариқа ўрганилаётган ходисанинг сабаби аниқлангунча давом еттирилади.

Шунинг учун хам гипотезани табиётшуносликнинг ва умуман илмий билимларнинг тараққий етиш шакли деймиз.

Мантиқда умумий ва хусусий гипотезалар фарқ қилинади. Умумий гипотеза деб табиий, ижтимоий ва билиш ходисаларнинг қонуниятлари хақидаги асосли тахминларга айтилади. Бунга мисол қилиб М.В. Ломоносовнинг модданинг атом тузилиши хақидаги гипотезасини кўрсатиш мумкин. Хусусий гипотеза айрим фактлар, конкрет ходисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятлари хақидаги асосли тахминдан иборат. Ишчи гипотеза хам мавжуд. У одатда текширишнинг дастлабки босқичларида қурилиб, ундан ходисанинг сабабини аниқлаш учун эмас, балки кузатиш ва експеремент натижаларини системага солиш учун фойдаланилади. Чинлиги исботланган умумий гипотеза назарияга айланади.

**Назария** - тушунчалар, қонунлар систэмасидан иборат бўлиб, унда маълум бир сохага оид билимлар системага солинади, умумлаштирилади ва алқин қилинади. Емпирик фактлар, гипотезалар ва қонунлар назарияни қуришнинг зарурий елементлари бўлиб хизмат қилади.

Назария маълум бир принтсиплар, методлар ёрдамида кўрилиб, барча мавжуд билимларни (ески ва янги тушунчалар, қонунларни) ягона асосга келтиришга имкон беради. Назарияларнинг яратилиши мавжуд билимларнинг миқдор жихатидангина эмас, балки сифат жихатидан хам ўсишини, ўрганилаётган ходисаларнинг мохиятини чуқуррoқ тушунишни билдиради. 1) тажрибага таянувчи фанларнинг (експериментал фанларнинг) мазмундор назариялари, 2) табиатшуносликнинг гипотетик-дедуктив ёки ярим аксиоматик назариялари, 3) математика ва математик табиатшуносликнинг аксиоматик назариялари, 4)математика ва мантиқнинг формаллашган назариялари.

Бу назарияларда мавжуд емпирик материаллар хар хил даражада ва кўламда анализ қилинади ва умумлаштирилади. Хар бир фан ўз тараққиётининг дастлабки босқичларида ўрганилаётган ходисаларни (фактларни) тасвирлайди ва классификатсия қилади. Тасвирлаш ва ярим емпирик босқичида фан (биологик систематика, емпирик психология, конкрет сотсиология, қисман география хозир ана шундай босқичда) тўпланган материалларни координатсия қилади, яъни ёнма-ён тузиб чиқади.

Фан тараққиётининг кейинги босқичида эга мавжуд тушунчалар, хукмлар, қонунлар бири иккинчисидан келтириб чиқарилади, яъни субординатсия қилинади. Масалан, гипотетик дедуктив назарияларда фаннинг барча тушунчалари маълум бир гипотезадан дедуктсия қилинади. Аксиоматик усул билан кўрилган назарияларда фаннинг барча тушунчалари, принтсиплари маълум бир аксиомалардан келтириб чиқарилади.

Фан ана шундай назариялар систэмасидан иборат бўлиб, унинг структурасини ўрганишда мантиқ фани катта ахамиятга эга.

**Таянч сўз ва иборалар.**

Аргумнтлаш ва унинг мазмуни, исботлаш, аргументлашда тезис, асосларва демонтратсия бирлиги, раддия, исботлаш рад етиш ва тезисга алоқдор қоидалар, аргументларга нисбатан қоидалар, муаммо, савол, гипотеза, назария тушунчалар қонунлар систэмаси сифатида, қурулиш усулига кўра назариянинг турлари.

**Ўз - ўзини синаш учун саволлар.**

Аргументлаш нима ва у кишиларда ишонч-еътикоднинг шаклланишда қандай рол уйнайди?

Исботлашнинг қандай турларини биласиз?

Исботлаш ва рад етиш қоидаларини бузганда қандай хатолар келиб чиқади?

Паралогизм, софизм ва парадокслар нима?

Муаммоларни тўёри қўйиш ва хал қилишнинг қандай шартларини биласиз?

Гипотезанинг мохияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?

Назария нима, унинг қандай турларини биласиз?

**ЭТИКА ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

1. Қадимги Юнонистонда этика фанига асос солган мутафаккир ким?
А. Аристотель
В. Диоген
С. Сократ
Д. Платон

2. Этика фанининг предметини аниқлаб беринг.
А. Этика – ахлоқнинг келиб чиқиши, унинг табиати ва ривожланиш қонунларини ўрганувчи фан
В. Этика – ахлоқ-одоб тўғрисидаги таълимотдир
С. Этика – жамиятнинг ахлоқий муносабатларини ўрганувчи фан
Д. Этика – ахлоқий қадриятлар тизимини яратувчи фандир.

3. Этиканинг асосий функцияларини кўрсатиб беринг.
А. бошқариш, тартибга солиш, назорат қилиш, тарбиялаш,
В. дунёқараш, методологик, аксеологик, прексеологик, футурологик,
С. билиш, баҳолаш, формаллаштириш, моделлаштириш,
Д. А+В+С

4. Этика фани қандай қадриятлар тизимига асосланади?
А. Диний ва миллий,
В. Миллий ва исломий,
С. Ирқий ва табақавий,
Д. Миллий ва умуминсоний.

5. Этика фанининг олий мақсади нима?
А. ижтимоий муносабатларни тартибга солиш,
В. жамиятда буюк шахсларни етилиб чиқишига кўмаклашиш,
С. инсонларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш,
Д. ижтимоий прогресс ва адолатли жамият учун хизмат қилувчи комил инсонларни тарбиялаш.

6. Этика ва юриспруденция фанларини боғловчи тушунчаларни аниқланг.
А. адолатпарварлик, инсонпарварлик, қонунни устуворлиги, ватанпарварлик,
В. яхшилик, бурч, виждон, қадр-қиммат,
С. ахлоқий маданият, ахлоқий онг, ахлоқий муносабатлар, ахлоқий амалиёт,
Д. А+В+С.

7. Ахлоқий гедонизм нима?
А. ҳаётдан ҳузурланиш, роҳатланиш,
В. ҳаётдан изтироб чекиш,
С. ахлоқ қонун ва қоидалари асосида яшаш,
Д. ҳаётдан қўрқиб ва ваҳима асосида яшаш.

8. Ахлоқий эвдемонизм нима?
А. бахтли ҳаёт кечириш,
В. бахтли ва тўкин-сочин яшаш,
С. инсон эҳтиёжларини тўлиқ қондириш,
Д. А+В+С.

9. Гегель этикасининг асосий тушунчасини аниқланг.
А. виждон,
В. бурч,
С. виждон эркинлиги,
Д. ирода эркинлиги.

10. И.Кант этикасининг таянч тушунчаларини аниқланг.
А. бурч ва виждон,
В. бурч ва ирода эркинлиги,
С. бурч ва адолат,
Д. бурч ва ахлоқий императивлар.

11. Конфуций этикасининг асосий тамойилларини аниқланг.
А. гуманизм, меъёр, ҳамкорлик,
В. яхшилик, ёши улуғларга ҳурмат ва иззат, инсонпарварлик,
С. анъаналарга сажда қилиш, қонунни устуворлиги,
Д. А+В+С

12. Ахлоқий маданият тушунчасини аниқланг.
А. бу – тарихан шаклланган ахлоқий қадриятлар системаси,
В. бу – шахснинг ахлоқий жиҳатдан етуклиги,
С. бу – ахлоқ-одобли инсон,
Д. А+В+С.

13. Янги давр этикасида ахлоқий императивлар ким томонидан яратилган?
А. И.Кант,
В. Ф.Бекон,
С. Р.Декарт,

Д. Фейербах.

14. Ахлоқий онг тушунчасини аниқланг.

А. бу – муайян жамиятда қарор топган ахлоқ тўғрисидаги ғоялар, қарашлар, тасаввурлар, назариялар ва қадриятлар системасидир,

В. бу – ахлоқ тўғрисидаги англаб олинган тушунчалар, нормалар, принциплар, қонун-қоидалар,

С. бу – ахлоқий муносабатларнинг инсон онгидаги инъикосидир,

Д. А+В+С.

15. Ахлоқий онг структураси қайси элементлардан ташкил топган?

А. урф-одатлар, ҳис-туйғулар, сифатлар, ишонч-эътиқод, қадриятлар, идеаллар,

В. нормалар, принциплар, қадриятлар, баҳолар ва қонунлар,

С. билиш, хулқ-атвор қоидалари, ахлоқий хатти-ҳаракатлар,

Д. А+В+С.

16. Ахлоқий онг функцияларини кўрсатиб беринг.

А. бошқариш, тартибга солиш, назорат қилиш, билиш, баҳолаш, қадр-қимматни аниқлаш,

В. дунёқараш, методологик, аксеологик, футурологик,

С. ижобий ва прогрессив ғоялар, қарашлар, тасаввурлар ва қадриятларни шакллантириш,

Д. А+В+С.

17. Этика фанида яхшилик тушунчаси қандай таърифланади?

А. яхшилик бу – инсонларга фойда келтириш,

В. яхшилик бу – жамиятга хизмат қилиш,

С. яхшилик бу – ахлоқ қонун-қоидалари ва идеалларига мос келган ҳолда ижтимоий прогрессга тўсқинлик қилмайдиган хатти-ҳаракатлар мажмуасидир,

Д. А+В+С.

18. Этика фанидаги адолат тушунчасини аниқланг.

А. адолат бу – тенглилик ва ҳаққонийликнинг мезонидир,

В. адолат бу – тенглилик ва ҳаққонийликнинг зарурий ўлчовидир,

С. адолат бу – муайян системада қабул қилинган ахлоқий бурч ва мажбуриятларига мос хатти-ҳаракатлар мажмуаси,

Д. А+В+С.

19. Ахлоқий бурч деганда нимани тушунасиз?

А. бу – инсоннинг мажбуриятлари,

В. бу – инсоннинг вазифалари,

C. бу – инсоннинг мақсадлари,

Д. бу – шахснинг жамиятга ёки кишиларга бўлган ахлоқий мажбуриятлари.

20. Этикада «виждон» категорияси қандай таърифланади?

А. виждон бу – инсон ўз хулқ-атворини тўғри деб билиш,

В. виждон бу – инсон ички маънавий дунёсини назорат қилиш,

С. виждон бу – ўз-ўзини англаш ва баҳолаш,

Д. виждон бу – ўз хулқини муайян ахлоқий нормалар нуқтаи назаридан туриб баҳолаш, назорат ва таҳлил қилишдир.

21. Ахлоқий эркинлик деганда нимани тушунасиз?

А. бу – хоҳлаган ахлоқий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш,

В. бу – хулқ-атвор қонун-қоидаларини ихтиёрий бажариш,

С. бу – ахлоқ нормаларига риоя қилмаслик,

Д. бу – англаб олинган ахлоқ қонун-қоидаларини амалиётда тўғри тадбиқ этиш.

22. Ахлоқий юксалиш деганда нимани тушунасиз?

А. ахлоқ тўғрисидаги ғоя ва қарашларни ривожланиши,

В. ахлоқий назария ва амалиётнинг мос келиши,

С. ахлоққа нисбатан эҳтиёжларни ўсиб бориши,

Д. ахлоқий идеалларга мос келган инсон хулқ-атворини ривожланиши,

Е. жамиятни ахлоқий маданиятида сифат ўзгариши.

23. Ахлоқий онг даражаларини кўрсатиб беринг.

А. эмпирик ва назарий,

В. хиссий ва мантиқий,

С. эмоционал ва рационал,

Д. А+В+С.

24. Ахлоқий тарбия деганда нимани тушунасиз?

А. бу – ахлоқ қонун ва қоидаларини инсон онгига сингдириш,

В. бу – инсонни ахлоқ нормаларига риоя қилган ҳолда яшашга даъват этиш,

С. бу – инсонни шахс сифатида шаклланишига ёрдам бериш

Д. бу – инсонни юксак ахлоқий маданият соҳибига айлантириш.

25. «Комил инсон» ғояси кимники?

А. Форобий,

В. А.Навоий,

С. Ю.Ҳамадоний,

Д. А.Беруний.

26. А.Навоий этикасининг таянч тушунчасини аниқланг.
А. адолат,
В. бурч,
С. яхшилик,
Д. виждон.

27. Ибн Сино этикасининг характерли белгиси нима?
А. гедонизм,
В. эвдемонизм,
С. утилитаризм,
Д. теологик.

28. Л.Фейербах этикасининг асосий ғояси нима?
А. севги-муҳаббат,
В. бахт-саодат,
С. бурч,
Д. А+В+С.

29. Форобий этикасининг характерли белгисини аниқланг.
А. эвдемонизм,
В. гедонизм,
С. утилитаризм,
Д. интуитивизм.

30. Умуминсоний ахлоқий принципларга нималар киради?
А. инсонпарварлик, адолатпарварлик, қонунни устуворлиги, жамоатчилик, ватанпарварлик,
В. эзгулик, севги-муҳаббат, виждонлик, самимият,
С. яхшилик, бурч, адолат, виждон,
Д. А+В+С.

31. Ахлоқий амалиёт нима?
А. бу – ахлоқий онг ҳодисалари, мотивлари, ниятлар, дунёқараш қадриятлар ва идеалларни инсон фаолиятида амалга ошиши,
В. бу – онгни ахлоқий муносабатларда реаллашуви,
С. бу – ахлоқий онгни мақсадга мувофиқ предметли хиссий фаолиятга йўналтирилганлиги
Д. А+В+С.

32. Хулқнинг биринчи ва асосий элементи нима?

A. хатти-ҳаракат,
B. мотив,
C. ҳис-туйғулар,
Д. A+B+C.

33. Ахлоқий муносабатлар ўз мазмунига кўра қандай функцияларни бажаради?
A. бошқарувчи,
B. қўриқлов,
C. назарий,
Д. тартибга солувчи,
E. ҳаммаси тўғри.

34. Ахлоқий амалиёт таркибини аниқланг.
A. мақсад, восита, натижа,
B. манфаат, мақсад, хатти-ҳаракат,
C. эҳтиёж, хулқ-атвор, мақсад,
Д. A+B+C.

35. Ахлоқий релятивизм нима?
A. Ахлоқий қонун ва қоидаларнинг нисбийлиги
B. Ахлоқий қонун ва қоидаларнинг ўткинчилиги
C. Ахлоқий қонун ва қоидаларни муайян жаиятда амал қилиши
Д. A+B+C

36. Марказий Осиёда тасаввуф этикасининг асосчиси ким?
A. Яссавий
B. Кубро
C. Ҳамадоний
Д. A+B+C

37. Ахлоқий онгни назарий даражасидаги элементларни аниқланг
A. Фан, ахлоқий мафкура
B. ғоялар, қарашлар, нормалар
C. Қонунлар, нормалар, принциплар, идеаллар
Д. Назарий асосланган қадриятлар тизими

38. Ҳис-туйғулар ахлоқий онгнинг қайси даражасига тегишли?
A. Эмпирик
B. Рационал
C. Интиутив
Д. A+B+C

39.  Прагматизм этикасининг асл моҳиятини кўрсатинг
А. Субъектив идеологик этика
В. Амалий фойдали ахлоқ
С. Мақсад йўлида ахлоқдан восита сифатида фойдаланиш
Д. А+В+С

40.  Экзистенциализм этикасида ҳаётнинг мазмуни қандай ифодаланди?
А. Ирода эркинлиги
В. Чегаравий ҳолатлар
С. Ички маънавийликни мутлоқ эркинлиги
Д. Яшаш ва ўлим оралиғида

41. Маънавий камолотда яхшилик ва гўзалликнинг бирлигини эътироф этган мутафаккирни кўрсатиб беринг.?
А.Сократ
В.Декарт
С.Гегелъ
Д.Форобий

42.Янги даврда эмпирик ахлоқнинг асосчиси ким бўлган?
А.Р.Бекон
В.Д.Локк
С.Б.Спиноза
Д.Л.Фейербах

43.Ахлоқ ва ҳуқуқни бирлаштирувчи тушунчаларни кўрсатиб беринг?
А.Гуманизм, яхшилик,адолат,бурч
В.Қонунни устуворлиги,ватанпарварлик
С.Тинчликсеварлик,севги,виждон
Д.Бахт, севги,ҳаётни маъноси

44.Ахлоқнинг рационал йўналишининг асосчиси ким?
А.Р.Декарт
В.И.Кант
С.Г.В.Гегель
ДО.Конт

45. “Соф ақлни танқид” асарини ким ёзган.?
А.И.Кант
В.Гегель
С.Фейербах

Д.О.Кант

46. “Ахлоқий маданият”нинг функционал қадриятлар тизимини аниқланг?
А.Ҳаётнинг мазмуни, инсон қадри, бахт, идеаллар
В.Яхшилик, адолат, бурч
С.Виждон, севги, шаън
Д.Шахсий ва ижтимоий манфаатлар

47. “Ахлоқий маданият”нинг умуминсоний субстанционал қадриятлар тизимини аниқланг?
А.Инсон ва унинг ҳаёти, жамият манфаатларининг устиворлиги
В.Гуманизм, адолат, қонун устуворлиги
С.Ватанпарварлик, жамоатчилик, ҳақиқат
Д.Бурч, шаън, виждон

48. Ахлоқий қадриятларга нигилистик муносабат қайси тушунча орқали ифодаланган?
А. Аморализм
В.Пессимизм
С.Метафизика
Д.Негативлик

49.Буддизм этикасининг ахлоқий идеали нима?
А.Бизни ўраб турган дунёга мутлақо зарар етказмаслик
В.Ҳамма нарсага бағри кенглик
С.Бахтга эришиш
Д.Инсонпарварлик

50. Ахлоқий рефлексия деганда нимани тушунасиз?
А.Ахлоқнинг моҳиятини англаб олиш
В.Инсоннинг ахлоқий муносабатларга мослашуви
С.Инсоннинг ахлоқ асосида ижтимоийлашуви
Д.Инсоннинг ахлоқий маданияти

# ЭСТЕТИКА ФАНИДАН ТЕСТ САВОЛЛАР

1. Эстетика фани предмети

А. Гўзаллик фалсафаси

В. Нафосат олами

С. Санъат қонуниятларини ўрганади

Д. Инсоннинг воқеликка эстетик муносабати ва санъатнинг умумий қонуниятларини ўрганади

2. Эстетика фани асосчиси ким?

А. А.Баумгартен

В. Аристотель

С. Ҳеч бир олимни эстетика асосчиси деб бўлмайди

Д. Гегель

3. Эстетик ҳис-туйғу нима?

А. Гўзаллик туйғуси

В. Маънавий қониқиш туйғуси

С. Гўзаллик ва хунукликни, улуғворлик ва пасткашликни, фо-жиавийлик ва кулгиликни идрок этиш ва баҳолаш қобилияти

Д. Меҳнат, санъат, ахлоқий муносабатларда гўзалликни тақозо этади

4. Эстетика фани қуйидаги фанлар билан алоқадорликда ривожланади

А. Социология, этика, психология

В. Диншунослик, маданиятшунослик, мантиқ

С. Санъатшунослик, фалсафа

Д. А ва С

5. Эстетика фани жамият ҳаётида қуйидаги вазифаларни бажаради

А. Тасвирий, норматив, ижодий

В. Методологик, эвристик, амалий

С. Билиш, тарбиявий, дунёқараш

Д. А ва С

6. Эстетик муносабат бу - ...

А. Субъект билан объект ўртасидаги алоқа

В. Эстетик баҳолаш

С. Гўзалликни идрок этиш жараёнида содир бўладиган ўзаро ҳаракатлар

Д. Эстетик қадриятларни яратиш

7. Эстетик онг нима?

A. Бадиий онг
B. Санъат
C. Эстетик орзу-хаёллар
Д. Тўғри жавоб йўқ

8. Эстетик онгнинг таркибий қисмлари
A. Эстетик ҳис-туйғулар, дид, баҳолаш, эстетик орзу, қараш ва назариялар
B. Эстетик эҳтиёж, эстетик фаолият, эстетик дид, дизайн
C. Санъат, эстетик орзу, эстетик таълимотлар, дизайн
Д. Барча жавоблар тўғри

9. Эстетик фаолиятга таъриф беринг
A. Эстетик онгнинг амалга оширилиши ва моддийлаштирилишидир
B. Гўзаллик яратиш йўлидаги фаолият
C. Моддий қадриятлар яратиш
Д. Маънавий қадриятларни яратиш

10. Дизайн нима?
A. Санъат тури
B. Ишлаб чиқариш тури
C. Ижтимоий онг шакли
Д. Бадиий-техник, илмий фаолият тури

11. Эстетик ҳис-туйғулар
A. Шодлик, ҳайратланиш, ажабланиш
B. Завқ-шавқ, нафрат, фожиа, кулги
C. Гўзаллик, улуғворлик
Д. Орзу, дид, баҳо
E. А ва В

12. «Дид – бу якка одамга хос бўлган туғма қобилиятдир» деган фикрнинг муаллифи ким?
A. Кант
B. Аристотель
C. Э.Умаров
Д. Леонардо да Винчи

13. Эстетик онг асосини нима ташкил қилади?
A. Эстетик орзу
B. Эстетик дид ва баҳо
C. Эстетик ҳис-туйғулар
Д. А ва В

14. Эстетика категориялари
А. Нафосат, санъат, орзу
В. Гўзаллик, хунуклик
С. Фожиалилик, кулгилилик, улуғворлик
Д. А ва С
Е. В ва С

15. Гўзаллик бу - ...
А. Ички ва ташқи гўзаллик
В. Комиллик
С. Санъат ҳодисаси
Д. Тўғри жавоб йўқ

16. Гўзалликнинг манбаи
А. Санъат
В. Ижтимоий ҳаёт
С. Воқелик
Д. Тўғри жавоб йўқ

17. «Гўзаллик қимматли ҳақиқат билан якунланиб, юз чанд-он гўзаллик кашф этади» деган фикри кимга тегишли?
А. Шекспир
В. Леонардо да Винчи
С. Навоий
Д. Аристотель

18. Фожиалилик ва кулгилилик категориялари ёрдамида нима ифодаланади?
А. Ижтимоий ҳаёт ҳодисалари
В. Табиат воқеа-ҳодисалари
С. Ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари
Д. Тўғри жавоб йўқ

19. Кулгилилик нима?
А. Санъат мавзуси
В. Санъат ҳодисаси
С. Эстетика категоряиси
Д. А ва С

20. Энг биринчи эстетик қараш ва ғоялар қаерда вужудга келган?
А. Қадимги Юнонистонда

В. Қадимги Хитой ва Ҳиндистонда
С. Қадимги Шарқ мамлакатларида
Д. Тўғри жавоб йўқ

21. Гўзалликни томонлар мутаносиблиги, симметрияда деб ҳисоблаган ким?
А. Гераклит
В. Демокрит
С. Аристотель
Д. Афлотун

22. Европа Уйғониш даври эстетикасининг муҳим хусу-сияти нима?
А. Инсонпарварлик руҳи
В. Бадиий амалиёт билан боғлиқлиги
С. Табиий-илмий асосга эга эканлиги
Д. А ва В
Е. Тўғри жавоб йўқ

23. Классицизм эстетикаси асосчиси ким?
А. Буало
В. Гегель
С. Леонардо да Винчи
Д. Шекспир

24. Абу Наср Форобийнинг эстетик қарашлари баён этил-ган асари
А. «Фозил одамлар шаҳри»
В. «Бахт-саодатга эришув ҳақида»
С. «Давлат ҳақида»
Д. «Сиёсат ҳақида»

25. Форобий қайси санъат тури ҳақида қуйидаги фикрни билдиради: «бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир»?
А. Мусиқа
В. Назм
С. Тасвирий санъат
Д. Рақс

26. Абу Райҳон Беруний гўзалликни қандай таърифлайди?
А. Санъат ҳодисаси
В. Табиат ва инсонга хос бўлган камолот сифати
С. Томонлар мутаносиблиги
Д. Тўғри жавоб йўқ

27. Абу Али Ибн Сино қайси санъат турига юқори баҳо беради?
А. Назм
В. Тасвирий санъат
С. Мусиқа
Д. Рақс

28. Санъат нима?
А. Ижтимоий онг шакли
В. Воқеликни бадиий образлар воситасида инъикос эттириш шакли
С. Меҳнат тури
Д. Барча жавоблар тўғри

29. Тасвирий санъатнинг натюрморт тури нимани акс эт-тиради?
А. Инсон қиёфасини
В. Табиат манзарасини
С. Жонсиз нарсалар – мевалар, гуллар, ичимликлар, таомлар ва ҳ.к.
Д. Тўғри жавоб йўқ

30. «Эстетика» сўзининг луғавий маъноси
А. Гўзаллик
В. Сезиш, ҳис этиш
С. Билиш
Д. Тўғри жавоб йўқ

31. Эстетик объект нима?
А. Атрофимизни ўраб турган дунё
В. Биз кўраётган реаллик
С. Инсоннинг бевосита идрок этиш объектига айланган воқелик-нинг хилма-хил кўринишлари
Д. Тўғри жавоб йўқ

32. Эстетик субъект нима?
А. Ҳар қандай инсон
В. Санъаткор
С. Эстетик идрок қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган ин-сон ва ижтимоий гуруҳ
Д. Шахс

33. Эстетик муносабат асосини нима ташкил этади?
А. Эстетик дид
В. Эстетик орзу

С. Ҳиссиётлар
Д. Эстетик баҳо

34. Эстетик назария бу - ...
А. Маънавий-руҳий воқеа-ҳодисалар мажмуи
В. Мураккаб руҳий ҳолат
С. Эстетик объектни бутунлайига қамраб оладиган тамойиллар, қарашлар, тушунчалар, билимлар тизимидир
Д. Тўғри жавоб йўқ

35. Санъатнинг бош мавзуси
А. Гўзаллик
В. Ахлоқ
С. Инсон
Д. А ва В

36. Санъатнинг воқеликни инъикос эттириш воситаси
А. Бадиий образ
В. Бўёқлар
С. Оҳанглар
Д. А ва С

37. Бадиий образ нима?
А. Воқеликни акс эттириш ва санъаткор фикрлари ва ҳис-туйғу-ларини акс эттиришнинг санъатга хос бўлган шакли
В. Инсонлар
С. Бўёқлар
Д. Оҳанглар
38. Бадиий ҳақиқат нима?
А. Ҳаёт ҳақиқати
В. Санъат асарларида ҳаётнинг тасвирланиши
С. Санъат воситалари ёрдамида қайта яратилган ҳаёт ҳақиқати-дир
Д. Тўғри жавоб йўқ

39. Санъат асарининг сюжети нима?
А. Асарнинг тузилиши
В. Санъат асарининг тили
С. Асарда тасвирланган ҳодисаларнинг кетма-кет баён қилини-шидир

40. Санъат асарининг ғояси нимани англатади?
А. Асарнинг ижтимоий мазмунини
В. Асарнинг мавзусини

С. Асарнинг шаклини
Д. Тўғри жавоб йўқ

41. Бадиий адабиётнинг асосий моддий қуроли, тасвирий-ифодавий воситаси
А. Тил
В. Оҳанг
С. Шеър
Д. Сўз

42. Бадиий адабиёт қандай санъат тури
А. Фазоли санъат тури
В. Вақтли санъат тури
С. Фазо-вақтли санъат тури
Д. Тўғри жавоб йўқ

43. Бадиий адабиёт турлари
А. Ёзма ва оғзаки
В. Лирик, этик ва драматик
С. Комедия, сатира, драма
Д. Театр, аския, лоф

44. Роман, қисса, ҳикоя бу - ...
А. Санъат жанри
В. Санъат тури
С. Санъат йўналиши
Д. Тўғри жавоб йўқ

45. Драма қайси санъат турига киради?
А. Театр
В. Кино
С. Бадиий адабиёт
Д. Мусиқа

46. Тасвирий санъат тизими
А. Натюрморт, портрет, пезаж
В. Рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика
С. Архитектура, рассомлик
Д. Графика, портрет, пейзаж

47. Рақс санъати қайси санъат турига мансуб?
А. Ифодали санъат тури

В. Вақтли санъат тури
С. Амалий санъат тури
Д. Тўғри жавоб йўқ

48. Мусиқа санъати воситалари
А. Товуш
В. Оҳанг
С. Ритм
Д. А ва В

49. Амалий санъат турлари
А. Маъморчилик, ҳайкалтарошлик
В. Зардўзлик, заргарлик, кулолчилик
С. Наққошлик, ёғоч ўймакорлиги
Д. А ва В
Е. В ва С

50. Телевидение бу - ...
А. Санъат тури
В. Матбуот воситаси
С. Санъатнинг ўзига хос синтетик кўриниши
Д. Тўғри жавоб йўқ.

# АДАБИЁТЛАР

## 6.1. Асосий адабиётлар.


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2003 йил.
2. Каримов И.А «Истиқлол ва маънавият». –Т.: «Ўзбекистон» нашриёти, 1995 йил.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
4. Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари». Ташкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.
6. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”. Ташкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.
8. Каримов И.А. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 йил.
9. Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси”. Тошкент, Шарқ нашриёти, 1999 йил.
10. Каримов И.А. “Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”: “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблар. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 2000 йил.
11. Каримов И.А. “Адолат – қонун устуворлигида”, “Халқ сўзи” газетаси, 2001 йил 30 август.
12. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А..Каримовнинг “Независимая” газетаси мухбири саволлларига берган жавоблари. 2004 декабрь.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 2005 йил 25 май.
15. Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. 2005 йилнинг12-13 май кунлари. Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманидаги баёнот ва мухбирларнинг саволларига жавоблар.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. “Халқ сўзи”, 2005 йил 8 декабрь.
17. Каримов И.А. Орзу-умидларимиз амалий ифодаси. Президент Ислом Каримовнинг пойтахтда амалга оширалаётган бунёдкорлик ва

ободонлаштириш ишлари билан танишиш чоғидаги (шу жумладан талабалар шаҳарчасида талаба ёшлар билан учрашувида) суҳбати. “Халқ сўзи”, 2005 йил 29 декабрь.

18. Каримов И.А. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2006 йил 11 февраль.

### 6.2. Дарсликлар.

19. Шер А. “Ахлоқшунослик”. Т.: 2000.
20. “Этика”. Под.ред. А.А. Гусейнова и Е.Л. Дубко. – М.: 1999
21. Борев Ю. «Эстетика» М., 1988.
22. Кобликов А.С. “Юридическая этика”. – М.: 2003.
23. Кондрашов В.А., Чичина Е.А. Этика. Эстетика. Учебное пособие для ВУЗов. Ростов на Дону, 1998.
24. Кривцун О.А. “Эстетика”. – М.: 1998.
25. Кроче Б. “Эстетика”. – Тула.: 2000.
26. Умаров Э. “Эстетика”. – Т.: 1995.

### 6.3. Ўқув қўлланмалар.

27. Букреев В.И., Римская И.Н. “Этика права”. – М.: 1998.
28. “Профессиональная этика сотрудников правоохранительных органов”. – М.: 1999.
29. “Эстетик тарбия асослари”. – Т., 1998.
30. Гильберт К.Э., Г. Кун. «История эстетики». С.Пб. – 2000.
31. Гулыга А. “Принципы эстетики”. – М.: 1987.
32. Зеленкова И.Л., Беляева Е.В. Этика. Учебное пособие.- Мн.:НТООО «Тетра-Системс»,1997.
33. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
34. Носирхўжаева Г. “Эстетика”. – Т.: ТДЮИ, 2005
35. Радугин А. Этика. Курс лекций. – М.,1998
36. Умаров Э. “Эстетика”. – Т.: 1995

### 6.4. Ўқув-услубий қўлланмалар.

37. Воҳидова Д., Носирхўжаева Г. “Этика” – Т., ТДЮИ – 2003.
38. Носирхўжаева Г.А. “Эстетика”. Т.: 2003

### 6.5. Қўшимча адабиётлар:

39. Алпомиш: ўзбек халқи қаҳрамонлик достони. –Т.: Шарқ, 1998

40. Аристотель . Поэтика. –Т.: 1980.
41. Ахлоқ ва одобга оид ҳадис наъмуналари. Т. «Фан», 1990.
42. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999.
43. Гусейнов А.А. Золотое правило нравственности. М., 1982.
44. Дробницкий О.Г. Понятие морали. М., 1974.
45. Жумабоев Й.Ш. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1980.
46. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1989 йил.
47. Иброхимов А.,Султонов Х., Жураев Н. “Ватан туйғуси”. Т., 1996й
48. Имом Бухорий «Хадис», 4 жилдлик. Тошкент. Қомуслар бош тахририяти, 1992 йил.
49. Йўлдошев Ж., Хасанов С. Авестода ахлоқий таълимотий қарашлар. Т. 1992 й.
50. Кайковус. Қобуснома. Т., 1986 йил.
51. Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. Т., 2001 йил.
52. Қуръони карим. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1993 йил.
53. Маънавият юлдузлари. Тошкент, Абдулла Кодирий номидаги нашриёт. 1999 йил.
54. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000 йил
55. Мўминов И.М. Амир Темирнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. «Тошкент», 1993 йил.
56. Навоий. Мажолис ун-нафоис. /Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13 –том. –Т.: 1998 йил.
57. Татаркевич В.О. О счастье М., 1981 йил.
58. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: Ўзбекистон. 1995.
59. Усмонов М. Одобнома. Т. 1991 йил.
60. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 йил.
61. Хайём. Наврўзнома. –Т.: 1990 йил.
62. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т. 1971 йил.
63. Шер А. Диний-бадиий асарнинг эстетик моҳияти. “Гулистон” журнали, 2001 йил, 5-сон.
64. Шер А. Ибрат кўзи. “Соғлом авлод учун” журнали, 1996 йил, 7-8, 9-10-сонлар.
65. Шер А. Тасаввуф, Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. “Соғлом авлод учун” журнали, 2002 йил, 2-сон.
66. Этическая мысль. М., 1988 год.

# АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Мулоқот, 1998, 5 - лсон.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётнинг пойдевори. /И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида/ Т.-6 – Т.: Ўзбекистон, 1998.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

5. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир: "Фидокор" газетаси мухбири саволларига жавоблар. – Т.: Ўзбекистон, 2000.

6. Миллий истиқлол ғояси:асосий тушунча ва тамойиллар Т.: Ўзбекистон 2001й.

7. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. - "Фидокор" газ.,8 июн 2000й.

8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан хамкорлик роли.- "Туркистон"газ., 26 апрел 2003й.

10. Каримов И.А "Юксак маънавият- енгилмас куч" Т. 2008 й.

11. Каримов И.А "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида". Т. 2011. й.

12. Хайруллаев М., Хақбердиев М. Мантиқ. – Т.: Ўқитувчи, 1993.

13 Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ (маърузалар матни) – Т.: ФТДЁ, ДИТАФ, 2001.

14. Рахимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т.: Ўқитувчи, 1998.

15. Войшвилло Е.К., Дегтярев М.Г. Логика как част теории познания и научной методологии. – М.: 1994, кн. 1,2.

16. Гетманова А.Д. Логика. Словар и задачник. – М.: Владос, 1998.

17. Абдуллаев Г. Статистиканинг умумий назарияси. – Т. 1993.

18. Буюк сиймолар, алломалар. 1-2 китоб. – Т. 1995-96.

19. Валиев Б. Мантиқ курси бўйича амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. – Т. 1992.

20. Иброхимов А.Т. Молиявий тахлил. – Т. 1995.

21. Камолова С., Файзихўжаева Д. Мантиқ. – Т. 1993.

22. Рахимов И. Мантиқ. – Т. 1995.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ ..................................................................................................

БИРИНЧИ ҚИСМ. ЭТИКА

1-мавзу. “Этика”нинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари..........

2-мавзу. Ахлоқнинг моҳияти ва таркибий тузилиши..........................................

3-мавзу. “Этика”нинг асосий категориялари. Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар..............................................................................................................

4-мавзу. Ахлоқий маданият ва шахс ахлоқий тарбияси ............................

ИККИНЧИ ҚИСМ. ЭСТЕТИКА

1-мавзу. “Эстетика” фани предмети ва вазифалари.............................................

2-мавзу. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари ..............

3-мавзу. Эстетик онг ва эстетик фаолият ..................................................

4-мавзу. Эстетиканинг асосий категориялари......................................................

5-мавзу. Санъат–ижтимоий онг шакли. Санъат турлари ...........................

Этика фанидан тест саволлари..........................................................................

Эстетика фанидан тест саволлари......................................................................

Адабиётлар...............................................................................................

**Г.НОСИРХЎЖАЕВА**

# ЭТИКА.
# ЭСТЕТИКА

**Юридик институт талабалари учун ўқув қўлланма**

Муҳаррир: С.Салимова
Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов
Мусаҳҳиҳ: Н.Мирзажонова

Босишга рухсат этилди:
Ҳажми:. Адади: Буюртма: №
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, 35.